Т.М.БАЙМУРАТОВ

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИ



Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2005

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Тошкент молия институти.

Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич

Суғурта фаолиятида рисклар трансфери

МОНОГРАФИЯ

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2005

Ж 9(2)26
Б 184

Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. Монография. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005.-196 б.

Иқтисод фанлари доктори, профессор **А.В.Ваҳобов** таҳрири остида

Илмий муҳаррир: иқтисод фанлари доктори, профессор **Ё.Абдуллаев**

Мазкур монографияда суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, бу фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, уни давлат томонидан тартибга солиш механизми ўрганиб чиқилган ва такомиллаштириш омиллари кўрсатилган; рисклар трансфери ва тарифларни аниқлаш жараёнлари тадқиқ этилган; мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, халқаро суғурта фаолиятининг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари ўрганилган ҳамда такомиллашув йўналишлари аниқланган; мамлакатимизда суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш йўналишлари асосланган.

Ушбу монографиядан суғурта фаолиятини ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

***

В данной монографии изучены социально-экономическая сущность страхования, современное состояние и механизмы государственного регулирования данной деятельности, определены факторы, влияющие на его совершенствование; исследованы процессы трансфера риска и определения тарифов; исследованы и сопоставлены экономико-организационные основы международной страховой деятельности, изучены проблемы страховой деятельности Узбекистана и разработаны предложения по их стратегическому развитию.

Результаты данного монографического исследования могут быть применены в процессе страховой деятельности и совершенствования механизма трансфера риска, в научно-исследовательских работах по данному направлению и в учебном процессе.

***

The given monograph is the social and economic essence of insurance, state regulations in contemporary conditions and mechanisms were investigated, factors influencing on its improvement were determined; processes of a transfer risks and tariffs determining were investigated; economic-organizational bases of the international insurance activity were considered and compared, problems of insurance activity in Uzbekistan were investigated and a number of scientific offers on its strategic development were presented.

The results are determined by implementation in the process of insurance activity strategic development definition of the insurance organizations in Uzbekistan, and also while elaboration of instructions, in a professional training on the given directions and formation of the major specialties.

Мазкур монография Тошкент молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори Н.Ҳайдаров, иқтисод фанлари номзоди, доцент Х.Шеннаев

ББК 65.9 (5У) 271

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонаси, 2005 йил.

© «IQTISOD-MOLIYA», 2005

КИРИШ

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда иқтисодий фаолиятнинг ўзаро уйғун дастаклари мажмуи – бозор институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва ишончли тараққиётини таъминлашда суғурта фаолиятини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири – тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда»[1].

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бу соҳада 20 дан ортиқ компания иш юритмоқда ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 дан кўпроқ турдаги суғурта хизматлари кўрсатилмоқда[2].

Суғурта маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, капитал, ишчи кучи, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятларни рисклардан ҳимоялашга, шунингдек, у ҳар бир субъектнинг ўз фаолиятини кенгайтиришига, инвестицияларни ишончли

[1]Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.// «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил, 18 февраль.

[2]Манба: http://www. uzreport. com./rus.

№ 438556

жойлаштиришига, кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда суғурта соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш унинг қатор янги вазифа ва муаммоларини ҳал этиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бозор инфратузилмаси шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда:

- *биринчидан,* юридик ва жисмоний шахсларнинг рисклардан ҳимоясини йўлга қўйиш, суғурталанувчилар томонидан мазкур хизматни тўлалигича ўзлаштириш учун унинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини мукаммаллаштириш зарурати юзага келганлиги;

- *иккинчидан,* суғуртанинг тадбиркорлик фаолияти сифатида, ташкилий-услубий шаклланиши ва такомиллашуви жараёнининг давом этаётганлиги;

- *учинчидан,* суғурта муносабатларини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг самарали шаклларда амалга оширилишини йўлга қўйиш талаб этилаётганлиги;

- *тўртинчидан,* суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришнинг зарурлиги;

- *бешинчидан,* бу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва роли иқтисодчи-олимлар томонидан илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилмаганлиги бу йўналишда монографик тадқиқот ишини олиб боришни долзарб қилиб қўйди.

Суғурта фаолиятида рисклар трансфери муаммоларини монографик тадқиқ этиш ва уларни ҳал этиш юзасидан

таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадидир.

Монографияда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рисклар трансферининг қуйидаги жиҳатлари тадқиқ этилди:

- рисклар трансферининг ижтимоий-иқтисодий мазмун- моҳияти ҳамда илмий-назарий ва ташкилий асослари;

- назарий-амалий жиҳатдан янги бўлган тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти;

- иқтисодиёт субъектларининг рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, улар фаолиятида рисклар трансферини амалга оширишнинг самарали йўллари, асосий тамойиллари ва турлари;

- суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга ошириш амалиётини етакчи суғурта ташкилотлари мисолида ўрганиш, бу борада эришилган ютуқлар, шунингдек, мазкур соҳа олдида турган муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш йўллари;

- мамлакатимизда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари;

- мамлакатимизда ягона мақсадга бўйсундирилган яхлит тизим сифатида суғурта бозори инфратузилмаси ҳамда рисклар трансферини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар;

- рисклар трансферининг истиқболи ва шу кабилар.

Суғурта ташкилотларида рисклар трансфери жараёнини тадқиқ этишда тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилди. Улар ўз навбатида,

мамлакатимизда суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш, унинг мақсадли фаолият сифатида талабга мос бўлишини таъминлаш ишига хизмат қилади.

Монографияда:

- Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрнига кўра суғурта фаолиятида рисклар трансфери ва унинг ижтимоий-иқтисодий

мазмун-моҳияти асосланди;

- рисклар трансфери жараёни суғурта фаолиятини самарали ташкил этишнинг тизимли босқичи сифатида талқин этилди;

- суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ўрганиб чиқилди ва уларни такомиллаштириш омиллари кўрсатилди;

- суғурта фаолиятида рисклар трансферининг ҳозирги ҳолати ўзаро алоқадор бўлган тамойиллар асосида ўрганилди ҳамда уни стратегик ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди;

- суғурта фаолиятида рисклар трансфери бўйича тарифларни шакллантиришнинг хусусиятлари талқин этилди;

- суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уни такомиллаштириш йўллари илмий асосланди;

- мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, қиёсий ёндашув асосида халқаро суғурта фаолиятида рисклар трансферининг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари очиб берилди. Монографияда, шунингдек, илмий аҳамиятга молик бўлган

бошқа таклиф-мулоҳазалар ҳам мавжуддир.

Ушбу монографик ишланмада суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга ошириш ва уни такомиллаштириш йўллари баён этилган ҳамда унда билдирилган тавсия-таклифлар қуйидаги йўналишларда, яъни:

- суғурта фаолиятини рисклар трансфери ҳамда кўрилган зарарларни қоплаш воситаси сифатида самарали ташкил этилишини таъминлашда;

- суғурта фаолияти субъектларининг кенг қамровли ўзаро муносабатларини тартибга солишда;

- суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда;

- суғурта фаолиятида рисклар трансфери бўйича тарифларни оптимал даражада шакклантиришда;

- суғурта фаолиятида рисклар трансферини амалга оширишга қаратилган сиёсатни янада такомиллаштиришда;

- давлат таълим стандартларига мувофиқ «Суғурта иши» таълим йўналиши ва унинг базасида тайёрланадиган мутахассисликларга дахлдор туркум фанлар, шунингдек, махсус курслардан машғулотлар ўтказишда ўз татбиқини топиши мумкин.

I БОБ.
СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. СУҒУРТА ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

1.2. СУҒУРТА РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТРАНСФЕРИ

1.3. СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

1.1. СУҒУРТА ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Бозор муносабатлари такомиллашуви иқтисодий инфратузилманинг қарор топиши билан биргаликда кечадиган жараёндир. Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида *бир томондан*, ижтимоий кафолатни таъминласа, *иккинчи томондан*, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанилган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келди.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилмоқда. Мамлакатимизда «2001 йили 63 мингга яқин корхоналар хусусий тармоқ вакиллари сифатида

фаолият кўрсатган»[1] бўлса, «2002 йилда ... уларнинг умумий сони 240 мингтага етди»[2]. «2003 йилда тасдиқланган хусусийлаштириш дастури доирасида... 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди»[3].

«2005-2006 йилларда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 627 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар сотилган..., жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 729 давлат корхонаси мулкчилик шаклини ўзгартирди, 659 корхона ва объектлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди»[4].

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади»[3]. «Шу нарса аниқки,

---

[1]Қаранг: Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 16 февраль.

[2]Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил, 18 февраль.

[3] Қаранг: Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил, 10 февраль.

[4]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 октябрда бўлиб ўтган мажлиси материаллари.// «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 21 октябрь.

[3]Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»[1].

Шу ўринда, ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятида талаб даражасидаги риск трансфери шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда *«суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»*[2] эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро

---

[1] Қаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.

[2] Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

иқтисодий атамашуносликда *«хизматлар иқтисодиёти назарияси»* қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуқтаи назаридан, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган *«хизмат»* ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз мижозига фақат *«ваъдани сотади»*. Шу нуқтаи назардан халқаро савдода унга *«кўринмайдиган фаолият»*[1] деб ҳам тасниф берилади. Суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил-ҳужжат сифатида *«полис»*[2] берилади холос. Суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Суғуртачининг саъй-ҳаракати ўз мижозларини суғурта полисини сотиб олишлари орқали фойдали келишувни амалга оширганликларига ишонтиришга йўналтирилган бўлиши муҳимдир.

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиёт субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига *зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни ўзига хос бўлган махсус*

---

[1]Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 4.

[2]Қаранг: Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих - ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347.

хизмат билан суғурта шуғулланади.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган *пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси)* юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ *суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»*[1].

Суғуртанинг ўзига хос функциялари унинг доимий такрорланиб турувчи қатор вазифаларида намоён бўлади. Суғуртанинг функциялари (Сф) рискдан ҳимоя (РҲ), огоҳ этиш (ОЭ), инвестиция (И), жамғармачилик(Ж)дан, яъни: *Сф=РҲ+ОЭ+И+Ж* иборат[2] бўлган бўлса, XXI аср бошида унинг янги (*ахборот бериш ва технологик (АТ)* шунингдек, ривожланаётган давлатлар мисолида *ижтимоий ҳимоя (ИҲ)* каби фукциялари намоён бўлаётганлиги ҳақида ҳам фикр билдириш мумкин. Суғурта функцияларининг янги мажмуаси[3] (1-чизма) Сф=РҲ+ИҲ+ОЭ+И+Ж+АТ кабилардан иборат бўлиб қолди.



1-чизма. Суғурта функцияларининг мажмуаси

Индивидуал суғурта[4] доирасида ҳар бир шахс ўз эҳтиёжи ҳамда манфаатидан келиб чиқиб, суғурта шакли ва қоплама суммаси ҳажмини ихтиёрий асосда белгилайди. Шу

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.
[2] Суғурта функцияларининг янги мажмуаси мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилди.
[3] Суғурта функцияларининг янги мажмуаси мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилди.
[4] «Индивидуал суғурта» деганда, аниқ жисмоний шахслар билан якка тартибда тузиладиган суғурта шартномаси асосида амалга ошириладиган ихтиёрий суғурта назарда тутилмоқда.

ўринда, суғурта фаолиятининг ижтимоий ҳимоя функцияси яққол намоён бўлади.

Суғурта - молиявий таъминот воситаси сифатида мижозларнинг мол-мулкини рисклардан ҳимоясини кафолатлаши орқали *суғурталанувчининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлайди.*

Бизнинг назаримизда, бундай ҳимоя таъминланишида суғуртанинг рискдан ҳимоя функциясидан фарқли равишда ижтимоий ҳимоя функцияси мижоз учун аҳамиятлироқ саналади. Бу ҳолат ривожланаётган давлатларда фуқароларнинг жон бошига олаётган даромадлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, янги мулкларни сотиб олиш имкониятлари чекланганлиги сабабли, улар учун кўпроқ моҳият касб этиши билан изоҳланади.

Суғурта фаолиятининг талаб ва таклиф асосида ривож топиши, *бир томондан,* турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотларининг фаолият кўрсатишлари учун зарурий шарт-шароитни яратса, *иккинчи томондан,* хўжалик субъектларининг мол-мулк ҳамда даромадларини кутилмаган турли рисклардан ҳимоясини таъминлайди. Худди шундай асосга кўра, суғурта хизматига бўлган талабдан келиб чиқиб, субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари (2-чизма) намоён бўлади.



2-чизма. Суғуртага бўлган талаб асосида субъектларнинг қарорни қабул қилиш босқичлари

а) Суғуртага бўлган талабни аниқлаш. Субъектлар

томонидан суғурта хизматига бўлган талаб хилма-хиллигига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро умумийлик мавжуддир.

Бизнинг фикримизча, субъектларнинг мазкур талабларга бўлган эҳтиёж ва мақсадларидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- мол-мулк ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ муносабатларда намоён бўладиган мураккаб рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжга асосланиб;

- кутилмаган иқтисодий рисклардан ҳимоялаш юзасидан ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қаратилган мақсаддан келиб чиқиб;

- инсон омилидан фойдаланишга бўлган талабга биноан;

- ташқи муҳит таъсирини оптималлаштириш юзасидан ҳимояга бўлган заруратга кўра.

б) Суғурта хизматининг муқобил вариантларини излаш ўз-ўзини суғурталаш ҳисобланади. Унга кўра, кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш учун махсус фондга ажратмалар ҳисобига рискни тўлиқ ёки унинг маълум қисмини суғурталаш амалга оширилади.

Йирик корхоналар, ишлаб чиқариш гуруҳлари кэптив суғурта ташкилотини[1] ташкил этиш ёки сотиб олиш борасида кенгроқ имкониятга эга бўлиб, улар мазкур суғурта ташкилотига рискларни бошқариш вазифасини ҳам юклаб қўйишлари мумкин.

в) Таклифларни ўрганиш, таҳлил этиш ва танлаш. Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск ҳолатларига кўра,

[1]Кэптив суғурта ташкилоти (инг. «Captive insurance company») – бу йирик молия-саноат гуруҳлари ёки кўп тармоқли концернлар таркибига кирувчи хўжалик субъектлари ҳамда таъсисчиларнинг корпоратив суғурта манфаатларига хизмат қилувчи акционерлик суғурта компаниясидир. Унинг фаолияти асосан қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишга йўналтирилгандир. (Қаранг. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996, I-X, с. 224.).

субъект ўз олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, суғурталаш стратегиясини (3-чизма) танлайди.



3-чизма. Суғурта рискини қоплаш бўйича стратегияни танлаш

Суғурта рискини қоплаш мақсадида, аниқ бир суғурта турини танлаш бўйича қарорни қабул қилишда, якка тартибда таклифларни ишлаб чиқиш мижознинг суғурта хизматига бўлган талабидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Мазкур танлов жараёнида суғурта ҳодисаси, яъни риск даражаси муҳим роль ўйнайди. Масалан, *биринчи ҳолатда* субъектнинг суғурта фондидан риск қопламасини олишга бўлган зарурати юқори эканлиги кузатилса, *бошқа ҳолатларда*, яъни ўртача ва енгил риск даражасидаги ҳодисалар юз бериши оқибатларини одатдаги меъёрий қопламалар ёки ўз ҳисобидан тугатиш имконияти мавжудлиги сабабли субъект суғурта хизматига эҳтиёж сезмайди.

Бу жараёнда риск даражаси юқорилиги субъектнинг суғуртага бўлган талабини оширса, аксинча ҳолат, риск даражаси ўртача ёки енгиллиги, унинг бундай кафолатли ҳимояга бўлган талабини пасайтиради. Шу ўринда, аҳолининг суғурта хизматига бўлган талабини ўрганиб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда жамият ижтимоий-иқтисодий

қаётидаги туб ўзгаришлар аҳолининг ҳам суғурта хизматига бўлган талабини орттирмоқда. Суғурта хизматининг аҳоли томонидан сотиб олиниши субъектив танлов, оқилоналик ва ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шунингдек, шахснинг ўзига хос хусусияти, ҳаёт муҳити ва шу каби омиллар бу танловга ўз таъсирини кўрсатади. Оила даромадининг ортиши ва шахс ёшининг улғая бориши ҳам рискдан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжни оширади[1].

Суғурта ташкилотлари томонидан таклиф этилаётган юз бериши эҳтимол бўлган рискдан суғурталаш доимий такомилдаги хизмат бўлиб, у кўп жиҳатдан мижознинг талаб ва истакларига боғликдир. Демак, суғурта хизмати даражасининг қандайлиги ўзига хос такомиллашув анъанасига эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқаришдан фарқлидир. Бу фарқлилик қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- *биринчидан*, меъёрий ва самарали ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун захира фондидан фойдаланиш орқали талабнинг ўзгарувчанлигини мувофиқлаштириш имконияти мавжуд эмас. Бундай талабга жавоб бериш учун унинг энг юқори даражасида ҳам унга мувофиқ равишдаги ишлаб чиқариш захиралари мавжудлигини таъминлаш муҳим бўлиб, у универсал захиралар тизимини яратиш ёки талабни бошқариш усулини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу муаммо суғурта ташкилотлари учун бирмунча мураккаб кечади. Мазкур мураккаблик полисларни бошқариш, суғурта ҳодисаси юз берганлигини текшириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан

[1]Қаранг: Форесьети Д. Структура спроса в страховании. Пер. с ит. // Strategy and Marketing Uniwersita Commerciale L. Bjccjni Milano, 1995, с.74.

SamIS
№ 438556

суғурталанганларга суғурта қопламасининг тўланишида намоён бўлади;

- *иккинчидан*, мижоз то суғурта хизматидан фойдалангунига қадар суғурта ташкилоти ва унинг имкониятлари даражаси тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиши муҳимдир. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур хизматни таклиф қилиш ҳамда уни кўрсатиш жараёнларида суғуртачидан қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Суғурта хизматидан фойдаланишда суғурта ташкилотининг кафолати қандайлиги мижоз учун яратилган имконият даражаси билан ўлчанади.

Бизнинг фикримизча, бу борада суғурта фаолиятида риск трансфери жараёнида қўлланиладиган баъзи бир терминларга аниқликлар киритилиши талаб этилади. Мижоз томонидан суғурта хизматининг сотиб олиниши, унинг «полис»га имзо чекишидан бошланади. Бу ҳолат мижоз суғурта хизматининг ташкиллашган тузилмасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини англатади.

Суғурта фаолиятидан фарқли равишда хизмат кўрсатувчи корхоналарда *«ишлаб чиқариш»* ва *«истеъмол»* тушунчалари ўзаро мос келади. Суғурта фаолиятида эса, хизматни «ишлаб чиқариш» концепцияси кенг маънода қўлланилади, унда «истеъмол» мижоз томонидан бирон-бир аниқ мулкка эгалик қилишини англатмайди. Ҳақиқатда, мижоз полисни сотиб олиши биланоқ суғурта хизматидан фойдаланиши нисбийдир. Бунда юз бериши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик *«мижоздан ➢ суғуртачига»* ўтказилганлиги кузатилади.

Кўрилиши эҳтимол бўлган риск бўйича жавобгарлик

полисга эгалик бошланган даврдан то бу муддат тугагунга қадар, яъни шартноманинг амал қилиш жараёнида суғуртачининг суғурта қопламасини таъминлаш борасидаги иқтисодий имконияти қандайлиги билан белгиланади.

Мижоз суғуртачи билан ўзаро келишув шартларига мувофиқ аниқ бир суғурта тури бўйича суғурта хизматини сотиб олиши вақтидан то суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шартномада қайд этилган талаб қандай бажарилишини олдиндан аниқ била олмайди. Бу хизмат даражасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини аниқлаш каби анъанавий ўлчамлар орқали билиб бўлмайди.

Эҳтимолликка кўра, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурталанувчи шартномада белгиланган мажбурият бажарилишида суғурта ташкилоти томонидан камчиликларга йўл қўйилса ёхуд кўрсатилаётган хизматдан қониқиш ҳосил қилмаса, у бошқа шундай муқобил хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди. Бу ҳолат, яъни суғуртачини олдиндан синаб кўриш имконияти мавжуд эмаслиги, албатта мижознинг суғуртага бўлган ишончини пасайтиради.

Суғурталанувчининг рискни ўз зиммасига олмоқчи бўлган суғурта ташкилоти томонидан кўрсатилаётган хизмат сифати ва мажбуриятлари бажарилиши даражаси, унинг молиявий имкониятларини билиши суғурта хизматини кўрсатувчи субъектни тўғри танлаш имкониятини юзага келтиради. Жисмоний шахслар томонидан ҳам бундай маълумотлар ўрганиб чиқилиши аҳамиятлидир.

Суғурта хизматини ишлаб чиқариш билан таққослаб ўрганиш орқали улар ўртасидаги тафовутни англаб олиш

мумкин. Ишлаб чиқариш босқичлари қуйидагича таснифланади: «*моддий-техник таъминот - ишлаб чиқариш жараёни - сотиш*». Одатда «оддий» ишлаб чиқаришда омиллар сотиб олиниб, қайта ишланиб, товарга айлантирилиб, сўнгра сотувга чиқарилади. Бу тасниф суғурта фаолиятига мос тушмайди ва бундай кетма-кетлик унинг учун характерли эмас.

Худди бошқа ишлаб чиқарувчи субъектлар сингари суғурта ташкилоти ҳам ишлаб чиқариш омилларини харид қилса-да, унда хизмат кўрсатишнинг даврий кетма-кетлиги фарқлидир. Суғурта хизмати мижознинг талабига кўра, уни омиллар билан таъминлашдан бошланади. Бу омиллар, албатта ўзида рискни намоён этади. Агарда *риск омили мавжуд бўлмаса, суғурта фаолияти учун талаб юзага келмайди.*

Мижозни суғурта омиллари билан таъминлаш бир вақтнинг ўзида суғурта ташкилоти рискни ўз зиммасига олганлигини ва айни вақтда, суғурта хизмати сотилганлигини ҳам англатади. Шундан келиб чиқиб, суғурта хизматини сотиш ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)дан олдин келади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда суғурта *бир томондан,* айнан рискдан ҳимоя воситаси ҳисобланса, *иккинчи томондан,* у тадбиркорлик фаолияти ҳамдир. Кейинги йилларда суғурта мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик фаолиятига айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, *суғурта фаолиятини унинг функционал моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш* (унинг мулкий шакли, бошқарув тизими ва бошқа

иқтисодий омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлган) *саъй-ҳаракатлар мажмуаси деб таъкидлаш мумкин.* Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектининг талабига кўра, уни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир.

Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун суғуртачи томонидан суғурталанувчидан суғурта мукофотлари ундириб олинади. Бу ундирилган мукофотлар ҳисобидан, ўз мижози бўлган субъектнинг, эҳтимолликка кўра, зарар кўришининг олдини олиш, ундан огоҳ этиш, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, унинг оқибатларини тугатиш учун мақсадли суғурта захирасини (4-чизма) шакллантиради. Суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида намоён бўлади.



4-чизма. Суғурта захирасини шакллантириш ва суғурта қопламасини амалга ошириш жараёнлари

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи

активлари олиб қўйилиши мумкин эмас»[1].

«Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас»[2].

Суғурта захираси - жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта муносабатига киришлари, яъни суғурта мукофотларини тўлашлари ҳисобига шаклланади. Ушбу захирани шакллантириш ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши эвазига юз беради. *Захира* маблағлари фақат мақсадли сарфланади ҳамда унинг ресурслари ҳажми суғурта ташкилоти томонидан статистик, эконометрик андозаларга ва эҳтимоллик назариясига асосланиб аниқланади ҳамда шакллантирилади. Шунингдек, суғурта захираси маблағларидан самарали фойдалана билиш суғурта фаолияти натижаси қандай бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилган зарарлар суғурта захирасини шакллантирган субъектлар ўртасида ўзаро тақсимланади, яъни маблағларнинг қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, суғурталанувчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) имкониятларини кенгайтиради.

Амалиётда суғурта захираларини шакллантириш орқали

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 21-модда.
[2]Ўша манбадан, 21-модда.

рисклардан ҳимоялашнинг оптимал даражадаги шакли ишлаб чиқилган. Суғурта захирасини самарали бошқариш суғурта ташкилотининг талаб даражасидаги моддий-молиявий ва инсоний захираларга эга бўлишини таъминлайди. Бу жараёнда, *бир томондан*, суғурта хизматининг талаб даражасида амалга оширилиши кафолатланса, *иккинчи томондан*, мижозларнинг суғурта хизматига бўлган ишончи ортади. Суғурта ташкилоти молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида суғурта захирасини шакллантириш муаммоси мамлакатимиз суғурта назариясида етарли ўрганилмаган жабҳадир.

Суғуртачи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан (одатда Уларнинг маблағлари тўлиқ ўз ихтиёрида бўлади) фарқли жиҳати шундаки, суғуртачининг маблағлари:

- суғурта захираси;
- унинг ўз маблағларидан ташкил топгандир.

Ўз маблағлари тақсимотини қандай олиб бориш субъектнинг хоҳишига кўра амалга оширилса, захирадан фойдаланиш имконияти қатъий белгилаб қўйилган.

Суғуртачи захира маблағлари ҳисобидан:

- суғурта қопламасини тўлаши;
- суғурта шартномасининг амал қилиш даври тугаши вақтида унинг бир қисмини, шартнома шартларига биноан, ўз маблағлари таркибига ўтказиши мумкин.

Бундай шаклда олинган даромаднинг ҳажми ҳар бир шартнома бўйича қоплама тўланганлиги ва бошқа қатор сабабларга боғликдир. Суғурта қопламаси тўлови ҳолати юз берадими ёки йўқми бу номаълум бўлсада, суғурталанувчи

манфаатининг ҳимояси таъминланган бўлади. Шундай ҳимоя ҳисобига суғурта ташкилоти суғурталанувчидан мукофот ундириб олади ва албатта, бу ундирилган сумма унинг ўз маблағи ҳисобланади.

Энди, ўз маблағларининг бир қисмига нисбатан суғуртачининг эркин тақсимлаш ҳуқуқи чекланганлигига келсак, бу бошқа шахслар манфаатлари шуни талаб этганлигидан келиб чиқади[1].

Суғуртачи асосан суғурта мукофотлари ва инвестиция фаолиятидан даромад олади. Айрим ҳолларда бошқа суғуртачи учун суғурта брокери вазифасини бажариши ҳисобига комиссион йиғимларни ундириши ҳам мумкин. Аммо, бу манба унча катта бўлмаганлиги учун суғуртачи даромадида аҳамиятли ўрин тутмайди.

Демак, суғуртачи даромадларининг бир қисмини захира учун сақлайди, бошқа қисмидан эса, ўз хоҳишига кўра фойдаланади. Захира бир неча турда бўлиши мумкин, унинг ҳажми махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланади. Даромаднинг захирага ажратилган қисми солиқ солиш базасидан чиқарилади. Мазкур маблағдан суғуртачига фақат махсус ваколатли Давлат органи томонидан белгиланган қоида асосида фойдаланишга рухсат берилади.

Суғурта захирасининг турлари:

- ўз белгиланган муддатига кўра, суғурта хизматини кўрсатиш учун олинган суғурта мукофотлари - захира сифатида. Шартнома шартлари бўйича у суғуртачи ҳисобига ўтказилган бўлсада, унга мувофиқ равишдаги хизмат ҳали кўрсатилмаган бўлиб, бу суммaнинг бир қисми «ҳали ишлаб

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 1994, XII боб, 54-модда, 33-бет.

топилмаган» ҳисобланади. Суғурта мукофоти «ишлаб топилгани»дан сўнг, унинг бир қисми огоҳ этиш захирасига ўтказилади, улар белгиланган тартибда даромад(фойда) солиғига тортилади.

– *зарарларни қоплаш захиралари.* Унинг ҳажми потенциал тўловлар ҳамда 3 фоиз атрофидаги тадбирларни олиб бориш учун ажратилган харажатлар суммасидан иборат бўлади. Суғурта ҳолатига кўра, суғурталанувчининг аризасига биноан, суғуртачи захирадан қоплама суммасини тўлаш учун тайёрлайди, аммо кўрилган зарар сабабларини аниқлаштириш натижасида суғурталанувчининг айби билан суғурта ҳодисаси юз берган бўлса, қоплама тўланмаслиги ҳам мумкин.

– *огоҳ этувчи тадбирлар учун захира.* Бу захира мақсадли бўлиб, уни харажат қилиш махсус ваколатли Давлат органи томонидан ишлаб чиқилган низомга кўра амалга оширилади. Мазкур тадбирлар суғурталанувчи билан келишилган ҳолда олиб борилади. Бу тадбир суғурталанувчи томонидан бажарилади, суғуртачи эса уни молиялаштиради холос.

Захираларнинг яна бошқа турлари ҳам мавжуддир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилоти томонидан суғурталаш, ўзаро суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишда, бошқа иқтисодий фаолиятдан фарқли равишда, суғурта хизмати ўзига хосликка эгадир[1].

Ҳар бир шартнома бўйича суғурта хизмати таннархини аниқлаш имконияти чекланган. Негаки, суғурта ташкилоти ўз

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 914, 929, 930, 939, 941, 959, 960-моддалар. Т.: Адолат, 1996. 408-433 бетлар.

фаолиятининг молиявий натижаларини ҳар бир шартномага кўра эмас, балки жами суғурта турлари бўйича амалда бўлган барча шартномаларнинг умумий суммасига асосланиб аниқлайди.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта ташкилотлари томонидан бир вақтнинг ўзида ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртани амалга оширишлари, худди халқаро амалиётда бўлгани каби, ман этилган[1]. Суғурта шартномаси шартларида қайд этилган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилган зарар қопланиши шарт. Бунинг учун суғурта ташкилоти мақсадли захира маблағларидан фойдаланади.

Юқорида баён этилган суғуртанинг назарий-услубий асосларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, суғуртачининг асосий мақсади айнан захира маблағларидан самарали фойдаланиши орқали даромад олишга қаратилгандир.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда суғуртанинг туб маънода тадбиркорлик фаолиятига айланиши учун қуйидаги маълум шартлар бажарилиши талаб этилади:

- *биринчидан*, суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилот суғурта хизматини кўрсатиши ҳамда рақобатли муҳитда муваффақиятли ишлаши учун ўз молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши, филиаллар тармоғини кенгайтириши;

- *иккинчидан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта захирасини шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириши, айни вақтда

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда.

улар томонидан суғурта хизматига талабнинг ҳам юқори бўлишига эришиши;

– *учинчидан*, турли мулкчилик шаклидаги иқтисодиёт субъектлар, хусусан, давлат (бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда) ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган рисклар бўйича, кутилмаган зарар ва йўқотишларни қоплаш механизми сифатида суғурта фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши кабилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суғуртага бўлган талабга хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг табиий эҳтиёжлари сифатида қарамаслик лозим. Бизга маълумки, табиий эҳтиёжлар тўғридан-тўғри англанилади ҳамда ҳар бир субъект уларни ўзи учун намоён этиб, бундай эҳтиёжларини қониқтиришга ҳаракат қилади.

Суғурта ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда, уларнинг иштирокчилари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) жараёнидаги иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олади. Бу масъулият эса, субъектнинг ўз мулки ёки мулкчиликдаги ҳиссаси бўйича кўриши эҳтимол бўлган риск мавжудлигидан келиб чиқиб, уларнинг суғурта фаолиятига бўлган талабини юзага келтиради. Шунингдек, иқтисодий, технологик, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг мураккаблашуви замирида қўшимча рисклар ҳам намоён бўлади.

Суғурта рискларининг ҳудудларга кўра, кенглиги, даврийлиги ва хилма-хиллиги, шунингдек, уларни олдини

олиш ҳамда қоплаш сарф-харажатларининг ўсиб бораётганлиги ҳам суғуртанинг аҳамиятини янада ошириб, унга бўлган талабни орттиради. Айнан шундай талабнинг мавжудлиги суғурта фаолияти натижаси фойдали бўлиши ва унинг истиқболдаги ривожи учун зарурий шарт-шароитни юзага келтиради.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- суғурта мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик муносабатлар сифатида тадқиқ этилди ҳамда бу фаолият суғурта фондини яратиш, шунингдек, ундан фойдаланиш жараёни эканлиги асосланди;

- суғурта фаолияти ва унга илмий-иқтисодий адабиётларда берилган ёндашувлар талқин этилди. Суғуртанинг функциялари мажмуаси ишлаб чиқилди;

- суғурта фаолиятининг талаб ва таклиф асосида ривож топиши, субъектларнинг суғурта юзасидан қарорни қабул қилиш босқичлари, суғурта риски бўйича стратегияни танлаш каби масалалар тадқиқ этилди;

- суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида ўрганиб чиқилди ва унинг турларига изоҳ берилди.

1.2 СУҒУРТА РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТРАНСФЕРИ

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт субъектларининг кўпроқ даромад олиш саъй-ҳаракатлари доимо риск билан боғлиқликда кечади. Шу нуқтаи назардан *«риск» тушунчаси назарда тутилган ҳолатга нисбатан кутилмаган ҳодиса юз беришини англатади.* Иқтисодиёт субъектлари фаолиятига таъсир этиши эҳтимоли бўлган қуйидаги рискларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *тадбиркорлик рисклари.* Улар субъектнинг даромад ва харажатлари даражасига таъсир этувчи омил саналади ҳамда фаолияти натижаси уларга боғлиқ бўлиб қолади;

- *соф рисклар.* Улар зарарга олиб келувчи суғурта ҳодисаси юз бериши билан боғлиқдир.

XXI аср бошида янги рисклар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ҳаракати фуқаровий жавобгарлик суғуртасини юзага келтирди. Ишлаб чиқариш оқибатлари ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири масаласи билан боғлиқ бўлган экологик рисклар ҳам намоён бўлмоқда. Кейинги йилларда технологик рисклар 15 фоиз атрофида ортганлиги сабабли суғурта ташкилотлари учун кенг имкониятлар айнан уларни суғурталашда кузатилмоқда.

Бу жараёнда суғурта фаолиятининг *истиқболи бир томондан,* унга талаб ортиб бораётганлигида кўзга ташланса, *иккинчи томондан* у билан шуғулланиш фойдали тадбиркорлик сифатида қаралаётганлигида намоён бўлмоқда.

Субъектларнинг турли рискларини қайта тақсимлаш орқали *«суғурталанувчи - суғуртачи»* ўртасида тузилган

шартномага биноан суғурталаш амалга оширилади. Бундай қайта тақсимот

фақат эҳтимоллик ва тасодифийликка кўра, рискка эга бўлган манфаатлар гуруҳи мавжудлигида юз беради. Агарда шартномага кўра, суғурта муносабатларида қатнашувчи иккала томон ҳам бундай ҳамкорликдан кутилган самарадорликни ўз сарф-харажатларига нисбатан фойдали деб ҳисобласа, *риск трансфери*[1] юзага келади. Унинг фойдалилигини ҳар бир субъект ўз манфаатдорлиги нуқтаи назаридан баҳолайди. (5-чизма).



5-чизма. Суғурта фаолиятининг рисклар трансфери сифатида томонлар учун фойдалилиги

Суғурталанувчи учун манфаатдорлик суғурта шартномасини тузиши орқали ўз риски даражасини қанчалик камайтира олганлиги, шартноманинг амал қилиши даврида эса, рискнинг юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш қандай даражада таъминланганлиги билан ўлчанади. Суғурталанувчи томонидан шартномага биноан, суғурта мукофотини шартнома тузилган вақтнинг ўзидаёқ

---

[1] *Трансфер* (лот. transferre) - кўчирмоқ, оширмоқ, сотиш маъносида (*бу ўринда суғурталаш назарда тутилган- изоҳ муаллифники*). - Қаранг: Мюллер В.К. Англо-русский словарь: 53000 слов.–18-е изд. Стереотип. - М.: Рус. яз., 1981.- с. 781.

тўлашга тўғри келади.

Суғурта шартномасини тузиш ва унинг амал қилиш даврида мижоз доимо суғуртачининг эътиборида эканлигини, суғурта мукофотлари ҳисобига ўзи учун ишончли ҳимояни сотиб олганлигини, танлаган суғурта ташкилоти самарали бошқарилаётганлиги ҳамда унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилаётганлигини ҳис этиши муҳимдир.

Шу ўринда, субъектив омилларнинг таъсири ортишини қайд этиш лозим. Натижада кўрилиши эҳтимол бўлган бир хил риск бир субъект томонидан суғурталаниши амалга оширилса, айни вақтда шундай риск бошқа бир субъект томонидан суғурталанмаслиги ҳам мумкин.

Суғурта риски юзасидан эҳтимолликка кўра, суғурта таъминотига бўлган эҳтиёжни юзага келтирувчи қатор омиллар субъектлар томонидан талаб сифатида қўйилиши мумкин. Улар жумласига:

- иқтисодиётда нодавлат тармоғининг кенгайиши;
- уй-жой фондларининг хусусийлаштирилиши;
- аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши каби қатор омиллар киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, мижознинг суғуртага бўлган талаби унинг фаолияти билан узвий боғлиқликда намоён бўлади. Мазкур талаб даражасига айнан:

- мулкчилик шакли ва унинг ҳолати;
- ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажми ва амалга оширилаётган операциялар тури;
- тизимнинг ташкилий-молиявий таркиби, шунингдек, ундаги ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бирлашмалари сони;

– субъектнинг фаолиятига таъсир этувчи ички ёки ташқи омиллар ҳамда унинг қандай мамлакат ҳудудида амалга оширилаётганлиги;

– бошқарув усули;

– ходимлар таркиби;

– ташкилот мақсади ва унга эришиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар каби қатор омиллар таъсир этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг хилма-хиллиги ва ҳар бир субъект томонидан суғуртага бўлган объектив талаб мавжудлиги бу хизматдан фойдаланиш заруратини юзага келтиради.

Субъектнинг суғуртага бўлган талаби бир бутун мажмуа сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти *биринчидан,* сон жиҳатдан чекланган доирадаги кутилган суғурта мукофотлари тушумига эга бўлса, *иккинчидан*, унда суғуртага қабул қилган рискларини гуруҳлаш имконияти ҳам юзага келади.

Кейинги йилларда, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитнинг ўзгариши, иқтисодиётда янги технологиялар қўлланила бошлаши натижасида, товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) усулларини янада такомиллаштириш зарурати субъектлардан ўз фаолиятларини янги асосда ташкил этишларини давр талабига айлантирди. Бу ҳолат катта корхоналар даражасида самарадорлик ошишига олиб келса, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий ресурслари тақчиллиги оқибатида уларнинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириши мумкин.

Бу жараёнда субъектларнинг *бир томондан,* ташкилий-

таркибий ўзгартиришларга бўлган интилишлари фаоллашган бўлса, *бошқа томондан*, уларнинг рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжлари ҳам орттанлиги кузатилди. Бунинг оқибатида субъектларнинг зарарларни қоплаш юзасидан манфаатли диверсификацияга бўлган саъй-ҳаракатлари ҳам кенгайди.

Ўз маркетинг тадқиқотларига асосланиб, қатор суғурта ташкилотлари асосий фаолиятларини катта корхоналарга қаратганликлари, яъни катта рискларни суғурталашни ўз зиммаларига олишлари кузатилмоқда. Суғуртачи субъектлар қоплама тўловини амалга ошириш имкониятлари орқали ўз таклифлари билан чиққан бўлса, бошқа томонидан, улар махсус лойиҳаларни амалда оширишга ҳам ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги манфаатдор томонларнинг ўзаро ҳамкорликка бўлган интилишлари ортишига олиб келди.

Қатор ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг умумий корхоналар сонидаги салмоғи 80-90 фоизни ташкил этади[1]. Таркибий-ташкилий тузилиши ҳамда молиявий ҳолатларига кўра, ушбу тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари чекланган дир. Бу чекланганлик маблағ етишмаслигини келтириб чиқариши оқибатида улар турли рисклардан ўз ҳимояларини мустақил равишда таъминлай олмайди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари учун истиқболли имкониятлар очади.

Ҳозирги шароитда кўрилиши эҳтимол бўлган рисклар тадбиркорлик фаолияти йўналишини танлашга таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да

[1]Шамхалов Ф.И. Государство и экономика: (власть и бизнес)./ Отд. экон. РАН; науч. - ред. совет изд-ва «Экономика», М.: ОАО Издательство «Экономика», 1999. с. 40.

ҳамкорлик кенгайиши натижасида экспорт кредитлари суғуртаси объектлари ортиши суғурта фаолиятининг янги объектлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари рискларининг суғуртаси бунга мисол бўла олади.

Бу рискларнинг асосийлари ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлмоқда. Улар жумласига:

- молиявий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган рисклар;

- кредит рисклари;

- активларнинг бозор баҳосида тез сотилишга бўлган ишонч сусайиши билан боғлиқ бўлган рисклар;

- қарз фоиз ставкалари даражаси билан боғлиқ бўлган туркум рисклар киради.

Рисклар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларнинг сони ҳамда сифатини баҳолаш зарурати субъектлардан уларни аниқлаштиришни талаб этмоқда. Масалан, риск катталигига тўхталадиган бўлсак, уни аниқлаш учун йил давомида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарнинг энг юқори даражаси ёки эҳтимолликка кўра уни тақсимлаш тамойили қўлланилади.

Ҳисоб-китобларнинг ишончлилик даражаси уларни олиб борувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқдир. Улар томонидан соф риск билан кўрилиши эҳтимол деб топилган зарарнинг катталиги қандай нисбатда намоён бўлишини олдиндан аниқлаш муҳимдир.

Эҳтимолликка кўра, юз бериши мумкин бўлган риск мавжудлиги шароитида, иқтисодиёт субъектлари уларни ўз ички имкониятлари билан ҳал этишдан манфаатдордир. Суғуртага бўлган талаб риск бўйича қўшимча қоплама олиш зарурати юзага келган ҳолларда ўзини оқлайди.

Субъектда риск мавжудлиги, унинг оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан мустақил равишда қоплай олмаслиги суғурта ҳимоясини талаб этади, бу эса, ўз навбатида, суғурта фаолияти ривожи учун шарт-шароитни юзага келтиради. Албатта, рисклар бўйича суғурта қопламасини олишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз-ўзидан суғуртадан фойдаланиш ортганлигини англатмайди. Бундай хизматга бўлган талабнинг ортишига бошқа иқтисодий омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Юқоридаги ёндашувдан келиб чиқиб, *суғурта ташкилоти фаолиятини рисклар трансфери, трансформацияси ва кўрилган зарарларни қоплаш воситаси сифатида қараш таклиф этилади.*

«Риск трансфери» – субъектнинг рискларни ишлаб чиқариш омили сифатида намоён этишидир. Бунда ишлаб чиқариш воситалари, шунингдек, ташқи (бошқа) ташкилот ёрдамида алоҳида рисклар суғурталанувчидан суғуртачига ўтказилади, сўнгра бу рисклар қайта кўриб, ўрганиб чиқилади. Бундай хизмат эвазига суғурталанувчидан суғурта мукофоти ундириб олинади.

«Суғурталанувчи-суғуртачи» субъектларнинг ўзаро ўрин алмашишлари жараёнида, суғуртанинг моҳияти тўлароқ намоён бўлади. Дастлаб суғурта мукофоти ундирилади, сўнгра эса, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта қопламаси таъминланади. Бизнинг фикримизча, бу жараёнда суғурта рискларини алоҳида тасодифий – даврий шаклда қайд этиш зарурати юзага келади.

Суғурта ҳодисасининг юз бериши эҳтимолликка

кўра, тасодифий воқеа ҳисобланади Бунда эҳтимоллар назарияси асосида суғуртачи субъект риск ҳодисаси юз беришини олдиндан аниқлаштириши мумкин бўлади. Даврий-тасодифий ҳолатлар бир-биридан фарқли равишда намоён бўлишидан келиб чиқиб, ҳар бир суғурта шартномасида рискни суғурталашнинг ўзига хос бўлган алоҳида томонлари ва шартларини қайд этиш лозим. Бу суғурта шартномаси муносабатлари эҳтимолликка кўра, рискни тахмин ҳамда «бевосита муроқаба»[1] этишга асосланиб тузилади.

Суғурта шартномаси, *биринчидан*, ўзида турли рисклар бўйича қопламани амалга ошириш эҳтимоллигини назарда тутса, *иккинчидан*, у ҳар бир мижоз билан алоҳида тузилади, айни вақтда рискнинг юз бериши эҳтимолига кўра ҳам фарқланади. *Мана шундай фарқланиш суғуртани соҳалар бўйича таснифлаш учун асос ҳисобланади.*

Риск ҳолатларига кўра, зарар даражаси ва унинг тақсимоти турлича бўлади. Шунга кўра, рискларни суғурталашда, дастлаб уларни алоҳида гуруҳлаш талаб этилади.

Бу жараёнда омилларни аниқлаштириш асосида ҳар бир субъект учун риск намоён бўлишининг ўзига хослигига кўра гуруҳлаш амалга оширилади. Рисклар бўйича суғурта портфели қайтадан таснифланади, яъни улар намоён бўлиш шакли ва ҳолатига кўра тоифаланади. Натижада суғурта фаолияти самарали амалга оширилишини таъминлаш омили сифатида рискларни дифференциациялаш янада аниқлаштирилади.

Суғуртада ҳисобот даври учун зарарларни тақсимлаш

---

[1]*Тажрибадан ташқари бевосита кузатиш, мулоҳаза йўли билан ҳам ҳақиқатни билиш*

шакли турли усуллардан фойдаланиб, аниқланади ва амалга оширилади. Бу жараёнда рисклар, суғурта фаолиятининг истиқболини белгилаш мақсадида, мутаносиб равишда лойиҳалаштирилади. Бу рисклар трансфери жабҳаси бўлиб, у келгусида олиб борилиши керак бўлган илмий тадқиқотлар учун ҳам асосдир.

Рискларни аниқлаштириш - риск трасформацияси[2] сифатида (6-чизма) икки босқичда, яъни: *«суғурталанувчи-суғуртачи-қайта суғурталовчилар»* ўртасида амалга оширилади.



6-чизма. Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш босқичлари

Суғурта фаолиятида зарарларни тақсимлаш шакли *биринчидан*, рискларга кўра, субъект мол-мулки ва даромади (фойдаси)даги башорат қилинган ўзгаришларга биноан ўлчанса, *иккинчидан*, суғуртачи томонидан масъулият олиниши, рискнинг маълум қисми бошқа суғуртачига, яъни

[2]*Трансформация* (лот. transformatio) - бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш маъносида (*бу ўринда қайта суғурталаш назарда тутилган- изоҳ муаллифники.*// Карант. Мюллер В.К. Англо-русский словарь:53000 слов.-18-е изд. стереотип. - М.: Рус. яз., 1981.- с. 781.

қайта суғурталовчига ўтказилганлигига асосланиб амалга оширилади. Суғуртада зарарнинг умумий тақсимотини ҳисоблаш имкониятидан келиб чиқиб, унинг умумий *аппроксимацияси*, яъни меъёрий тақсимоти асосланади.

Суғуртада мавжуд бўлган риск сиёсати назариясида бундай аппроксимация қўлланилишига қандай чеклашлар таъсир этиши алоҳида кўрсатиб берилган.

Риск трансформациясининг биринчи босқичида уни қоплаш учун суғурта ташкилотининг маблағлари етарлилиги солиштирилади. Суғуртачи субъектнинг захирага бўлган эҳтиёжи, яъни суғурта захирасининг мутлоқ ликвидлилик учун талаб этиладиган ҳажми аниқланади. Агарда суғурта рисклари ҳажми ундан катта бўлса, риск трансформациясининг иккинчи босқичига ўтилади, яъни умумий зарар тақсимоти ўзгартирилади ёки суғурта захираси кўпайтирилади. Бу жараёнда қайта суғурталашнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Риск трансформациясининг иккинчи босқичида, биринчи суғуртачи ўзининг ликвидлилик даражасидан ортиқча бўлган рискни бошқа суғуртачига жамланган суғурта мукофотларининг мувофиқ равишдаги суммаси билан биргаликда тақдим этади.

Одатда, ҳар доим ҳам суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, суғурта ташкилоти активларининг ҳажми ёпиқ бўлади. Суғуртачи тузилган шартномага кўра, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ўз зиммасига олган мажбуриятига биноан, захира капиталидан ёки ундирилган мукофотлар ҳисобидан қоплама тўловини амалга оширади. Бу қоплама бир вақтнинг ўзида ёки ҳаёт суғуртаси бўйича рента тўловлари сифатида

белгиланган муддатларда тўланиши мумкин. Суғурта ташкилотининг бу даврдаги фаолияти - *«зарарни қоплаш»* деб аталади.

Юқорида келтирилган босқичлар таҳлилига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта фаолияти *«риск трансфери - риск трансформацияси - зарарни қоплаш»* каби алоҳида ўзаро бир-бири билан боғлиқ босқичларни қамраб олади. Бу босқичларда суғуртачининг рискни зиммасига олиши ва уни тадқиқ этиши орқали юз бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси оқибатида, кўриш эҳтимоли бўлган зарарнинг олдини олиш ёки уни камайтириш саъй-ҳаракатлари занжири таснифланади. Бундай фаолият суғурта шартномаси амал қилиши даврида олиб борилади.

Суғуртачи томонидан амалга оширилган барча саъй-ҳаракат тақдим этилган ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар тизимида ҳамда суғурта захирасини бошқаришнинг ўзига хос махсус шаклларида акс эттирилади.

Рисклар трансфери жараёнида ундирилган суғурта мукофоти эвазига суғурта захираси шакллантирилади. Захира маблағлари суғуртачи томонидан асосан ишлаб чиқариш омилларини сотиб олишга сарфланади.

Суғурта вақт-даврий оралиғи билан қатъий боғлиқдир. Бу оралиқ доимо ҳам молиявий ёки бухгалтерия ҳисоботлари даври билан мос тушавермайди. Амалда бўлган шартномалар бўйича қопламани тўлаш эҳтимолига кўра, суғуртачида доимо унга мувофиқ равишдаги захира маблағлари мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шартноманинг амал қилиши даврида суғурта ҳодисаси юз бермаслиги ҳам мумкин. Бу шароитда суғуртачининг

захира маблағларини (бўш турган қисмини) инвестицияга йўналтириш имконияти ортади. Суғуртачи шундай имкониятдан самарали фойдаланиш ҳисобига, ҳисобот даврининг охирига келиб, яна қўшимча маблағлар тушишига эришиши мумкин.

Шартноманинг фойдалилик кўрсаткичи суғуртачи учун ундирилган мукофотлар суммаси билан ўлчанса, кўрилиши эҳтимол бўлган зарар эса, суғурта ҳодисаси юз берганда, тўланиши керак бўлган қоплама қийматига боғлиқ бўлади. Суғурталанган рискдан кўрилиш эҳтимоли бўлган зарарга нисбатан, суғурта фаолиятининг даромадлилиги *СМ(НС)>СҚ* кўринишда, яъни суғурта мукофотлари (СМ) нетто-ставка (НС) сифатида суғурта қопламаси(СҚ)дан катта бўлиши муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Бу жараёнда суғуртачи томонидан маълум услубиятларга асосланиб, ҳар бир суғурта шартномаси бўйича жамланган мукофот суммасининг турли омиллар таъсири билан узвий боғлиқ бўлган зарарлилик кўрсаткичи ҳам аниқланади. Бу кўрсаткич синтетик катталик бўлиб, суғурта ҳодисаларининг сони ва такрорланишига, яъни ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича ўртача зарар даражаси риск катталиги(ҳар бир суғурта ҳодисаси ва унинг юз бериши оқибатида зарар кўрган объектларнинг сони)га, яъни зарар кўрган объект бўйича суғурта қопламасининг бир шундай объект бўйича ундирилган суғурта мукофоти суммасига ёки суғурта портфели бўйича рискларнинг ўртача суғурта баҳосига нисбатан аниқланади.

Суғуртачининг рискни баҳолаши ҳам субъектив бўлиб, у кўпинча олинган мажбуриятлари эвазига шакллантирилган

суғурта портфели таркибига боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар нисбати фойдали деб топилган ҳар қандай рискни суғуртачи ўз зиммасига олиши мумкин. Шунингдек, суғуртачи умумий баҳолаш мезонлари асосида ҳам рискни суғурталаш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин. Суғурталаш борасида рискни умумий баҳолаш мезонлари жумласига:

- зарар кўрилишининг тасодифийлиги (эҳтимоллиги);
- зарарни баҳосига кўра, тақсимлаш мумкинлиги;
- ҳар бир алоҳида риск бўйича зарар тақсимотининг ўзаро боғлиқ эмаслиги;
- зарарнинг максимал катталигини баҳолаш мумкинлиги кабилар киради.

Суғуртачининг *суғурта рискларини*[1] суғурталаш бўйича қарор қабул қилишида зарарнинг тасодифий характерга эга эканлиги муҳим ўрин тутади. Бу нисбийликда риск юз бериши эҳтимоли мавжуд деб топилсада, тасодифийликнинг ўрни аҳамиятли бўлиб қолаверади. Бунга сабаб *биринчидан,* умумий суғуртада ҳар бир шартномага кўра суғурта ҳодисаси юз бермаслиги ҳам мумкин, *иккинчидан,* рискнинг юз бериш вақти номаълумлиги (масалан, ҳаёт суғуртасида) унинг тасодифий характерга эга эканлиги билан изоҳланади. Тасодифийлик эса, доимо ўзида номаълумликни мужассам этади.

Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш учун, ҳар бир суғуртачи ўз зиммасига олган рискларни минималлаштириш вазифасини уддалаши, ўзининг молиявий

---

[1]Суғурта рисклари (халқаро *амалиётда «Insurable risks» термини билан ифодаланади) - суғуртада тасодифийлик характеридаги ҳодиса ёки ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар юз бериши эҳтимолига кўра суғурталаш назарда тутилади - таржима муаллифники. Қаранг: Основы страховой деятельности: Учебник /Отв. ред. проф. Т.А.Федорова. - М.: Издательство БЕК, 1999, с. 371.*

барқарор бўлишини таъминлаши талаб этилади.

Бу талабдан келиб чиқиб, суғурталанувчилар ўртасидаги рисклар ва маблағларнинг шартнома муддатларига кўра даврий кенгликдаги қайта тақсимоти амалга оширилади. Унга кўра, бир суғуртачи даромадининг маълум қисмини иккинчисига ўтказади. Бу боғлиқлик *риск трансфери* жараёнида янада яққолроқ намоён бўлишини таъкидлаймиз.

Суғурта фаолиятининг ўзига хослиги жамият ривожланишининг турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларида суғурта рисклари мавжудлигида намоён бўлади ҳамда амалда бўлган шартномага мувофиқ суғурталанувчи кўриши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш юзасидан суғуртачининг масъулиятини келтириб чиқаради.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса қилиб, қуйидагилар қайд этилди:

- суғурта рискларига талқин берилди. Субъектлар фаолиятига таъсир этиши эҳтимол бўлган рисклар гуруҳлаб ўрганилди ва уларнинг фарқланишига асосланиб, суғурта фаолияти тармоқлари таснифланиши баён этилди;

- суғурта фаолиятининг истиқболини белгилаб берувчи омил сифатида унга бўлган талаб таҳлил қилинди ва мазкур фаолият билан шуғулланиш фойдали тадбиркорлик соҳасига айланаётганлиги қайд этилди;

- суғурта ташкилоти фаолиятини рисклар трансфери, трансформацияси ва кўрилган зарарларни қоплаш воситаси сифатида ўрганиш лозимлиги таклиф этилди;

- суғурта рискларини баҳолаш ва улар юз бериши оқибатида кўрилиш эҳтимоли бўлган (ёки кўрилган) зарарни қоплашда захира ҳажмининг етарли даражада бўлиши бир

томондан, суғурталанувчининг унга бўлган ишончини орттирса, *иккинчи томондан,* рисклар мутаносиб равишда лойиҳалаштирилиши суғуртачининг молиявий барқарорлигини таъминлаш омили бўлиши таъкидланди.

3. СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида субъектларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида риск даражаси ортганлиги кузатилмоқда. Масалан, ривожланган мамлакатларда бирон бир лойиҳа суғурта кафолатисиз амалга оширилмайди, субъектлар фаолиятида суғурта етакчи ўринни эгаллаган. У аҳамиятга молик масала сифатида, ваколатли давлат идоралари томонидан назорат қилинади ва тартибга солиб борилади.

Иқтисодиёт субъектлари, аҳоли ва оилани ҳар қандай юз бериши эҳтимол бўлган риск (фавқулоддаги ҳодиса, табиий офат) ҳалокат ҳолатига келтириб қўйиши мумкин. Бу ҳолат юз бериши эса, мазкур мамлакатда камбағаллар сони ортиб кетишига сабаб бўлади. Унинг оқибатида ҳар қандай субъект ҳам ўзига ва келажагига бўлган ишончини йўқотади.

Ўзбекистонда суғурта иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғи саналади, лекин ҳанузгача у ўз зиммасига юкланган вазифани тўлалигича бажара олгани йўқ. Қатор ривожланган мамлакатларда суғурта, аҳолини ижтимоий жиҳатдан, шунингдек, иқтисодиёт субъектларини рисклардан ҳимоясини таъминлашни ўз зиммасига олиши орқали, бюджет маблағлари ҳисобидан фавқулоддаги ҳодисалар оқибатларини қоплаш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини яратмоқда.

Ўзбекистонда суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида

кўрилиши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш кафолати, шунингдек, субъектларни ҳар қандай рисклардан ҳимоясини таъминлаш воситаси сифатида, суғурта ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминловчи соҳага айланмоқда.

«Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади»[1]. Субъектларнинг суғурта муносабатлари суғурта шартномалари асосида амалга оширилади[2]. Албатта, суғурта муносабатлари юзага келиши учун шартнома тузувчи томонларнинг ўзаро келишувлари юзага келиши шарт.

Бу жараён шартномани келишилган шартларни расмийлаштириш ҳамда мижознинг суғурта мукофоти тўлашини ўзида намоён этади. Бу шартлар амалга оширилганда суғурта муносабатлари ҳуқуқий кучга эга бўлади. Суғурта муносабатларида:

- суғурталанувчи;
- суғуртачи[3];
- суғурта шартномасида қайд этилган учинчи шахслар (суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта пулини олувчи ёки суғурталаб қўйилган шахс);
- суғуртанинг воситачилари - суғурта агенти ва брокери;
- давлат каби субъектлар иштирок этади.

Давлатнинг суғурта фаолиятида қатнашуви масаласига тўхталадиган[4] бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий-ижтимоий ҳаётда суғуртанинг ўрни, унинг

---

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда.
[2]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 915, 921,927, 929, 930-моддалар. Т.: Адолат, 1996. 468-417 бетлар.
[3]Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товон(пул)и тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс./Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 6-модда.
[4]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 15-19 моддалар.

ривожланишидан субъектларнинг манфаатдорлиги мазкур соҳа фаолиятида давлатнинг тўғридан-тўғри қатнашувини тақозо этади.

Бу, *биринчидан*, суғуртанинг объектлар бўйича зарарларни қоплаш ҳамда шундай хизмат учун ундирилган суғурта мукофотлари эвазига шакллантирилган суғурта захирасининг маълум давр оралиғида бўш турган маблағлари ҳисобидан ҳамда ўзаро фойдали бўлган инвестиция имкониятлари орқали рискларни суғурталашни ўз зиммасига олиши давлатнинг уни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини келтириб чиқарса, *иккинчидан*, суғурталанувчилар суғурта ташкилотларига ўз маблағларини ишониб топширади, айни вақтда, улар бу маблағ жойлаштирувларининг қанчалик даражада ишончли эканлигини аниқлаш имкониятларига эга бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, суғурталанувчиларни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиши лозимлиги ҳам давлатнинг бевосита суғурта соҳаси қатнашчиси бўлиши заруратини юзага келтиради.

Шундай зарурат ҳар бир давлатдан ўз ҳудудида суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш асосларини яратиш ҳамда мувофиқ равишдаги назорат тизимини ҳам шакллантиришини талаб этади. Шу талабдан келиб чиқиб, давлат суғурталанувчилар манфаатини ҳимоялаш механизмини яратади.

Давлатнинг суғурта фаолиятида қатнашуви суғурта муносабатларини тартибга солиши, унинг ривожлашини қўллаб-қувватлаши борасида ўзининг қонунчилик, ижро этувчи ҳокимиятлари томонидан комплекс қарорлар қабул қилиниши ва уларни амалга ошириш учун шарт-шароит

яратиши билан ифодаланади. Шу мақсадда қабул қилинган қарорларнинг суғурта фаолиятида юзага келган қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши муҳимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурта фаолиятига нафақат суғуртачи субъектларнинг саъй-ҳаракатлари, балки мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Аниқ иқтисодий манфаат суғурта фаолиятида ўз ифодасини топмас экан, у ўз зиммасига юкланган вазифаларини тўлалигича бажара олмайди.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда халқаро амалий тажрибага асосланиб, суғурта фаолиятини тартибга солиб турувчи услубий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Бундай фаолиятнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи[1] амалга ошириши таъкидланган.

Ўзбекистонда суғурта фаолияти 1991-1997 йиллар давомида давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувисиз ривожланди. 1997 йилда Молия вазирлиги қошида Давлат суғурта назорати хизмати[2] йўлга қўйилиши маълум маънода

---

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда.

[2]Давлат суғурта назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сон Қарори билан Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган. Унга ҳукумат томонидан мамлакатимизда суғурта ишини тартибга солиш бўйича махсус ваколатлар берилган.

суғурта фаолиятининг давлат томонидан мувофиқлаштирилувини таъминланган бўлсада, ҳали бу соҳада бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг кўлами кенгдир.

Суғурта пулли муносабат бўлиб, унда «олди-сотди» объекти суғурта хизмати ҳисобланади. Бу муносабат асосида суғуртага бўлган таклиф ва талаб намоён бўлади. Суғурта фаолиятининг ривожи унга бўлган талаб ҳамда бу талабни қондиришга қодир бўлган хизмат кўрсатиш сифатига боғликдир.

Мамлакатимизда «Давлат – иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси»[1] тамойилига асосланилиб, иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари асосланди, унинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий-услубий жиҳатлари яратилди ҳамда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил) қабул қилиниши билан суғурта соҳасидаги давлат монополиясига барҳам бериш учун зарурий ҳуқуқий асос яратилган эди. Унинг бажарилишини ҳамда мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Президентининг махсус Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча йирик («Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Ўзагросуғурта» ҳамда «Кафолат» ДАСК, «Мадад» СА ва бошқа) суғурта компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. Ўз вақтида қабул қилинган бу Фармон ва қарорлар мамлакатимизда суғурта фаолияти самарали йўлга

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.:Ўзбекистон, 1996, 309-бет.

қўйилишига хизмат қилди.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш турли шаклларда, хусусан:

- махсус қонунларни қабул қилиш;
- солиқ солиш сиёсати;
- ҳукуматнинг махсус қарорлари билан мажбурий суғурталаш;
- ваколатли суғурта назорати хизматини ташкил этиш каби йўллар билан амалга оширилади.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солиш шакллари унинг ҳуқуқий жиҳатларини мукаммаллаштиришни ҳам назарда тутади.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда, унинг ҳуқуқий асослари, яъни суғурта қонунчилигига асосланади. Шу нуқтаи назардан қараганда суғурта соҳасига тегишли меъёрий ҳужжатлар мажмуаси ҳуқуқий қўлланиш жабҳасига кўра умумий ва махсус гуруҳларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодекси, «Мулк тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги ва шу каби қонунлари *умумий қонунлар* туркумига киради.

Махсус қонун, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги Қонуни фақат суғурта соҳасини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган эди. Суғурта ҳам айнан шу Қонун доирасида ҳаракатда бўлди ва ривожланди. Давр талабидан келиб чиқиб, Олий Мажлис томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва у ўша

йилнинг 28 майидан кучга киритилди. Мамлакатимизда суғурта фаолияти ривожини таъминлашда ушбу қонуннинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда 1996 йилда 100 га яқин суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 20 дан ортиғроқдир. Бунинг сабаби уларнинг фаолият юритишлари борасида аниқ иқтисодий-ҳуқуқий талаблар қўйилиши ҳамда суғурта қонунчилиги меъёрий регламентацияга жиддий ёндашилганлигидир.

Суғурта қонунчилигида, аввало суғуртачи ва суғурталанувчи (юридик ва жисмоний) шахслар орасидаги муносабатларнинг қонун доирасида амалга оширилиши ҳамда ижро этилиши назарда тутилади. Бу борада мазкур муносабат субъектлари суғуртанинг ҳуқуқий асосларини билиши ҳамда уларнинг ахборот таъминоти даражаси қандайлиги муҳим саналади.

Суғурта фаолиятини юритиш учун етарли маблағга эга бўлиш ҳамда суғурта класслари бўйича шартнома тузишнинг ўзига хос қоидаларига амал қилиш суғуртачиларнинг устувор тамойили бўлиши лозим. Шу ўринда, суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари (7-чизма) турлича эканлигига ҳам эътиборни қаратмоқ керак.



7-чизма. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини комплекс равишда ўрганиб борувчи давлатнинг ваколатли органи - Ўздавсуғуртаназорат ташкилоти фаолият кўрсатиб келаётган йиллар давомида махсус меъёрий ҳужжатлар мажмуаси яратилди.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини комплекс равишда ўрганиб борувчи давлатнинг ваколатли органи - Ўздавсуғуртаназорат ташкилоти фаолият кўрсатиб келаётган йиллар давомида махсус меъёрий ҳужжатлар мажмуаси яратилди. Хусусан, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга асосан, мазкур ташкилотнинг асосий вазифалари[1] (8-чизма) аниқ белгилаб қўйилган ва у такомиллаштирилиб[2] борилмоқда.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишлари, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмасликлари ҳам қайд этилган.

Бу қонун суғурта ташкилотлари олдига муайян талабларни қўйди. *Биринчидан*, улар учун асосий фаолият тури суғурта иши бўлиши, *иккинчидан*, суғурта ташкилоти лицензияга эга бўлиши қатъий белгилаб қўйилди. Лицензия бериш[3] жараёнида суғурта фаолияти дастлаб текширувдан ўтказилади, яъни устав фонди ва унинг ҳолати ҳамда бу

---

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда.
[2]Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 3-иловаси.
[3]Қаранг: Ўша қарорнинг 1-иловасида келтирилган «Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

маблағларнинг ташкилот зиммасига олган мажбуриятларига ўзаро мутаносиблиги кўриб чиқилади. Суғуртачилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензияловчи орган Молия вазирлиги ҳисобланади. У қуйидаги асосларга кўра, лицензиялашни амалга оширади:

- лицензиялаш талаблари ва шартларига кўра ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш орқали;

- лицензия олиш учун талабгор бўлган суғуртачи ва брокерлар томонидан тақдим этиладиган зарурий ҳужжатларга кўра;

- талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш орқали лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божини ундириш;

- лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш;

- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, уни бекор қилиш.

Суғурта фаолиятига лицензия бериш зарурияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Чунки, суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурталанувчига шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятида кўрсатилган қопламани ўз вақтида тўлаши, суғурта захирасининг тўғри жойлаштирилишини назорат қилиб бориши ҳамда ўз активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаши муҳим талаб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган вазифалар тўлиқ бажарилиши жараёнида давлат фаолиятининг қуйидаги жиҳатларини

ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мамлакатда суғурта фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

8-чизма.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги «Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш» Давлат инспекциясининг вазифалари ва функциялари

«Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш» Давлат инспекциясининг	
вазифалари	**функциялари**
- бажарилиши мажбурий бўлган тўлов лаёқати меъёрларини ва уларни аниқлаш тартибини, алоҳида тавакалчиликлар бўйича суғурталовчиларнинг мажбуриятлари бўйича чекланган йўл қўйиладиган миқдорини ҳисоблаб чиқиш услубини ҳамда мажбуриятларнинг жами миқдорини, суғурталовчиларнинг тўловга лаёқатлилиги бўйича ахборот бериш тартиби ва муддатларини белгилаш;	- суғурталовчилар томонидан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига риоя қилинишини ҳамда уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек, улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари таъминланишини текшириш;
- суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тўловга лаёқатлиликнинг белгиланган меъёрларини ва уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган бошқа талабларни таъминлаш;	- давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва услубий материалларни ишлаб чиқиш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари маблағлари шакллантирилиши ва жойлаштирилиши бўйича ҳисобот юритиш тартибини ҳамда ҳисоботлар тузишни белгилаш;	- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;
- суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерга қўйиладиган, бажарилиши мажбурий бўлган, малака талабларини белгилаш;	- ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини услубий таъминлаш;
- суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисобот берилиши шакллари, тартиби ва муддатларини белгилаш;	- суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари (шартлари) ва суғурта тарифларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;	- суғурта фаолияти масалалари бўйича ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича тадбирларни маблағ билан таъминлаш тартиби ҳамда шартларини белгилаш;	- суғурталовчилар тугатилган ва қайта ташкил этилган тақдирда, суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг фаолиятини текшириш ва аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;	- мамлакатда суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензиялари амал қилишини тўлиқ, ёхуд суғуртанинг айрим турлари (даражалари)га нисбатан тўхтатиб туриш, шунингдек, уларнинг амал қилишини тўхтатиш;	- суғурта фаолияти бўйича мутахассисларни касбга тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга доир тадбирларни амалга ошириш, суғурта фаолияти масалалари бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил этиш;
- ҳар бир молиявий йил якунидан олти ой ўтгач, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек, молиявий йил мобайнида суғурта бозорининг фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни эълон қилиш;	- оммавий ахборот воситалари орқали суғурта фаолияти масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш;
	- ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича фуқароларнинг таклифлари ва сўровларини ўрганиб бориш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.	- нашриёт фаолиятини амалга ошириш.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- суғурта ҳимоясини таъминлашда юридик ва жисмоний

шахсларнинг манфаатларини ўзида акс эттирувчи механизмни яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси суғуртачилар ассоциацияси ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш;

- Молия вазирлиги қошида ташкил этилган махсус ваколатли Давлат органи билан суғуртачи субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик, маслаҳатли масалаларини ҳал этувчи тизилмали механизмни шакллантириш;

- суғурта фаолиятига оид қонунлар мажмуасига ўзгартиришлар киритиш ва такомиллаштириб бориш;

- суғурта бозорида рақобат муҳитини юзага келишини таъминловчи ҳамда сохта суғуртачилар фаолиятига чек қўйувчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларга амал қилинишини таъминлаш;

- суғурта ташкилотлари барқарор фаолият кўрсатишларини таъминлаш воситаси сифатида солиқ имтиёзлари ва шу каби бошқа рағбатлантирувларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб, уларнинг самараси юқори бўлишига эришиш;

- суғуртачиларнинг қимматли қоғозлар бозори, фонд биржаларидаги тўғридан-тўғри фаолиятларини рағбатлантириш;

- суғурта фаолиятининг илмий-тадқиқот базасини (масалан, суғурта муаммолари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтини) яратиш;

- суғурта соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда томонлар манфаатларини ўзида акс эттирган суғурта ҳимоясининг умумий қоидаларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимиз тараққиётининг «Ўзбек модели»га асосланган ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда хорижий суғурта ташкилотларининг фаолият юритишлари учун амалдаги ҳуқуқий механизмни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш кабилар.

Ҳозирги даврда суғуртанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши алоҳида қарорларни қабул қилиш билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки суғуртани ривожлантиришнинг кенг кўламли концепциясини ўзида акс эттирган бир бутун чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давр тақозосидир. Бундай тадбирлардан энг муҳимлари суғурта ташкилотларига давлат кафолатлари, яъни имтиёзли инвестиция кредитлари ва солиқ имтиёзлари берилиши орқали қўллаб-қувватлаш тизимини қарор топтириш мақсадида бюджет маблағлари захираси яратилиши кабилар ҳисобланади.

Кейинги йилларда Давлат томонидан суғурта фаолиятининг қўллаб-қувватланиши мамлакат миқёсида ўзининг дастлабки ижобий самарасини бера бошлади.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тадқиқ этишнинг натижаси сифатида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятлари суғурта шартномалари асосида амалга оширилиши баён этилди. Хусусан, давлатнинг суғурта фаолиятида қатнашуви масаласи атрофлича ёритилди;

- суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакллари, мазкур соҳада қўлланиладиган умумий ва махсус ҳуқуқий-меъёрий мажмуа - суғурта фаолиятининг ҳуқуқий

асослари ўрганиб чиқилди. Шундай ўрганишнинг натижаси сифатида уларни янада такомиллаштириб бориш зарурати таъкидланди;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида «Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш» Давлат инспекциясининг вазифа ва функцияларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

II БОБ. СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. ЎЗБЕКИСТОНДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.2. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.3. РИСКЛАР ТРАНСФЕРИДА ТАРИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

2.4. РИСКЛАР ТРАНСФЕРИДА ТАРИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ

2.1. ЎЗБЕКИСТОНДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар субъектларнинг суғуртага бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида суғурта ривожи учун зарурий объектив шарт-шароит юзага келди.

Бугунги кунда, *бир томондан*, Ўзбекистонда суғурта катта имкониятларни ўзида мужассам эттан бўлса, *иккинчи томондан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғуртага бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикада сифатли суғурта хизматини кўрсатишга бўлган талаб суст қондирилмоқда. Бунинг далили сифатида 1999-2004 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта хизматлари учун ундирилган мукофотлар суммаси ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи ҳамон паст даражада эканлигини қайд этиш мумкин (1-диаграмма).

1-диаграмма.

Суғурта мукофотларининг
Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги суғурта

мукофотлари улуши 1999 йилда 0,23 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2000-2003 йилларда мос равишда 0,26; 0,37; 0,47; 0,58 фоизларни ташкил этган, яъни у барқарор ўсган. 2004 йилда бу кўрсаткич 0,69 фоиз бўлганлиги ёки олдинги йилга нисбатан 11 пунктга ўсганлигига қарамасдан, унинг улуши анча пастлигича қолмоқда.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суғурта мукофотларининг қатор мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи ҳам турличадир. Масалан, бундай ҳолатни Осиё мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин (1-илова). Хусусан, Жанубий Корея ва Японияда унинг салмоғи ялпи ички маҳсулот ҳажмида энг юқори 12-15 фоизлар атрофида бўлса, айрим (Саудия Арабистони, Эрон, Қувайт, Покистон, Оман ва бошқа) мамлакатларда у 0,4-2,0 фоизлар даражасидадир.

Осиёнинг айрим мамлакатларида суғурта фаолияти ривожланиши кўрсаткичларига (2-илова) асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаёт суғуртаси бўйича мукофотларнинг энг юқори ўсиши Хитой (12,8%) ва Жанубий Корея (12,1%) каби мамлакатлар ҳисобига тўғри келган бўлса, ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта бўйича мукофотларнинг ўртача ўсиши Хитой (25,1%), Индонезия (18,5%), Малайзия (14,0%), Тайвань (12,7%) каби давлатларда бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди.

Буюк Британия, Швейцария, Франция, АҚШ, Германия, Канада каби давлатларда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (3-илова) юқорироқ бўлиб, суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўртача 6,2-11,3 фоизлар даражасида бўлса, айни вақтда Польша,

Италия, Венгрия, Чили, Чехия, Бразилия, Россия каби давлатларда бу кўрсаткич 1,3-5,6 фоизларни ташкил эттан. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик суғурта мукофотлари (АҚШ долл. ҳисобида) Швейцарияда 2894,5; АҚШда 2280,0 долл. миқдорида бўлса, бу кўрсаткич Польшада энг паст, яъни 5,5 долл. даражасида бўлганлигини қайд этиш лозим.

Дунё ҳудудлари бўйича ундирилган суғурта мукофотлар кўрсаткичларига (4-илова) асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, йилларда Европа ва Шимолий Америкада улар барқарор ўсиш анъанасига эга бўлган. Бошқа ҳудудларда, хусусан, Осиёда жамланган суғурта мукофотлари ҳажми нисбатан барқарор бўлмаган.

Суғурта мукофотлари ундирилишига кўра, халқаро суғурта бозоридаги улуш кўрсаткичлари (5-илова) бўйича АҚШ (32,35), Япония (23,0), Буюк Британия (7,48), Германия (6,4), Франция (6,1%) каби давлатлар анъанавий равишда етакчилик мавқеини сақлаб қолмоқда.

Дунёнинг транснационал характердаги энг йирик суғурта компаниялари қатор йиллар давомида мувоффақиятли фаолият кўрсатиб келган бўлсалар, ҳозирги глобаллашув шароитида уларнинг рейтинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда (6-илова). Шу ўринда, халқаро суғурта соҳаси учун 2001-2002 йиллар энг омадсиз кечганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000 йилда «Forbes Global 500» томонидан қайд этилган 47 суғурта компаниясининг фақат 28 таси 2001 йилда ўз рейтинг кўрсаткичларини сақлаб қола олган. Мазкур рейтинг кўрсаткичларида қайд этилган суғурта компанияларининг

умумий даромадлари 783 млрд. дан 689 млрд. га, яъни 94 млрд. долларга ёки олдинги йилга нисбатан 88,0 фоизга камайган.

«Forbes Global 500» маълумотларига асосланиб, 2002 йилда ҳам деярли барча катта суғурта компаниялари даромадларининг камайганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, Европа суғурта компанияларининг ёзги сув тошқинлари оқибатида кўрилган зарарлар юзасидан катта ҳажмдаги қоплама тўловларини амалга оширишларига тўғри келганлиги уларнинг фаолиятларини такомиллаштириш масаласини долзарб қилиб қўйди.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантиришга бўлган талабдан келиб чиқиб, 1996-1997 йиллар давомида кучли суғурта ташкилотларининг юзага келиши, айниқса, давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган катта суғурта компанияларининг фаолият кўрсатишларини йўлга қўйиш бу соҳа ривожида самарали роль ўйнади. Хусусан, экспорт-импорт операциялари – «Ўзбекинвест» ЭИМСК, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари рисклари – «Ўзагросуғурта» ДАСК, кичик ва ўрта бизнес рисклари «Мадад» СА каби суғурта ташкилотлари томонидан ишончли даражада суғурталанмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги «Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли Қарорида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, суғурта муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат суғурта назорати (Давсуғназорат) инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган

суғуртани ривожлантириш чора-тадбирлари дастури Молия вазирлиги ҳайъатининг 1999 йил 12 майдаги 3/3-сонли Қарори билан тасдиқланди ҳамда ҳаётга татбиқ этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2002 йил 28 майгача амалда бўлиб келган «Суғурта тўғрисида»ги Қонун чет эллик инвесторлар маблағларини мамлакатимиз суғурта соҳасига жойлаштиришлари учун шарт-шароитни ҳам юзага келтирганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Хусусан, «Ўз-АИГ», «Transinsurance», «ALSKOM» каби суғурта ташкилотлари фаолиятлари бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келган суғурта ташкилотларининг 2003 йилнинг августига қадар устав фонди миқдори ҳам турлича бўлганлигини таъкидлаш лозимдир. Бу масалада мамлакатимизда амалиётга киритилган қонунда «суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак»[1] лиги таъкидланган.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларини устав фонди миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилнинг январь ойи ҳолати бўйича

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 12-модда.

устав фонди катталигига кўра суғурта компаниялари, шартли равишда (2-диаграмма): кичик (10 млн. сўмгача), ўрта катталикдаги (500 млн. сўмгача) ва катта (500 млн. сўмдан кўп бўлган) учта гуруҳдан ташкил топган эди ҳамда жами компаниялар таркибида мос равишда кичик компаниялар 47,0 ўртача катталикдаги компаниялар 42,0 катта компаниялар 11,0 фоиз салмоқни ташкил этганлигини таъкидлаш мумкин.

Мамлакатимиз суғурта компанияларини устав фонди катталигига кўра, гуруҳлашнинг 2003 йил январь ойи кўрсаткичларида мос равишда, кичик компаниялар (устав фонди катталиги 100 млн. дан 500 млн. гача) 70,0; ўртача катталикдаги компаниялар (устав фонди катталиги 500 млн. дан 1 млрд. гача) 20,0; катта компаниялар (устав фонди катталиги 1 млрд. сўмдан кўп бўлган) 10,0 фоиз бўлганлиги аниқланди.

2-диаграмма.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг устав фонди ҳажмига кўра гуруҳланиш кўрсаткичлари (% да)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга ошириш борасида молиявий жиҳатдан кучли ҳисобланадиган учинчи гуруҳ компаниялари салмоқли ўринга эга бўлганликлари кўзга ташланди.

Ўзбекистонда 2002 йил май ойигача амал қилиниб келган суғурта қонунчилигида суғурта ташкилотларининг ташкилий-

ҳуқуқий шакллари ҳам тўлиқ баён қилиб берилмаган эди. Бу масаланинг, бизнинг назаримизга кўра, *бир томондан*, суғуртачи субъектлар учун долзарблигидан, *иккинчи томондан*, суғурта фаолияти республикамизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳам ўзида акс эттиришидан, суғурта ташкилотларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги эса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкинлигидан келиб чиқиб, янги қонунда суғуртачиларни тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги модда киритилган ва унда «суғурталовчилар қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади. Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади»[1] деб таъкидланган.

Мамлакатимиз суғурта ташкилотларининг ташкилий шакллари ва таъсисчилари таркибини (3-диаграмма) ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, 2003 йилнинг сентябрь ҳолатига кўра, улар акционерлик компаниялар (44,0%), масъулияти чекланган жамиятлар (55,0%) ва бошқа ташкилий шаклларда (1,0%) фаолият юритган, уларнинг устав фондларини шакллантиришда юридик шахсларнинг маблағларидан кенг фойдаланилган.

Уларнинг таъсисчилари таркибида банклар 62,2; суғурта ташкилотлари 16,7; жисмоний шахслар 4,6 ва бошқа таъсисчилар 16,5 фоиз улушларга эгадир.

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 11-модда.

3-диаграмма.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг

ташкилий шакллари	таъсисчилари таркиби (%)

2003 й. сентябрь



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мазкур таъсисчиларнинг иқтисодий ҳолатидаги ўзгаришлар суғурта ташкилотининг аҳволига амалий жиҳатдан салбий таъсир этмаган.

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари жами устав фондининг келтирилган йиллардаги ҳолати (4-диаграмма) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилда бу кўрсаткич 6,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2000 йилда олдинги йилга нисбатан қарийб 6,0; 2001 йилда 2000 йилга нисбатан яқин 15,5; 2002 йилда олдинги йилга нисбатан 1,2; 2003 йил якунига кўра, 2002 йилга нисбатан 24,1 фоизга ўсганлигини ёки 1999 йилга нисбатан ўсиш 53,7 фоиздан ортиқроқ бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари худди банклардаги каби устав фондининг пул кўрсаткичи нисбатининг минимал ҳажмининг аниқ белгилаб қўйиш талабидан келиб чиқиб, Ўздавсуғназорат томонидан қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқиш саъй-ҳаракати натижасида Молия Вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 11 майида қабул қилинган 31-сонли ва Адлия Вазирлиги томонидан ўша йилнинг 4 июнида 739-сон билан рўйхатга олинган муваққат (вақтинчалик) Низомга мувофиқ 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб суғурта

компанияларининг тез сотиладиган активлари ҳажмининг меъёри 75 минг АҚШ долларига (ҳисобот муддатида Марказий банк томонидан белгиланган курсга кўра) эквивалент бўлган сўммадан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган эди.

4-диаграмма.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг жами устав фондидаги ўсиш кўрсаткичлари (млрд. сўмда)

1999-2004 йй.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги *«Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги 413-сонли Қарорида суғуртачи субъектларнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувидан келиб чиқиб, суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғуртачиларнинг устав фондининг энг кам миқдори[1] аниқ, яъни 2003 йилнинг 1 августига қадар:

-ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтисослашаётган суғуртачилар учун - 250 минг АҚШ долларига;

-умумий суғурта тармоғига ихтисослашаётган

[1]Қаранг:Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сонли Қарори.

суғуртачилар учун - 150 минг АҚШ долларига;

-қайта суғурта қилиш фаолиятига ихтисослашаётган суғуртачилар учун (агар фаолият фақат қайта суғурта қилиш бўлса) - 2 млн. АҚШ долларига;

-мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғуртачилар учун устав фондининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммаларда бўлиши таъминланиши қатъий белгиланганлиги оқибатида суғурта ташкилотларининг сони 1/3 га қисқарди.

Мамлакатимиз суғурта ташкилотлари фаолият кўламларига кўра ҳам ўзаро фарқланади. Бу уларнинг менежмент ва маркетинг бўйича имкониятлари, яъни бозор иқтисодиёти талабларига мослашувчанлиги турлича эканлиги билан изоҳланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, лицензияга эга бўлган суғурта ташкилотларининг 3/5 қисмида устав фонди белгиланган энг кам миқдори даражасида бўлса, уларнинг фақат 1/3 қисми мажбурий суғуртани амалга ошириш имкониятини берувчи капитал миқдорига эгадир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз суғурта ташкилотларининг капитал таъминотидаги бу кўрсаткичлар, уларнинг ҳажми катта бўлган рискларни суғурталаш имкониятларини чеклайди.

Суғуртага бўлган талаб даражаси мамлакатнинг иқтисодий ҳолати билан ўзаро боғлиқликда кечадиган жараёндир. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан суғурта мукофотлари йиғилиши 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 74,0 фоиздан кўпроқ миқдорда ортган бўлса, бу кўрсаткич 2001 йилнинг якунига кўра, 16,2 млрд. сўмни

ташкил этганлиги ёки 1999 йилга нисбатан 3,4 баравар ўсганлиги, 2002 йилда олдинги йилга нисбатан ўсиш 33,1 фоизни ташкил этганлиги; 2003 йилда олдинги йилга нисбатан 21,3 фоизга ортганлиги ёки 26,3 млрд. сўм даражасида бўлганлиги, 2004 йилда эса 32,9 млрд. сўм даражасида бўлганлиги ёки олдинги йилга нисбатан 25,1 фоизга ортганлиги аниқланди. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йилларда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта мукофотларини йиғиш ҳажмининг ўсиши барқарорлик хусусиятига эгадир.

Суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2003 йиллар бўйича жамланган жами суғурта мукофотларининг (5-диаграмма) ўртача 65 фоизидан кўпроғи асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига тўғри келган, яъни уларнинг суғурта портфели асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига шакллантирилган.

5-диаграмма.

Суғурта мукофотлари тушуми улушининг ўсиши бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари(%)

1999-2004 йй.



Суғурта тармоқлари	Йиллар					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ихтиёрий шахсий суғурта	9,3	6,8	6,9	7,4	5,6	5,0
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	51,8	60,2	66,3	72,3	77,7	79,8
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	2,8	2,4	5,0	4,4	4,5	4,6
Мажбурий суғурта	36,1	28,6	21,8	15,9	12,2	10,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Келтирилган йилларда суғурта мукофотлари тушумининг ўсиш кўрсаткичларида ҳам ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг улуши ортган. Бу кўрсаткичнинг 1999 йилда умумий мукофот тушумидаги улуши 51,8 фоиз даражасида бўлганлиги, шунингдек, 1999 йилга нисбатан 2000-2003 йилларда унинг ўсиши мос равишда 16,0; 28,0; 40,0; 50,0 фоизларни ташкил этганлиги ҳамда барқарор ўсганлиги кузатилди.

Суғурта мукофотлари ҳажми бўйича бундай кўрсаткич ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ва суғуртанинг бошқа турларида суғурта хизматига бўлган талаб ва таклиф ўртасида анча тафовут мавжудлигини кўрсатади. Масалан, мамлакатимизда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт равнақи, *бир томондан*, жисмоний шахслар мол-мулкларини ихтиёрий суғурталашнинг кўлами ортиши, *иккинчи томондан*, юридик шахслар учун суғурта ташкилотлари томонидан суғурта хизматининг янги турлари таклиф этилиши ҳисобига ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг истиқболли имкониятларини намоён этади.

Ўзбекистонда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур суғуртанинг келтирилган йиллар давомида умумий мукофотлар тушумидаги улуши ортиб бориши уни ривожлантиришнинг катта имкониятларини юзага келтирди. Шу ўринда, айрим касбий (врачлар, судьялар, нотариуслар ва бошқалар) жавобгарлик суғуртасини амалиётга жорий этиш самарали эканлигини қайд этиш мумкин.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича шуни қайд этиш мумкинки, унинг мазкур йилларда 1999 йилга нисбатан

салмоқ камайиши кузатилди. Шунингдек, келтирилган йиллар давомида мажбурий суғурта бўйича ҳам мукофот тушумлари суммаси камайиб бораётганлиги кўзга ташланди. Бу ҳолат мамлакатимизда суғурта муносабатларининг эркинлашуви жараёнида устуворлик ихтиёрий суғуртани ривожлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Суғуртанинг моҳиятидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, қоплама тўловлари суғурта ҳодисалари юз берган ҳолларда суғурта мукофотларидан шакллантирилган фонд ҳисобидан тўланади. Кейинги йилларда суғуртачиларнинг суғурта портфели асосан зарарли натижаларга олиб келмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Суғурта қопламаси тўловлари барча суғурта турлари бўйича келтирилган йилларда мос равишда 1,3; 2,7; 3,3; 2,4; 2,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йиллар давомида умумий қоплама ҳажмида (6-диаграмма) мажбурий суғурта бўйича тўловлар ўртача 30,9 фоиздан ортиғроқ даражада бўлган. 2003-2004 йиллар кўрсаткичларида ҳам унинг салмоқли ўрни сақланиб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, 1999-2004 йилларда мамлакатимизда ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича энг катта ҳажмдаги қоплама тўловлари амалга оширилган.

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда ихтиёрий суғурта бўйича суғурта қопламалари тўловларининг салмоғи ўртача 54,8 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000-2004 йилларда жами суғурта қопламаси тўловлари ҳажмида

ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича амалга оширилган қопламалар ўртача 58,0 фоизни ташкил этганлиги таҳлил давомида аниқланди.

6-диаграмма.

Суғурта қопламаси тўловларидаги улушлар бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)

1999-2004 йй.



Суғурта тармоқлари	йиллар					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ихтиёрий шахсий суғурта	6,0	6,0	5,9	12,7	15,5	17,2
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	40,7	58,4	42,2	71,0	61,6	61,5
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	5,3	2,3	4,4	6,6	6,7	7,2
Мажбурий суғурта	48,0	33,3	47,5	9,7	16,2	14,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг суғурта шартномалари бўйича кўрсаткичларига (7-диаграмма) тўхталадиган бўлсак, келтирилган йилларда уларнинг сони мос равишда 9,5; 11,5; 12,1; 6,6; 5,3 млн.ни ташкил этган.

Жами шартномалар сонининг 1999 йилда 60,6; 2000 йилда 51,0 фоизи ёки энг кўп сони мажбурий суғурта ҳисобига тўғри келган. Аммо, 2001-2004 йилларда мажбурий суғуртанинг шартномалар сонидаги салмоғи камайиб бораётганлиги кузатилди. Хусусан, унинг ҳисобига 2001 йилда 48,7 фоиз улуш тўғри келган бўлса, 2002-2004 йилларда суғуртанинг бу шакли бўйича шартномалар сони кескин камайганлиги, яъни мос равишда 7,2; 8,9; 8,6 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

7-диаграмма.

Амалдаги шартномалар сони бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)

1999-2003 йй.



Суғурта тармоқлари	йиллар				
	1999	2000	2001	2002	2003
Ихтиёрий шахсий суғурта	23,21	27,1	27,7	49,8	44,4
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	16,11	21,9	23,5	42,7	44,0
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	0,04	0,1	0,1	0,3	2,7
Мажбурий суғурта	60,64	51,0	48,7	7,2	8,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли шакли ихтиёрий суғурта ҳисобланди. 1999-2003 йилларда суғуртанинг бу шакли бўйича жами шартномалар сонидаги салмоқ ўзгаришларига мос равишда 23,2; 27,1; 27,7; 49,8; 44,4 фоизи - ихтиёрий шахсий суғурта, 16,1; 21,9; 23,5; 42,7; 44,0 фоизи - ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига тўғри келганлиги ҳамда 1999-2001 йилларда амалдаги шартномалар сонининг ўртача 0,1; 2002 йилда 0,3; 2003 йилда эса 2,7 фоизи ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича тузилганлиги шундан далолат беради. Мамлакатимизда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича шартномалар сони кам эканлиги унинг ривож топмаганлиги билан изоҳланади.

1999-2003 йиллар давомида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари ҳажмида асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг салмоғи ўртача 58,5 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

Эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда мажбурий суғурта бўйича суғурта мажбуриятларининг ҳажм жиҳатдан жами суғурта мажбуриятларидаги улушининг 1999-2003 йиллар бўйича мос равишда 41,9; 41,5; 9,7; 17,7; 7,5 фоизларни ташкил эттанлиги тадқиқот давомида аниқланди. Мазкур суғурта шаклининг ўрни аста-секинлик билан камайиб бораётганлиги кузатилди. Бу - ижобий ҳолатдир.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан суғурта шакллари бўйича зиммаларига олган мажбуриятлари ҳажмида (8-диаграмма) асосан ихтиёрий

8-диаграмма.

Суғурта мажбуриятлари ҳажми бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)

1999-2003 йй.



Суғурта турлари	Йиллар				
	1999	2000	2001	2002	2003
Ихтиёрий шахсий суғурта	5,2	13,6	5,2	15,5	9,0
Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	48,8	34,0	83,3	63,0	80,9
Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	4,1	10,9	1,8	3,8	2,6
Мажбурий суғурта	41,9	41,5	9,7	17,7	7,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

суғурта етакчиликка эгадир. 1999-2003 йиллар бўйича суғуртанинг бу шакли зиммасига жами олинган мажбуриятлар ҳажмининг мос равишда 58,1; 58,5; 90,3; 82,3; 92,5 фоиз улушлари тўғри келганлиги шундан далолат беради.

Шу ўринда, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятлар ҳажмининг камайиши эркин бозор муносабатлари шароитида ихтиёрий суғуртанинг ўрни ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.Бу кўрсаткичларни ихтиёрий мол-мулк суғурта мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, жами шартномалар сонига нисбатан унинг улуши учинчи ўринда бўлган бўлса, суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2003 йилларда жамланган жами суғурта мукофотлари суммасининг ўртача 62,6, барча тўланган қопламалар ҳажмининг ўртача 53,1 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткичлар ихтиёрий шахсий суғурта, ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича анча пастдир.

Суғурта ташкилотининг даромад манбаларидан яна бири унинг инвестиция фаолияти ҳисобланади. Суғуртачиларнинг 1999-2000 йилларда умумий инвестиция жойлаштирувлари жабҳалари (9-диаграмма) ичида банк депозитлари ҳисобига мувофиқ равишдаги 56,5; 61,0 фоиз улушлар тўғри келган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 29,5 фоизни ташкил этган.

Суғуртачилар томонидан банк депозитларига инвестиция жойлаштируви кўрсаткичларидаги улуш 2002 йил 73,7; 2003 йилда 67,1 фоиз бўлганлиги бу фаолиятнинг истиқболли эканлигидан далолат беради. Суғуртачиларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолликлари таҳлил этилган йилларда ортиб бораётганлиги кўзга ташланди. Бу кўрсаткичнинг суғуртачилар томонидан умумий инвестиция жойлаштирувидаги улуши 1999 йилда 34,6 фоизни ташкил этган, 2000 йилда у ўтган йилга нисбатан 1,1 фоизга ортган, 2001 йилда унинг кескин ўсиши ҳодисаси кузатилган, яъни у 68,8 фоиздан ортганлигини қайд этиш лозим.

9-диаграмма.

Инвестиция ҳажми ўсиши бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бундай натижа асосан, қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар ҳисобига юзага келган. Аммо, 2002 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 22,8 фоизни ташкил этган ёки олдинги йилга нисбатан 3 мартага камайганлиги кузатилди. 2003 йил якунига кўра, қимматли қоғозларга жойлаштирилган маблағлар улуши 27,8 фоизни ёки олдинги йилга нисбатан 21,9 фоизга орттанлиги аниқланди.

Суғуртачилар томонидан инвестиция жойлаштирувининг бошқа жабҳаларидаги фаолликлари бирмунча пасайиши ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, суғуртачиларнинг 1999-2003 йилларда берган кредитлари мувофиқ равишда 1,8; 0,4; 0,7; 0,3; 0 фоизларни ташкил этган ёки 1999 йилга нисбатан унинг умумий улушдаги кўрсаткичларида барқарорлик анъанаси кузатилмаган, шунингдек, корхоналар низом капиталидаги улушлар ҳам 2002 йилда 1999 йилга нисбатан 3,2 мартага яқин камайган, 2003 йилда бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 0,1 пунктга орттан бўлсада, унинг

салмоғи суғуртачиларнинг инвестиция жойлаштириш соҳалари бўйича ҳамон паст даражада қолаётганлигини қайд этиш лозим.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг натижаси суғурта мукофотлари суммаси, шунингдек, вақтинчалик бўш турган маблағларини инвестицияга жалб этилган қисмидан олинган даромадлари суммасига тенгдир. У суғурта қопламаси ва захирасининг меъёрий ўсиши суммасига камайтирилади. Бу тизимда суғуртанинг ялпи ишлаб чиқарган «маҳсулоти» олинган даромад ва суғурта ҳодисаси юз беришига кўра, амалга оширилган қоплама тўловлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бу ҳисоб-китоблар нисбатида ялпи суғурта маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг хусусийлаштирилиши жараёни *бир томондан*, ташаббускорлик негизида суғурталаш турлари ортишига имкон яратиб, жавобгарлик суғуртаси, молиявий рисклар суғуртаси ва шу каби янги суғурта турлари қўлланишига олиб келган бўлса, *иккинчи томондан*, иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида суғурта ташкилотларининг кучсиз томонлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Бу айниқса, суғуртачиларнинг потенциал мижозлар кетидан қувиши оқибатида улар томонидан ўз зиммаларига олган суғурта жавобгарлиги паст даражада қолаётганлигида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг мажбурий суғурта бўйича кўрсаткичлари 2002 йилда 1999 йилга нисбатан суғурта мукофотлари суммасидаги улушлар нисбатида 20,2,

амалдаги суғурта шартномалари сонига нисбатан 53,4, суғурта мажбуриятлари ҳажмида 24,2 пунктга камайганлиги аниқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мажбурий суғуртанинг жами суғурта қопламасидаги улуш кўрсаткичлари 1999-2002 йилларда ўртача 34,1 фоиз даражасида бўлган. Бу ҳолат бизнинг назаримизга кўра, *бир томондан,* унинг ўзига хос ўрни мавжудлигини кўрсатса, *бошқа томондан* ихтиёрий суғурта субъектларнинг суғурта рисклари бўйича жавобгарликни мижозлар кутаётган даражада ўз зиммасига олишга тайёр эмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Мамлакатимизда суғурта ҳимоясини таъминлаш бўйича маблағларни шакллантириш асосан суғурта мукофотлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Суғурта турлари таркибидаги ўзгаришлар асосан ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича мукофотлар тушуми умумий кўрсаткичдаги салмоғи ўсиши ҳисобига 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 34,3 фоизга ортганлиги ҳамда унинг 2002 йил якунига кўра, суғурта мукофотлари суммасидаги улуши 72,3 фоизга етганлиги ёки 1999 йилга нисбатан 37,4 фоизга ортганлиги кузатилди. 1999-2004 йиллар давомида суғурта фаолияти ҳажмида ихтиёрий суғурта ҳиссаси ортиб бораётганлиги аниқланди.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича умумий мукофотлар тушуми 1999 йилдагига нисбатан 2001 йилда 3,2 фоизга камайганлиги аниқланган бўлса, 2002 йилда эса, олдинги йилга нисбатан 7,2 фоизга ортганлиги кузатилди.

Бугунги кунда ихтиёрий суғуртанинг таркиби ўзгариб, у энг кўп қўлланилаётган суғурта шаклига айланиб бормоқда. Аммо унинг жами суғурта мукофотлари ҳажмидаги улуши

ортиб бораётганлиги кузатилган бўлса-да, унинг салмоғи бугунги кунда ҳам кутилган даражага чиқа олмаганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 1999-2002 йиллар давомида, ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг мунтазам ўсиб борганлиги тадқиқот ишида амалга оширилган таҳлиллар асосида аниқланди. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари ҳажми жами мукофотлар суммасига нисбатан ўсиши юқори бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда мажбурий суғуртанинг кўлами 1999-2003 йиллар давомида бирмунча камайиб борганлиги қайд этилди. Унинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, у бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли давлат учун қўшимча инвестициялаш билан шуғулланиш имконини яратмайди. Мажбурий суғурта бўйича қоплама тўловлари 1999 йилга нисбатан 2001 йилда 0,5 фоизга, 2002 йилда яқин 4,7 мартага камайган бўлса, 2003 йилда ҳам унинг салмоғи камайганлиги кузатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- суғурта мукофотларининг 1999-2004 йиллар бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи ва унинг динамикаси атрофлича таҳлил этилди ҳамда унга асосланиб, бу салмоқнинг ҳамон паст даражада қолаётганлиги таъкидланди;

- суғурта мукофотларининг хорижий мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи ҳам турлича эканлиги баён этилди. Дунёнинг қатор мамлакатларида суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари келтирилди.

Суғурта фаолиятининг айрим халқаро муаммолари баён этилди;

- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари устав фонди ҳажмининг ўзгаришлари анъанаси, унга таъсир этаётган омиллар таҳлил этилди. Шунингдек, суғурта қонунчилигини узлуксиз такомиллаштириб бориш зарурлиги асосланди;

Бизнинг назаримизга кўра, суғурта равнақи ҳақида аниқ мулоҳазалар чиқариш борасида қуйидаги анъаналарни инобатга олиш лозим:

- 1999-2004 йилларда суғурта мукофотларининг реал ҳажми ортиб, суғурта фаолияти томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами ҳам ўсиб борган бўлсада, ҳамон талаб даражасига чиқа олганича йўқ;

- суғурта хизматларидан олинган даромаднинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам паст даражада қолмоқда. Халқаро суғурта амалиётидан фарқли равишда Ўзбекистон суғурта бозори кўрсаткичлари нафақат кўламига кўра, балки хизмат кўрсатиш сифати жиҳатидан ҳам фарқланади.

2.2. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари тушумлари бўйича улуш кўрсаткичлари (1-жадвал) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йиллар давомида тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотлари томонидан ундирилган мукофотларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб борганлиги кўзга ташланди. Хусусан, мажбурий суғурта бўйича 1999-2002 йиллар давомида мос равишда 99,9; 100,0; 99,0; 100,0 фоиз улушлар улар ҳисобига тўғри келган.

1-жадвал.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари тушумлари бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкилотларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	йиллар бўйича															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	1,1	2,5	8,5	8,9	47,2	55,0	76,9	65,16	6,2	17,4	41,2	41,4	9,2	16,6	13,9	27,1
«Ўзагросуғурта» ДАСК	46,1	39,0	43,0	43,7	36,3	27,4	15,3	13,9	1,1	1,7	1,0	4,2	68,8	64,2	69,1	49,8
«Кафолат» ДАСК	28,4	27,5	24,2	17,0	5,9	4,9	3,6	3,7	0,3	2,7	2,2	6,1	21,0	16,5	12,9	16,8
«Мадад» СА	2,4	1,7	3,6	1,2	3,6	0,3	0,2	0,04	64,5	29,0	13,0	22,5	0,9	2,7	3,1	6,3
Бошқа суғурта ташкилотлари	22,0	29,3	20,7	29,2	7,0	12,4	4,0	17,2	27,9	49,2	42,6	25,8	0,1	0,0	1,0	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мажбурий суғуртани амалга оширишда етакчи ўрин «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига, мос равишда 68,8; 64,2; 69,1; 49,8 фоиз улушларда тўғри келган. Бунга унинг зиммасига мажбурий суғуртани амалга ошириш юклатилганлиги сабабдир. Суғуртанинг бу шаклини амалга оширишда «Ўзбекинвест» ЭИМСК 1999-2002 йиллар бўйича мос

равишда 9,2; 16,6; 13,9; 27,1; «Кафолат» ДАСК 21,0; 16,5; 12,9; 16,9 ёки бу икки суғурта ташкилотига келтирилган йилларда 30,2; 33,1; 26,8; 44,0 фоиз улушлар тўғри келган.

Тадқиқот давомида, мажбурий суғуртани амалга оширишда «Мадад» СА ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб бораётганлиги кузатилди. Унинг бу шакл бўйича суғурта мукофотларидаги улуши келтирилган йилларда мос равишда 0,9; 2,7; 3,1; 6,3 фоизларга тенг эканлиги шундан далолат беради.

Суғуртанинг ихтиёрий шакли бўйича 4 та асосий суғурта ташкилотлари турлича кўрсаткичларга эга эканликлари тадқиқот давомида аниқланди. Таъкидлаш лозимки, 1999-2002 йилларда ихтиёрий суғурта бўйича мукофот тушуми кўрсаткичларида «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига энг кўп улуш, яъни мос равишда 46,1; 39,0; 43,0; 43,7 фоиз тўғри келган бўлса, «Кафолат» ДАСК томонидан ҳам маълум саъй-ҳаракатлар амалга оширилганлиги натижасида, мос равишда 28,4; 27,5; 24,2; 17,0 фоиз улушидаги мукофотлар жамланишига эришилган.

Бошқа суғурта ташкилотлари ҳам мукофот жамланишида сезиларли улуш кўрсаткичларига эга бўлганликларини қайд этиш лозим. Улар томонидан 1999 йилда ихтиёрий шахсий суғурта бўйича жами мукофот тушумларининг 22,0 фоизи жамланган бўлса, бу кўрсаткич 2000-2002 йилларда мос равишда 29,3; 20,7; 29,2 фоизга тенг бўлган. Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ихтиёрий шахсий суғурта ўзида катта имкониятларни мужассам этган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда турли иқтисодиёт

субъектларининг мол-мулклари таркиби сон жиҳатдан ортиб бормоқда. Шу боис, ихтиёрий мол-мулк суғуртасини амалга оширишга бўлган талаб ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича жамланган суғурта мукофотлари тушумларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1999-2002 йилларда жами ундирилган мукофотлар суммасидаги улуш нисбати тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотлари ҳисобига мос равишда 93,0; 87,6; 96,0; 82,8 фоизни ташкил этган. Шуни қайд этиш мумкинки, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 1999-2002 йиллардаги мукофотлар тушумида энг кўп улуш мос равишда 47,2; 55,0; 76,9; 65,2 фоиз даражасида «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан жамланган. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси мукофотлари тушумида «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳам сезиларли ўринга эга бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Суғурта ташкилотлари томонидан келтирилган йилларда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича ҳам мукофот тушумлари ортиб бораётганлиги кузатилди. Хусусан, бу борада энг кўп мукофот ундирилуви «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига, яъни келтирилган йилларда мос равишда 6,2; 17,4; 41,2; 41,4 фоиз улушларда бўлганлиги аниқланди. Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича бошқа суғурта ташкилотлари томонидан (тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) ҳисобига келтирилган йилларга мос равишда 27,9; 49,2; 42,6; 25,8 фоиз суғурта мукофотлари жамланишига эришилган.

Суғурта ташкилотлари томонидан иқтисодиёт субъектларининг рисклардан ишончли ҳимоясини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакат суғурта

ташкилотларининг қоплама тўловлари даражаси (2-жадвал) албатта, потенциал мижозларнинг суғуртага бўлган талаби ортиши ёки аксинча, пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

1999-2002 йилларда мамлакат суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган қоплама тўловлари ортиб борганлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, мажбурий суғурта бўйича юз берган суғурта ҳодисаси оқибатида субъектларнинг кўрган зарарларини қоплаш учун тўланган жами қоплама суммасидаги энг катта улуш «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига тўғри келган ва келтирилган 4 йил бўйича у ўртача 90,4 фоиздан юқори даражада бўлган.

2-жадвал.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғурта қопламалари тўловлари бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкилотларининг номи	Ихтиёрий								Мажбурий суғурта							
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	йиллар бўйича															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	0,6	4,3	6,0	15,7	13,6	0,2	4,8	10,7	0,2	6,4	0,1	0,3	0	0,1	1,1	14,4
«Ўзагросуғурта» ДАСК	60,6	50,8	57,3	58,5	81,8	78,3	91,7	83,9	0	91,6	0,2	0,0	97,0	97,5	96,9	70,3
«Кафолат» ДАСК	26,3	15,0	19,3	12,7	3,4	21,0	1,0	1,89	0	0,8	0,2	0,3	0	2,4	1,1	11,4
«Мадад» СА	0,3	0,4	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,01	63,0	0,2	84,0	92,0	3,0	0	0,9	3,9
Бошқа суғурта ташкилотлари	12,2	29,5	17,2	12,9	1,1	0,4	2,4	3,5	36,8	1	15,5	7,4	0	0	0	0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа суғурта ташкилотлари (тадқиқот объектлари бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) томонидан келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича қоплама тўланмаган.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг 1999-2002 йилларда ихтиёрий суғурта бўйича жами қоплама тўловлари суммасида ихтиёрий шахсий суғурта ва ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича етакчи ўрин, мос равишда 60,5;

50,8; 57,3; 58,5 ҳамда 81,8; 78,3; 91,7; 83,9 фоизларда «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан амалга оширилган. Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича «Кафолат» ДАСК ҳам келтирилган йилларда 26,3; 15,0; 19,3; 12,7, шунингдек, бошқа суғурта ташкилотлари (4 та номлари келтирилганларидан ташқари) ҳам 12,2; 29,5; 17,2; 12,9 фоиз улушларда қоплама тўловларини амалга оширганлиги эътиборга моликдир. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича келтирилган йилларда жами қоплама тўловларининг мос равишда 13,6; 0,2; 4,8; 10,7 фоиз улушлари «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига тўғри келган. Тадқиқ этилган йилларда ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича «Кафолат» ДАСКнинг улуш кўрсаткичлари мос равишда 3,4; 21,0; 1,0; 1,9 фоизларни ташкил этган ёки бошқача айтганда, 2001 йилда 1999 йилга нисбатан кўрсаткичнинг энг кўп, яъни 2,4 фоизга пасайганлиги кузатилди. Бу борада «Мадад» САнинг улуш кўрсаткичлари 1999-2001 йиллар давомида ўзгаришсиз, 0,1 фоиз даражасида қолганлиги аниқланди. Ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 1999-2002 йилларда қоплама тўловлари ҳам турлича улушларда амалга оширилганлиги кўзга ташланди. Хусусан, тадқиқот натижалари 1999 (63,0), 2001 (84,0) ва 2002 йилда (92,0 фоиз) бирмунча кўпроқ қоплама суммалари «Мадад» СА томонидан тўланганлиги, 2000 йилда жами тўланган қопламаларнинг 91,6 фоизи «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига тўғри келганлигини кўрсатди. «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг келтирилган йилларда қоплама тўловларидаги улуши 2000 йилдан (6,4 фоиз) ташқари сезиларли бўлмаганлиги қайд этилди.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган суғурта

ташкилотлари томонидан жамланган суғурта мукофотлари ҳажми сезиларли ортган бўлишига қарамасдан, қоплама тўловлари суммаси ҳамон паст даражада қолмоқда.

Суғурта ташкилотларининг амалдаги шартномалар сони бўйича улуш кўрсаткичларининг (3-жадвал) 1999-2002 йиллардаги таҳлилига асосланиб, шуни қайд этиш мумкинки, суғурта шакллари бўйича энг кўп шартномалар сони «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобига, яъни келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича 92,6; 97,4; 92,7; 76,8; ихтиёрий шахсий суғурта бўйича 67,2; 50,8; 75,5; 40,5; ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 78,3; 91,6; 86,3; 88,5; ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 46,4; 0; 68,1; 72,8 фоиз улушлари тўғри келган.

3-жадвал.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг амалдаги суғурта шартномалари сони бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкилотларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	йиллар бўйича															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	0,7	4,3	0,3	0,1	0,2	6,4	0,1	0,1	23,5	0,6	1,2	8,6	0,2	0,1	0,2	2,6
«Ўзагросуғурта» ДАСК	67,2	50,8	75,5	40,5	78,3	91,6	86,3	88,5	46,4	0	68,1	72,8	92,6	97,4	[illegible]	76,8
«Кафолат» ДАСК	25,3	15,0	18,2	8,4	21	0,8	[illegible]	11,3	0,8	0,1	10,6	10,2	7,1	2,4	7,1	20,7
«Мадад» СА	0,2	0,4	0,2	0,1	0,1	0,2	0,005	0,001	27,8	98,8	16,1	7,4	0,1	0	0,05	0,5
Бошқа суғурта ташкилотлари	6,6	29,5	5,8	50,9	0,4	1	0,05	0,099	1,5	0,5	4,0	1,6	0	0,1	0,0005	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бошқа барча суғурта ташкилотларининг шартномалар сони бўйича кўрсаткичлари турлича бўлиб, келтирилган йилларда мажбурий суғурта бўйича 7,4; 2,6; 7,4; 23,2 фоиз; ихтиёрий шахсий суғурта бўйича 33,8; 49,2; 24,5; 59,5 фоиз; ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича 21,7; 7,4; 13,7; 11,5 фоиз; ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича 53,6; 10,0; 31,9; 27,2 фоиз улушларидаги шартномалар сони тўғри келган.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик бўйича улуш кўрсаткичлари таҳлили (4-жадвал) шуни кўрсатмоқдаки, мажбурий суғурта бўйича келтирилган йилларда, мос равишда, «Ўзагросуғурта» ДАСК 69,0; 58,0; 56,6; 30,7, «Ўзбекинвест» ЭИМСК 15,2; 28,6; 27,8; 49,2, «Кафолат» ДАСК 14,5; 9,7; 8,9; 12,5, «Мадад» СА 1,3; 3,7; 5,3; 7,6 фоиз улушларга эгадир. Бу етакчилик ҳолати уларнинг фаолият йўналишларидаги ўзига хосликнинг ўрни билан изоҳланади.

Суғуртавий жавобгарликнинг ихтиёрий шакли бўйича шуни қайд этиш мумкинки, келтирилган йилларда унинг кўлами ортган.

4-жадвал.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик бўйича улуш кўрсаткичлари (%)

Суғурта ташкилотларининг номи	Ихтиёрий												Мажбурий суғурта			
	шахсий суғурта				мол-мулк суғуртаси				жавобгарлик суғуртаси							
	йиллар бўйича															
	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002	1999	2000	2001	2002
«Ўзбекинвест» ЭИМСК	3,7	17,6	0,9	2,1	63,8	80,7	97,1	39,7	65,8	69,6	4,0	9,0	15,2	28,6	27,8	49,2
«Ўзагросуғурта» ДАСК	48,1	55,0	23,6	34,7	23,6	10,8	1,3	15,0	0,3	0,5	0,3	2,5	69,0	58,0	56,6	30,7
«Кафолат» ДАСК	44,1	22,2	8,8	8,5	5,6	3,0	1,0	5,8	0,2	0,2	0,6	4,6	14,5	9,7	8,9	12,5
«Мадад» СА	2,8	2,3	0,4	0,4	0,6	0,6	0,03	0,04	14,6	12,7	9,4	6,1	1,3	3,7	5,3	7,6
Бошқа суғурта ташкилотлари	1,3	2,9	66,3	54,3	6,4	4,9	0,57	39,46	19,1	16,8	85,7	77,8	0	0	1,4	0,0

Манба: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Хусусан, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғуртавий жавобгарликнинг энг кўп улушлари келтирилган йилларда 63,8; 80,7; 97,1; 39,7 фоизларда «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига, бошқа суғурта ташкилотлари («Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСК ҳамда «Мадад» САлар билан биргаликда) ҳисобига, унинг мос равишда 36,2; 19,3; 2,9; 60,3 фоиз улушлари тўғри келган. Бу кўрсаткич бошқа суғурта

ташкилотларининг бу борадаги улушлари 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 12 мартага камайганлигини кўрсатади. Бунинг сабаби «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2001 йилдаги улуш кўрсаткичлари 1999 йилга нисбатан 18, «Кафолат» ДАСКники 6 мартага камайиб кетганлигидир. 2002 йилда бу борада катта ижобий силжиш бўлганлиги кузатилди. Хусусан, 2001 йилга нисбатан «Ўзагросуғурта» ДАСК 11,5; «Кафолат» ДАСК 5,8; (тадқиқот объекти бўлган 4 та суғурта ташкилотларидан ташқари) бошқа суғурта ташкилотлари ҳисобига 65,8 мартага ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича жавобгарлик ҳажми ортганлигини таъкидлаш лозим. Шундай натижаларга эришилганлиги сабабли, «Ўзбекинвест» ЭИМСКдан ташқари, бошқа суғурта ташкилотларининг умумий жавобгарлик ҳажмидаги улушлари 60,3 фоизни ташкил эттанлиги кузатилди.

2002 йил маълумотлари таҳлилидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш лозимки, мол-мулкни рисклардан суғурталашга талаб ортиб бораётган ҳозирги вақтда, ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарликни («Ўзбекинвест» ЭИМСКдан ташқари) таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича жавобгарлик ҳажмининг ортиши тадбиркорлик рисклари суғуртаси билан узвийликда кечадиган жараён бўлиб, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг 1999 йилда 65,8; 2000 йилда 69,8 фоиз улуши бўлган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 17 мартага камайган, 2002 йилда олдинги йилга

нисбатан 2,2 мартага ортганлигига қарамасдан, у ҳамон 2000 йилдагига нисбатан 12,9 мартага камдир. Бу борада «Мадад» СА ҳам 1999 йилда 14,6; 2000 йилда 12,7 фоиз улушларига эга бўлган бўлса, 2001-2002 йиллардаги унинг бу кўрсаткичи олдинги йилга нисбатан ўртача 35 фоизга камайганлиги кузатилди. Бу ҳолат улар ўз ўринларини бошқа суғурта ташкилотларига бўшатиб бераётганликларини кўрсатади.

Бошқа суғурта ташкилотларининг 1999 йилдаги жами улуш кўрсаткичлари 19,1; 2000 йилда эса, у 16,8 фоиз бўлган ёки олдинги йилга нисбатан 2,3 пунктга камайган. 2001 йилда бошқа суғурта ташкилотларининг ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси бўйича кўрсаткичлари 85,7 фоизни ташкил этган ёки 2000 йилдагига нисбатан 5,1 мартага кескин ўсиши, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 7,9 пунктга камайиши кузатилган. Тадқиқот натижаларига асосланиб, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат суғурта ташкилотларининг суғуртавий жавобгарлик бўйича улуш кўрсаткичларида барқарор ўсишга эришишлари долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг ихтиёрий шахсий суғурта бўйича мукофот тушумларидаги кўрсаткичлари динамикаси (7-илова) таҳлили уларнинг келтирилган йилларда мос равишда ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Хусусан, «Ўзбекинвест» ЭИМСК 2000 йилда олдинги йилга нисбатан яқин 2,3; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 7,7; 2002 йилда эса 15,9 мартадан ортиқроқ суммадаги мукофотлар тушумига эга бўлган. Аммо «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар, «Мадад» СА ва бошқа суғурта ташкилотлари томонидан барқарор равишда мукофот тушумлари ўсишига эришилмаган ёки мукофот суммалари бирмунча камайишига

ҳам йўл қўйилган. Масалан, «Кафолат» ДАСК бўйича 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 3,2; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 14,8 фоиз мукофот тушумлари кам жамланганлиги аниқланди. 2002 йилда компаниянинг бу борадаги кўрсаткичи 55,9 фоиз ўсганлиги кузатилди.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича қоплама тўловларидаги улуш кўрсаткичлари ўсиши (8-илова) асосан «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига 2000 йилда олдинги йилга нисбатан яқин 7,2; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 10; 2002 йилда 41,1 мартадан кўпроқ суммадаги тўловлар тўғри келган.

«Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар, «Мадад» СА томонидан 1999 йилга нисбатан 2001 йилда амалга оширилган қоплама тўловлари суммасининг фоиз кўрсаткичлари камайганлиги кузатилди. Масалан, «Кафолат» ДАСК томонидан 2001 йилда 1999 йилга нисбатан бу кўрсаткич 36,6 фоизга камайган. 2002 йилда «Мадад» СА бўйича 1999 йилга нисбатан 4,6 мартага қоплама тўловлари орттан бўлса, «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар томонидан қоплама олдинги йилларга нисбатан кўпроқ тўланганлигини қайд этамиз.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича келтирилган йилларда амалда бўлган шартномалар сонидаги ўсишлар (9-илова) турлича бўлган. Хусусан, 2001 йилда 1999 йилга нисбатан амалда бўлган шартномалар сони «Ўзбекинвест» ЭИМСКда 60,9; «Кафолат» ДАСКда 28,1; бошқа суғурта ташкилотлари бўйича 11,7 фоизга камайган. 2002 йилда шартномалар 1999 йилга нисбатан «Кафолат» ДАСК томонидан 47,1; «Мадад» СА томонидан 72,2 фоизга кам тузилган. Бу ҳолат, асосан,

якка тартибда тузилган шартномалар сони камайиши ҳисобига юз берганлиги билан изоҳланади.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғуртавий жавобгарлик улушидаги ўсишлар (10-илова) фақат «Ўзбекинвест» ЭИМСК ҳисобига 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 126,5; 2001 йилда 152,2 фоизга, 2002 йилда яқин 5,6 мартага ортганлиги кузатилди. 2001 йилда «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКлар ҳамда «Мадад» СА бўйича суғуртавий жавобгарликлар ҳажми кескин камайган. Масалан, «Ўзагросуғурта» ДАСКда 94,5; «Мадад» САда 94,3 фоиз миқдорида камайганлиги кузатилди. 2002 йилда «Ўзагросуғурта» ДАСК бу борада кескин ўсишга эришганлиги аниқланди.

Мамлакат суғурта ташкилотларининг ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича мукофот ундирилишидаги улуш кўрсаткичлари 1999-2002 йиллардаги ўсишининг (11-илова) таҳлилига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан бу борада самарали фаолият олиб борилганлиги натижасида 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 16,5; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 62,9 фоизга, 2002 йилда бу кўрсаткич базис йилига нисбатан 8,7 мартага ортганлиги аниқланди. «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» ДАСКларнинг кўрсаткичлари, мос равишда 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 24,5; 16,9; 2001 йилда эса, 1999 йилга нисбатан 57,8; 39,7 фоизга камайганлиги кузатилган бўлса, бу кўрсаткичлар 2002 йилда 2,4; 3,5 мартага ортганлиги аниқланди. 1999-2001 йиллар нисбатида «Мадад» САнинг кўрсаткичлари кескин камайган, яъни 2000 йилда олдинги йилга нисбатан 91,7; 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 94,7

фоиз мукофот кам жамланган. 2002 йилда эса, бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 37 пунктга пасайган. Бу кўрсаткич агентлик учун 2001 йилга нисбатан ижобий ҳисобланса-да, бу борада у ўз фаолиятини такомиллаштириши лозимлиги кўзга ташланди.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган қоплама тўловларидаги улуш кўрсаткичларининг ўсиши (12-илова) 1999 йилга нисбатан 2000 йилда «Кафолат» ДАСКда яқин 6,2 марта кўп бўлган бўлса, «Ўзагросуғурта» ДАСК ҳисобидан тўланган қоплама суммалари 4,3 фоизга камайган, «Мадад» СА томонидан 1999-2001 йилларда амалга оширилган қоплама ҳажми ўзгаришсиз қолган бўлса, 2002 йилда олдинги йилларга нисбатан қоплама суммаси 32,9 фоиз кам тўланган.

«Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 98,5 фоиз; 2001 йилларда 64,5 фоиз даражасидаги қоплама тўловлари суммаси мижозларга тўланган. 2002 йилда компания томонидан қоплама тўловлари 1999 йилга нисбатан 4,1 мартага кескин ортган. Бошқа суғурта ташкилотлари ҳисобидан 2000 йилда олдинги йилга нисбатан қопламалар 63,6 фоизда амалга оширилган. 2001 йилда 1999 йилга нисбатан қоплама яқин 2,2 мартага кам тўланган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 11,8 мартага ортганлиги аниқланди. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 1999-2002 йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатган суғурта ташкилотлари турлича суммаларда қоплама тўловларини амалга оширган. Эҳтимолликка кўра, қоплама тўловлари суммасини олдиндан аниқлаштириб бориш орқали рисклар даражаси ва кўламига мос равишда суғурта захирасини

шакллантириш суғурта ташкилотлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси шартномалари сонидаги ўсишлар (13-илова) кўрсаткичига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, 1999-2002 йилларда «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 17,0; 2001 йилда 10,2; 2002 йилда 27,0 фоизга сон жиҳатдан кўпроқ шартномалар тузилишига эришилган. Ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича шартномалар тузишда 2000 йилда олдинги йилга нисбатан «Ўзбекинвест» ЭИМСК 32,0; «Мадад» СА 2,0; бошқа суғурта ташкилотлари 2,5 марта сон ўсишига эришган бўлса, бу кўрсаткич «Кафолат» ДАСКда 96,2 фоизга камайган. 2001 йилда «Ўзагросуғурта» ДАСКдан бошқа барча суғурта ташкилотларида шартномаларнинг сон кўрсаткичларида камайиш анъанаси кузатилган бўлса, 2002 йилда «Ўзбекинвест» ЭИМСК 26,5; «Ўзагросуғурта» ДАСК 27,2 фоиз даражасидаги ўсишга эришилган.

Суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2002 йилларда ихтиёрий шахсий суғурта бўйича суғуртавий жавобгарликнинг ўсиш кўрсаткичлари (14-илова) 2000 йилда, асосан «Ўзбекинвест» ЭИМСКда 4,7 марта; «Ўзагросуғурта» ДАСКда 14,3 фоизга; бошқа суғурта ташкилотларида («Кафолат» ДАСКда ва «Мадад» САдан ташқари) яқин 2,3 мартага ортганлиги кузатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари устав фонди ҳажмининг ўзгаришлари

анъанаси, унга таъсир этаётган омиллар таҳлил этилди.;

- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан 1999-2004 йиллар бўйича жамланган суғурта мукофотларининг динамикаси ўрганилди;

- суғурта ташкилотлари томонидан келтирилган йилларда амалга оширилган қоплама тўловлари ҳажми, тузилган шартномаларнинг миқдорий томонлари, суғурта мажбуриятлари ҳажми ва уларнинг динамикаси ўрганиб чиқилди ҳамда таҳлил этилди;

- суғурта ташкилотларнинг инвестиция фаолиятига баҳо берилди. Шунингдек, 4 та етакчи суғурта ташкилотларининг 1999-2002 йиллардаги кўрсаткичлари тизимлаштирилди ва атрофлича таҳлил этилди ҳамда уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан таклифлар берилди.

2.3. РИСКЛАР ТРАНСФЕРИДА ТАРИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Рисклар трансферини функционал мазмун-моҳиятига кўра ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Шунга кўра, рисклар трансферида тарифларни оптимал даражада белгилаш суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Рисклар трансферида тарифларни белгилаш қатор услубиятларга, хусусан, эҳтимоллик назариясига биноан суғуртачиларда шакллантирилган маълумотлар базасига асосланган дир[1].

Хусусан, тарифларни белгилашда ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги:

- суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли;
- суғурта мукофотининг ўртача катталиги;
- тўланиши эҳтимол бўлган суғурта қопламасининг ўртача суммаси каби омиллар эътиборга олинади.

Рисклар трансфери бўйича тарифларни аниқлаш услубиятларида объектларнинг ўзига хослиги тўлиқ

[1] См. Теоретические основы построения страховых тарифов// Гинзбург А.И.Страхование. – СПб.: Питер, 2003, сс. 34-42, а также, Цена страховой услуги. Методические основы расчета страховых тарифов// Теория и практика страхования. Учебное пособие – М.: Анкил, 2003, сс. 90-118.

акс этмаган. Шуни таъкидлаш керакки, тарифларни белгилашда унга таъсир этувчи қатор омиллар қатъий эътиборга олинган услубиятнинг самараси кутилган даражада бўлиши мумкин. Хусусан, бундай услубият:

- суғурта объектларини таснифлаш (гуруҳлаш);
- ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос томонларини аниқлаштириш;
- ўзига хос хусусиятларни сон жиҳатдан баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир гуруҳ объектларининг умумий томонларини акс эттирган маълумотлар базасини шакллантириш;
- тарифларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотини йўлга қўйиш каби бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Суғурта фаолиятида зарарлилик кўрсаткичилари ўзгариши суғуртачининг суғурталанувчилардан ундирган мукофотлари суммаси жамлаши ва уларни инвестициялар бозорида жойлаштириши жараёнидаги воситачи сифатидаги роли билан ҳам изоҳланади.

Инвестицион фаолиятдан олинган фойда суммаси суғурта компаниясининг тариф сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил саналади. Қайд этиш лозимки, суғурта операцияларидан кўрилган зарарни инвестиция фаолиятидан олинган фойда ҳисобидан субсидия қилинишига бўлган муносабат ҳам турличадир. Хусусан, бундай фаолият, *бир томондан*, маблағлар тақчиллигида рақобатга мос бўлган тариф сиёсатини юритиш учун айнан инвестициялар бозорида қулай конъюнктуранинг юзага келиши ҳисобига захирани талаб даражасида шакллантириш имкониятини юзага

келтирса, *бошқа томондан,* айнан шундай фаолиятдан олинган даромад ҳисобига техник натижаларни тенглаштириш учун суғурта фондидан жалб этиладиган маблағлар етарли даражада бўлишини таъминловчи омил сифатида қаралаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозимдир. Мазкур ҳолат суғуртачининг ўз жавобгарлигига қабул қилган риск бўйича назорати сустлашувининг омили бўлмаслиги лозим.

Ҳозирга қадар, суғурта амалиётида мажбуриятлар ҳажми, эркин активларнинг тузилиши ва баҳоси, молиявий кафиллик таъминланганлиги, суғурта портфелининг рационал шаклланиши билан боғлиқ бўлган рисклар тақсимоти, суғурта захиралари шакллантирилиши борасида ягона бир концепция ишлаб чиқилмаган. Шу боис суғурта ташкилотлари бу муаммоларни эмпирик тарзда ҳал этишга мажбур бўлмоқда.

Ҳар қандай суғурта тури бўйича тарифлар ҳисоб-китоби (актуар ҳисоб-китоблар)да аниқ суғурта объектининг қиймати ҳисоблаб чиқилади. Умуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматини ҳамда суғуртачи томонидан суғурталанувчига кўрсатиладиган хизматининг қанча туриши аниқланади.

Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш *«актуар калькуляция» (actuary)* деб аталади[1]. Унинг ёрдамида шартнома бўйича суғурта мукофотлари ҳамда суғуртачининг иш юритиш харажатлари суммаси, яъни мазкур хизмат таннархи ҳисоблаб чиқилади. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд ва улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

---

[1]Қаранг: Современный финансово-кредитный словарь./Под общ. ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского. –М.: ИНФРА-М, 1999. с. 13.

- баҳоланаётган риск доимо эҳтимоллик характерига эга бўлиши;

- айрим йилларда умумий қонуниятга зид туркум тасодифий ҳодисалар юз бериши, уларнинг таъсири, ўз навбатида, суғурта ташкилотидан талаб этиладиган суғурта қопламаси тўлови суммасининг сезиларли ўзгаришини тақозо этиши;

- суғуртачи томонидан кўрсатилаётган хизмат таннархи суғурта муносабатлари йиғиндисидан келтирилиб чиқарилиши;

- суғуртачи ихтиёрида бўладиган махсус захирани ажратиш, унинг оптимал ҳажмини аниқлаш талаб этилиши;

- суғурта шартномалари кўрсаткичларини (*инглизча «storno»*) башорат қилиш ҳамда улар бўйича эксперт баҳоси талаб этилиши;

- қарз (ссуда) фоизлари меъёрларини ва аниқ вақт оралиғида уларнинг ўзгариш анъаналарини тадқиқ этиш тақозо этилиши;

- суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман зарарлар юзага келиши ҳамда улар катталигининг кенглик ва вақтда тақсимланишига махсус жадваллар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш талаби намоён бўлиши;

- эквивалентлик тамойилига амал қилиш, яъни суғурта мукофотлари ва суғурта ташкилоти томонидан тариф даврида кўрсатилаётган суғурта таъминоти ўртасида ўзаро тенглик ўрнатилиши тақозо этилиши;

- умумий суғурта доирасида рискларни аниқлаштириш ва уларни гуруҳлаш талаб этилиши кабилар.

Суғурта тўловлари ҳажмининг ҳисоб-китоблари айнан

бир мамлакат, алоҳида бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, шунингдек риск юз бериши эҳтимолининг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги асосида аниқланади. Масалан, суғурталанган объектлар сони 100 та, ҳар бир объект бўйича суғурта суммаси 2 млн. сўм бўлса, риск эҳтимоли 2 фоиз даражасида (0,02 х 100 х 2 млн. сўм) ҳамда зарар суғурта суммасига тенг ёки ундан катта бўлганида, мазкур умумий суғурта доирасидаги бу суғурта тури бўйича йиллик суғурта қопламаси, яъни нетто-ставка айнан 4 млн. сўмни ташкил этади.

Аниқланган суғурта қопламасини суғурталанган объектлар сонига бўлсак, умумий суғурта захирасига ҳар бир суғурталанувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти 40 минг сўм (0,02 х 2 млн. сўм) эканлиги аниқланади. Ҳар бир суғурталанувчи айнан шунча суғурта мукофотини тўлаши керак. Суғурта суммасининг бирлиги сифатида 1000, 100 ёки 1 сўм олиниши мумкин.

Тариф ставкаси ёрдамида ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаши керак бўлган суғурта мукофоти аниқланади. Бунинг учун шартномада қайд этилган суғурта суммаси тариф ставкасига кўпайтирилади. Масалан, тариф ставкаси ҳар 100 сўмдан 2 сўм даражасида белгиланган бўлса, шартнома бўйича суғурта суммаси 5 млн. сўмга тенг бўлганда, суғурта мукофотининг катталиги қуйидагича аниқланади:

(2 сўм х 5 млн. сўм) : 100 сўм = 100 000 сўм.

Суғурта тарифи ставкаси суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги муҳимдир. Суғуртачи суғурта тарифи асосида

ундирилган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди, яъни суғурта фаолиятини амалга ошириш харажатларини қоплайди.

Суғурта рисклари сезиларли даражада кам юз берган ёки суғурта ҳодисаси оқибатида кўрилган зарар кўлами катта бўлмаган йиллар ҳисобига суғуртачининг даромад (фойда) олиш эҳтимоли ортади. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, аниқ натижалар ҳисоб-китобида ҳисобот даври давомида хабар қилинган, аммо суғурта қопламаси амалга оширилмаган зарар суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир этади.

Суғурта тарифининг риск юз бериши эҳтимолига нисбатан юқори даражада кўрсатилиши *бир томондан*, мижоз билан суғурта шартномаси тузилмай қолишига сабаб бўлса, *иккинчи томондан*, суғуртачининг суғурта бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир этади. Ва, аксинча, тариф ставкасининг паст даражада белгиланиши суғуртачи маблағларининг тақчиллигини келтириб чиқариши оқибатида, суғурталанувчи кўрган зарарнинг суғурта қопламаси амалга оширилмай қолинишига олиб келиши мумкин, аммо, бундай ҳолат амалиётда деярли учрамайди.

Суғурта мукофотларининг ставкалари тариф даври учун ҳисоблаб чиқилади, яъни тариф ҳисоблари асосида белгиланган давр учун эквивалентлик таъминланади. Шундай қилиб, ҳар қандай суғурта тури бўйича тариф ставкаси брутто-ставка сифатида қаралади ва у икки қисмдан: нетто-ставка (суғурта қопламаси тўловлари учун захира суммаси) ва суғуртачининг фаолият юритиш харажатларидан (одатда у

«юк» деб аталади) иборат бўлади. Брутто-ставкада бу иккала қисмнинг нисбати, уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турлича фоизларда белгиланиши мумкин. Нетто-ставка брутто-ставканинг асосини ташкил этади ва унинг ҳиссасига, суғурта турига қараб, 60-95 фоизгача улуш тўғри келиши мумкин. «*Юк*» ҳисобига эса, шунга мос равишда одатда 5-40 фоиз улуш белгиланади.

Суғурта шартномаси бўйича қанча суғурта тури суғурталанаётган бўлса, нетто-ставка ҳам шунча қисмдан иборат бўлади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставка белгиланган давргача яшаганлиги учун, ўлим ҳолати юз берганлиги учун, меҳнат фаолиятини йўқотиш ҳолати учун каби нетто-ставкалардан ташкил топади.

«*Юк*»да суғурта ишини олиб бориш харажатлари акс этади. У қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (унинг асосини ташкилот штатидаги ходимларга тўланадиган маошлар суммаси ташкил этади);
- суғурта полисларини жойлаштирганлиги учун ҳақлар;
- суғурта агентлари, менежерлар учун ҳақлар.

Тўлов шакллари, одатда брутто-ставка ёки «юк»ка нисбатан фоизларда аниқланади. Фоиз тўловларидан ташқари рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича «юк» суғурта ишини юритиш харажатларидан ташқари огоҳлантириш захирасига ажратмалар қилиш ва режалантирилган фойда суммаларини ҳам ўзида акс эттиради. Брутто-ставкани ҳисоблашда, дастлаб нетто-ставка аниқлаб олинади, сўнгра унга «юк» (одатда брутто-ставкага

нисбатан фоизларда) қўшиб ҳисобланади. Брутто-ставка қўйидагича аниқланади:

$$МС = \frac{НС}{100 - Ю(\%)},$$

Бу ерда, МС - брутто-ставка;
НС - нетто-ставка;
Ю(%) - юк (фоизларда ифодаланади).

Мажбурий суғурта турлари бўйича тарифлар меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилса, ихтиёрий суғуртада эса, суғуртачи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Тарифни аниқлаш услубияти, тариф ставкаси ва унинг дастлабки маълумотлар манбаси, нетто-ставка ва «юк» улушлари кўрсатилган ҳолда тариф ҳисоб-китоблари махсус ваколатли Давлат органига тақдим этилади. Мазкур орган томонидан рухсат берилганидан сўнг суғурта ташкилоти ўзи ҳисоблаб чиққан суғурта тарифини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифининг ҳажми суғурта объектини тавсифловчи қатор ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича тариф ставкасини аниқлашда нетто–ставка ҳисоб-китоби муҳим ҳисобланади. Айнан унинг ҳисобидан суғурталанувчилар кўрган зарарнинг қоплама тўловлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Суғурта ташкилоти мукофот ундирилиши ҳисобига суғурга ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчи кўрган зарарни қоплаш учун етарли миқдордаги суммани жамлаб олиши муҳимдир. Масалан, ҳар йили суғуртага қабул қилинган 1000 хонадондан 6 таси бутунлай ёниб кетиши

ҳодисаси рўй беради деб фараз қилсак, ҳар бир хонадоннинг баҳоси 1 млн. сўм бўлса, бу ҳолатда суғуртачи (1 млн. х 6) 6 млн. сўм миқдоридаги пул фондига эга бўлиши талаб этилади. Бу суғурта қопламаси суммасини суғурталанган объектлар сонига бўлиш орқали ҳар бир суғурталанувчига тўғри келадиган (6 млн. сўм : 1000 = 6 минг сўм) суғурта мукофоти аниқланади. Айнан шу сумма аниқ бир суғурта объекти учун ҳисоблаб чиқилган нетто-ставкадир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётда бирмунча мураккаброқдир[1]. Негаки, суғурталанган объектнинг (бир қисми ёки батамом) зарар кўрганлиги даражаси, суғурта ҳодисалари (ёнғин, сув тошқини ва бошқа) сонининг йиллар бўйича тафовути, шунингдек, бошқа қатор далилларни эҳтимолликка асосланиб, башорат қилиш ва ҳисобга олиш керак бўлади. Мол-мулк (бино, уй хайвонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари)нинг турли суғурта ҳодисалари (ёнғин, касалликлар, совуқ ва шу кабилар) юз бериши оқибатида, зарар кўриши ёки ҳалокатга учраши эҳтимоли турличадир. Шундан келиб чиқиб, объектларнинг шартномада қайд этилиши назарда тутилаётган суғурта ҳодисаларидан суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳам турлича белгиланиши мумкин.

Нетто-ставка икки қисмдан - суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи ва риск «юки»дан шакллантирилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи - энг катта

[1]Худди Европа мамлакатларидаги каби суғуртачилар иштирокидаги суғурта компаниялари ассоциациялари ва махсус (масалан, «Assamlee Pleniere des Socieetes d'Assurances Dommages» каби) техник ташкилотлар томонидан суғурта «маҳсулот»ларини кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар бўйича ишончли даражада тарификациялаш сингари фаолият Ўзбекистонда йўлга қўйилганича йўқ.-изоҳ *муаллифники.*

эҳтимолликка кўра, суғурталанган объектлар суммасининг тўланган суғурта қопламаси суммаси нисбатидан келиб чиқади. Масалан, бир автомобилнинг нархи 10 млн. сўм, уни таъмирлаш 3 млн. сўм, йўл ҳалокати ҳодисаси доимийлиги коэффициенти (ДАН маълумотига кўра) 0,2 бўлса, суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи (ССЗК = 3 млн. сўм : 10 млн. х 0,2 х 100 = 6 сўм ёки 6 %) 6 фоизни ташкил этади.

Риск қопламаси тўловининг катталиги суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Риск бўйича суғурта мукофоти унинг юз бериш эҳтимоллигининг вақт ва кенгликдаги ҳолатидан келтириб чиқарилади. Ҳаёт суғуртаси тармоғида риск эҳтимоли мижозлар жинси ва ёшига кўп жиҳатдан алоқадор бўлса, умумий суғурта тармоғида эса, нисбатан доимий риск мавжуддир. Аммо маълум вақт оралиғида риск катталиги ўзгариши ҳам кузатилади.

Ушбу параграфда суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳамда уларнинг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги тадқиқ этилди. Брутто-ставка ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблаш, суғурта тарифини аниқлаш зарурати юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

2.4. РИСКЛАР ТРАНСФЕРИДА ТАРИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ

Глобаллашув жараёнида бозорни тавсифловчи талаб-таклиф устуворлиги билан узвий боғлиқликда намоён бўладиган категориялар, хусусан, халқаро суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи ёритилган қатор иқтисодий адабиётларда *«сотувчи ва харидор бозорлари (sellers and consumers' markets)»* ҳамда унга эквивалент бўлган *«қатъий ва эгилувчан бозорлар» (hard and soft markets)* терминлари кенг қўлланилмоқда. Ушбу терминларнинг мазмун-моҳияти юзасидан, шуни таъкидлаш лозимки, *«қатъий бозор»* деганда, суғурта хизматини кўрсатишни оптималлаштириш ҳисобига тарифларнинг анъанавий равишда мунтазам ўсиши кузатилаётган бозор тушунилади. Суғурта компаниялари томонидан ўзаро рақобат таъсирида мижозлар учун фойдали бўлган тарифларнинг маъқбуллаштирилиб бориши *«эгилувчан бозор»* ҳукм сураётганлигидан далолат беради. Масалан, XX асрнинг иккинчи ярми давомида АҚШда автосуғурта бўйича зарарлилик кўрсаткичларининг ўзгариши амалиётда қатъий ва эгилувчан бозорлар ривожланиши босқичларининг ўзаро алмашинувини бирмунча яққолроқ акс эттиради[1].

Бу жараёнда халқаро суғурта бозори ва унинг ривожланиш қонуниятлари, уни тавсифловчи асосий омил ва ходисаларни, яъни риск муҳитини ўрганишнинг аҳамияти кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан, суғурта рисклари

[1]Stewart Barbara A Brief History of Underwriting Cycles National Association of Insurance Commissioners 1991, p. 17.

катталигини аниқлаш ва суғуртачининг уларни баҳолаш омилларини тавсифлаш зарурати
юзага келади.

XXI асрнинг дастлабки йиллари суғуртачилар учун синовлар даври бўлганлигини эътироф этиш лозим. Шундай синовларнинг энг биринчиси 2002 йилнинг август ойида АҚШнинг Флорида штати устида кечган «Эндрю» тўфони саналади. Суғуртачиларнинг тахминига кўра, унинг юз беришидан кутилган зарар 8,0 млрд. АҚШ долларидан ошмаслиги таъкидланган эди. «Эндрю» эса, бу башоратни йўққа чиқарди. У инсоният тарихида суғуртачилар ҳамжамиятига сезиларли, яъни 15,0 млрд. АҚШ долларидан ортиқроқ зарар келтирган табиий офат бўлиб қолди[1].

2004 йилда Калифорния штатининг Нортриж шаҳрида юз берган зилзила оқибатида кўрилган зарар «Эндрю» тўфонидан ҳам ошиб тушди. Бу зилзила катта иқтисодий зарар келтирган иккинчи табиий офат ҳисобланади. Кейинги 25 йил ичида шу тойифадаги рисклардан мол-мулкни суғурталаш мукофотлари суммаси 3,4 млрд. АҚШ доллари миқдорини ташкил бўлса, уларнинг юз бериши оқибатида кўрилган зарар ундирилган мукофотларга нисбатан 3,7 мартадан ортиқроқ ёки 12,5 млрд. АҚШ доллари даражасида бўлганлигини келтириб ўтишнинг ўзи ўринлидир[2].

2005 йилнинг август ойида, шунингдек, Луизиана штатининг жанубида жойлашган Янги Орлеан шаҳри узра кечган «Катрина» тўфони келтирган зарар, суғуртачиларнинг

---

[1]International Insurance Factbook Catastrophes' Insurance Issues New York Insurance Information Institute, 2004
[2]Яна ўша манбадан.

тахминларига кўра, 30 млрд. АҚШ долларидан ҳам ортиб кетиши кутилмоқда[1].

Мазкур рисклар юз бериши оқибатда кўрилган зарарларни қоплаш учун сарфланган маблағлар суммаси суғуртачиларнинг тарифларни аниқлаш борасидаги қарашларини тубдан ўзгартирди. Хусусан, суғурта воқеалари юз бериши оқибатида кўрилаётган зарар асосли равишда, суғуртачиларнинг ўз молиявий имконияти ҳамда андеррайтинг сиёсатини танқидий қайта баҳолашларига сабаб бўлди.

Етакчи суғурта бозорларда асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар динамикасининг суғурта мукофотларига нисбати, шуни кўрсатмоқдаки, XX асрнинг кейинги 10 йиллигида суғуртачилар инвестиция жойлаштирилувидан олган даромадлари ҳисобига ўз молиявий натижаларини мувофиқлаштиришлари орқали *«эгилувчан тариф»* сиёсатини юритаётганликларини кўрсатмоқда (10-диаграмма).

10-диаграмма

Дунёнинг етакчи суғурта бозорларида кузатилган зараралилик кўрсаткичлари динамикаси

1990-2003 йй.



Манба: М. Чехонин. Мировой рынок страхования: движущие силы и тенденции.//Ж. Страховое ревью, 8, 2004, с. 9.

[1] $ 30 млрд. на ветер//газета «Бизнес-вестник Востока», 31 августа 2005 года.

Юқорида қайд этилган суғурта ҳодисалари кўлами ва оқибатига кўра, албатта риск трансфери тарифининг кескин ортиши натижасида суғурта мукофотлари ҳажмининг ҳам ортиши суғуртачиларнинг суғурта операциялари фойдалилигини таъминлашларининг омил бўлиши кутилган эди.

Суғурта рисклари трансформациясининг биринчи босқичида юз бериши эҳтимол бўлган зарарни қоплаш учун суғурта ташкилотининг маблағлари етарлилиги солиштирилади. Суғуртачи субъектнинг захирага бўлган эҳтиёжи, яъни суғурта захирасининг мутлақ ликвидлилиги учун талаб этиладиган ҳажм аниқланади.

Бу нисбийликда рискнинг юз бериши эҳтимоли мавжуд деб топилсада, тасодифийликнинг ўрни аҳамиятли бўлиб қолаверади. Суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳар бир суғуртачи ўз зиммасига олган рискларни минималлаштириши, ўз молиявий барқарорлигини таъминлаши талаб этилади.

1970-2004 йиллар давомидаа юз берган турли даражадаги рисклар (5-жадвал) суғуртачиларнинг тариф сиёсатига ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги оқибатида, «қатъий бозор» шартлари ҳукмронлик қила бошлади. Шунга қарамасдан, халқаро суғурта бозорларида асосан зарарли натижалар истисно қилинмаганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Бу ҳолат суғуртачиларнинг ўзлари учун янги, ноанъанавий кўламдаги рисклар бўйича тарифларни аниқлаш муаммосига дуч келаётганликлари билан изоҳланади.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида юз берган террорчилик ҳаракати суғурта

ташкилотларига 40,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтирди. Мазкур террорчилик ҳаракати нафақат иқтисодий, балки руҳий жиҳатдан ҳам суғурталаш ва қайта суғурталашга бўлган ишончга маълум даражада путур етказди[1].

5-жадвал.

Халқаро ҳамжамиятга энг кўп зарар келтирган 40 офат

1970-2004 йй.

Халок бўлганлар сони*	Суғурта қопламалари, *млн долл.* **	Санаси	Ҳодисалар	Мамлакатлар, ҳудудлар
300000	Маълумот мавжуд эмас	14.11.1970	Кучли шамол ва сув тошқини	Бангладеш
280000	5000	26.12.2004	Сув остидаги зилзила (9,0 б.), Ҳинд океани узра кечган бўрон	Индонезия, Таиланд, Шри-Ланка ва бошқа мамлакатлар
255000	Маълумот мавжуд эмас	28.07.1976	Зилзила (7,5 б.)	Хитой
138000	3	29.04.1991	"Gorky" тропик циклони	Бангладеш
66000	Маълумот мавжуд эмас	31.05.1970	Зилзила (7,7 б.), тошкўчкиси	Перу
50000	166	21.06.1990	Зилзила (7,7 б.), кўчкилар	Эрон
26271	Маълумот мавжуд эмас	26.12.2003	Бам шаҳрида юз берган зилзила (6,5 б.)	Эрон
25000	Маълумот мавжуд эмас	16.09.1978	Табас шаҳрида юз берган зилзила (7,7 б.),	Эрон
25000	Маълумот мавжуд эмас	07.12.1988	Зилзила (6,9 б.)	Арманистон
23000	Маълумот мавжуд эмас	13.11.1985	Невада дель Руиз вулқонинг отилиши	Колумбия
22084	249	04.02.1976	Зилзила (7,5 б.)	Гватемала
19118	1134	17.08.1999	Измир шаҳрида юз берган зилзила (7,0 б.)	Туркия
15000	Маълумот мавжуд эмас	11.08.1979	Морвидаги сув тўғонининг уриб кетиши	Ҳиндистон
15000	107	26.01.2001	Гужарат штатида юз берган зилзила (8,0 б.)	Ҳиндистон, Покистон
15000	Маълумот мавжуд эмас	01.09.1978	Мамлакат шимолида муссон ёмғирлари оқибатида юзага келган сув тошқини	Ҳндистон
15000	113	29.10.1999	Бўрон	Ҳиндистон, Бангладеш
10800	Маълумот мавжуд эмас	31.10.1971	Бенгаль бўғозида ва Орисса штатида юз берган сув тошқини	Ҳиндистон

[1] Catastrophe, Injury and Insurance. The impact of catastrophes on Workers Comp., Life and Health Insurance. RMS Study, 2004

10000	Маълумот мавжуд эмас	25.05.1985	Бенгаль бўғзида кечган тропик бўрон	Бангладеш
10000	250	12.12.1999	Сув тошқини, лой оқими ва кўчкилар	Венесуэла, Колумбия
10000	Маълумот мавжуд эмас	20.11.1977	Андра Прадеш штати ва Бенгаль бўғозида кечган кучли тропик бўрон	Ҳиндистон
9500	566	19.09.1985	Зилзила (8,1 б.)	Мексика
9475	Маълумот мавжуд эмас	30.09.1993	Махараштрда юз берган зилзила (6,4 б.)	Ҳиндистон
9000	579	22.10.1998	"Mitch" бўрони	Гондурас, Никарагуа
6425	3065	17.01.1995	Кобе шаҳрида юз берган зилзила (7.2 б.)	Япония
6304	Маълумот мавжуд эмас	05.11.1991	"Thelma" и "Uring" қуюнлари	Филиппин
5300	Маълумот мавжуд эмас	28.12.1974	Зилзила (6,3 б.)	Покистон
5112	Маълумот мавжуд эмас	15.11.2001	Кучли ёмғир оқибатида юзага келган сув тошқини ва кўчкилар	Бразилия
5000	Маълумот мавжуд эмас	02.12.1984	Бхоп шаҳрида жойлашган химия заводида юз берган ҳалокат	Ҳиндистон
5000	Маълумот мавжуд эмас	30.06.1976	Зилзила	Индонезия
5000	587	23.12.1972	Зилзила (6,3 б.)	Никарагуа
5000	Маълумот мавжуд эмас	10.04.1972	Форс шаҳридаги зилзила (6,3 б.)	Эрон
5000	1114	05.03.1987	Нефть қувурига зарар етказган зилзила	Эквадор
4500	Маълумот мавжуд эмас	10.10.1980	Ал Аснам зилзиласи	Жазоир
4375	Маълумот мавжуд эмас	21.12.1987	"Ферри Дока Пас" кемасининг "Виктор" нефть танкери билан тўқнашуви	Филиппин
4000	Маълумот мавжуд эмас	30.05.1998	Такхардаги зилзила	Афғонистон
4000	Маълумот мавжуд эмас	15.02.1972	Ардекандаги бўрон ва кучли қор	Эрон
4000	Маълумот мавжуд эмас	24.11.1976	Ван шаҳридаги зилзила	Туркия
3840	6	01.11.1997	"Linda" қуюни	Вьетнам, Камбоджа ва бошқа қўшни давлатлар
3800	Маълумот мавжуд эмас	08.09.1992	Панжобдаги сув тошқини	Ҳиндистон, Покистон
3739	Маълумот мавжуд эмас	17.08.1976	Зилзила (7,9 б.), довул	Филиппин

* - халок бўлганлар ва бедарак йўқолганлар;
** - фақат мол-мулк суғуртаси бўйича қоплама тўловлари, 2004 йил жорий нархларида.

Манба: Жадвал "Swiss Re", (Sigma № 1/2005) маълумотлари асосида ишлаб чиқилди..

Хусусан, бу ҳолат суғуртачилар ҳам жамиятининг

кенг кўламли туркум рискларни суғурталашга тайёр эмасликларини намоён этди. Айниқса, суғурта рисклари бўйича тарифларни аниқлашнинг шаклланган амалиёти ўз олдига қўйилган янги талабларга жавоб бера олмай қолганлиги кўзга ташланди. Мазкур террорчилик ҳаракати суғурта фаолиятида *«қатъий бозор»га* ўтилишининг омили бўлди. Суғурта фаолиятининг янги талабларга мос равишда ривожланиши тақозо этилди.

Террорчилик ҳаракати мол-мулк (масалан, офислар жойлашган бинолар) ҳамда жавобгарлик (масалан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришдаги танаффуслар оқибатида кўрилган зарарлар) ва бошқа суғурта тур(класс)лари бўйича тарифларнинг кескин ортишига олиб келди.

Халқаро суғурта бозорларида тарифларнинг ошиши анъанаси 2000 йилдан бошлаб кузатилди. Бир қатор ҳолатларга кўра, суғурта тарифларининг ортиши анъанаси Нью-Йоркда юз берган террорчилик ҳаракати билан объектив равишда боғлиқ эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Масалан, бизга Directors & Officers Liability номи билан маълум бўлган юқори бўғин бошқарувчилари жавобгарликларини суғурталаш бўйича 2001-2005 йиллар давомида тарифларнинг жами 20 баробардан кўпроқ оширилганлиги, асосан, корпоратив мажоралар ҳамда акционерларнинг топ-менежерлар билан ўзаро низоларини суд орқали ҳал этишга интилишлари ортганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Аҳолининг суд таъқиби масалаларидан юқори даражада хабардорлиги, шунингдек, адвокатлик идораларининг суд

даъволари қўзғатилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати узвий боғлиқликда касбий ҳамда маҳсулот сифати учун жавобгарлик суғуртаси бўйича тарифлар ошишига олиб келди. Бу анъана АҚШ суғурта тизимида яққол намоён бўлди. Хусусан, ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари бўйича тарифлар 2002 йилда 15,0; 2003 йилда 10,0 фоизга ортган бўлса, 2004-2005 йилларда бу тарифларнинг ўсиш суръати бирмунча секин кечганлиги, айрим суғурта турлари бўйича эса, пасайганлиги ҳам кузатилди.

Рисклар трансферини амалга оширишда суғуртачилар томонидан эришилган ижобий ҳолатларга қарамасдан 1970-2004 йиллар давомида юз берган қатор суғурта ҳодисалари оқибатида катта суммадаги қопламалар тўланганлиги ҳисобига юзага келган иқтисодий оқибатлар ҳамон сезилмоқда (6-жадвал). Аммо, шунга қарамасдан, айрим сегментларда бу борада «юмшоқ бозор» белгилари намоён бўлаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Бу ҳолатлар юзасидан суғурта бозори мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари турлича эканлиги ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, рискларни бошқариш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда етакчи саналадиган АҚШнинг Risk Management Solutions (RMS) компанияси эълон қилган маълумотларда шу нарса қайд этиладики, юз бериши мумкин бўлган техноген ва табиий рисклар оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарар кўлами 11 сентябрь фожеасидан бир неча баробар ортиқ бўлиши мумкин[1].

Иқтисодий, табиий ва геосиёсий воқеълик таҳлилларига

[1]Catastrophe, Injury and Insurance. The Impact of catastrophes on Workers Comp., Life and Health Insurance. RMS Study, 2004.

асосланиб, RMS компанияси томонидан кўрилиши эҳтимол бўлган зарарнинг махсус тахминлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар жумласига: АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида Рихтер шкаласи бўйича юз бериши башорат қилинган 7 баллик зилзила, кенг кўламли ҳудудий химик зарарланиш, биологик қурол қўлланилиши эҳтимол бўлган террор, грипп эпидемияси ва шу кабилар киритилган.

6-жадвал.

Халқаро ҳамжамиятда энг катта ҳажмда тўланган 40 та суғурта қопламалари
1970-2004 йй.

Суғурта қопламалари*, *млн долл.*	Халок бўлганлар сони	Саналар	Ҳодисалар	Мамлакатлар, ҳудудлар
21542	43	23.08.1992	"Andrew" бўрони	Багам ороллари, АҚШ
20035	3025	11.09.2001	Нью-Йоркдаги ҳалқаро савдо Маркази, Вашингтондажойлашган Пентагонга уюштирилган террорчилик хуружлари	АҚШ
17843	61	17.01.1994	*Шимолий штатларда юз* берган зилзила (6,0 б.)	АҚШ
11000	124	02.09.2004	"Ivan" бўрони оқибатида нефть корхоналарига етказилган зарар	АҚШ, Барбадос
8000	24	11.08.2004	"Charley" бўрони	АҚШ, Куба, Ямайка
7831	51	27.09.1991	"Mireille"қуюни	Япония
6639	95	25.01.1990	"Daria" кучли қор бўрони	Франция, Буюк Британия
6578	110	25.12.1999	"Lotar" кучли қор бўрони	Франция
6393	71	15.09.1989	"Hugo" бўрони	Пуэрто-Рико, АҚШ
5000	38	26.08.2004	"Frances" бўрони	АҚШ, Багам ороллари
5000	280000	26.12.2004	Сув остидаги зилзила (9,0 б.), Ҳинд океани узра кечган бўрон	Таиланд Индонезия,
4988	22	15.10.1987	Кучли бўрон ва сув тошқини	Франция, Буюк Британия
4613	64	25.02.1990	"Vivian"' кучли, қорли бўрон	Шимолий ва Марказий Европа
4582	26	22.09.1999	"Bart" қуюни	Япония
4091	600	20.09.1998	"Georges" бўрони	АҚШ, Кариб ороллари
4000	3034	13.09.2004	"Jeanne" бўрони билан кечган сув тошқини ва кўчкилар	АҚШ, Гаити

3585	45	06.09.2004	"Songda" қуюни	Япония, Жануб. Корея
3361	41	05.06.2001	"Allisson"тропик шамоли билан кечган ёмғир ва сув тошқини	АҚШ
3292	45	02.05.2003	Чақмоқ, торнадо, дўл	АҚШ
3195	167	06 07.1988	"Piper Alpha" платформасидаги портлаш	Буюк Британия
3065	6425	17.01.1995	Кобе шаҳрида юз берган зилзила (7.2 б.)	Япония
2722	45	27.12.1999	"Martin" кучли қор бўрони	Испания, Франция
2677	70	10.09 1999	"Floyd" бўрони ва сув тошқини	АҚШ, Багам ороллари
2603	59	01.10.1995	"Opal" бўрони	АҚШ, Мексика
2535	38	06.08.2002	Кучли сув тошқини	Европа
2358	26	20.10.1991	Ўрмон ёнғинлари ва қурғоқчилик	АҚШ
2347	н/д	06.04.2001	Дўл, сув тошқини ва торнадо	АҚШ
2289	246	10.03.1993	Қор бўрони, торнадо	АҚШ, Мексика, Канада
2154	4	11.09.1992	"Iniki" бўрони	АҚШ
2019	23	23.10.1989	Нефть-химия заводида юз берган портлаш	АҚШ
1958	н/д	29.08.1979	"Frederic" бўрони	АҚШ
1927	39,	05.09.1996	"Fran" бўрони	АҚШ
1916	2000	18.09.1974	"Fifi" тропик бўрони	Гондурас
1883	100	04.07.1997	Кучли ёмғир оқибатида юзага келган сув тошқини	Польша, Чехия
1860	116	03.09.1995	"Luis" бўрони	Кариб ороллари
1759	6	27.04.2002	Бир неча торнадолар	АҚШ
1746	350	10.09.1988	"Gilbert" бўрони	Ямайка, Мексика
1730	30	18.09.2003	"Isabel" бўрони	АҚШ, Канада
1701	20	03.12.1999	"Anatol" кучли қор бўрони	Дания, Швеция
1684	54	03.05.1999	70 дан ортиқ кучли торнадо	АҚШ

* 2004 йил жорий нархларида

Манба: Жадвал *"Swiss Re", (Sigma № 1/2005) маълумотлари асосида ишлаб чиқилди*

RMS компанияси экспертларининг баҳолашларига кўра, камида 55,0 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги зарарни келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган ҳодиса, бу - биологик қурол қўлланилиши тахмин қилинган террор ҳисобланади.

Бундай воқеа юз бериши оқибатида кўрилган зарар суммаси кутилганидан бир неча баробар ортиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, зарар кўлами ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлиги ва бошқа қатор омилларга ҳам боғлиқдир.

Турли даражадаги табиий офатларда кўрилаётган зарар кўламининг муттасил ортиб бораётганлиги, халқаро терроризм хуружлари кучайганлиги рисклар трансферида тарифларни аниқлаш борасида мураккабликларни юзага келтирмоқда. Хусусан, суғурта риски юз бериши эҳтимоликка асосланганлиги ундан кўрилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш даражасидаги тарифни аниқлаш муаммосини юзага келтирди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида суғурта портфелини идентификациялашни мураккаблаштирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши мумкин бўлган иқтисодий зарар кўламини аниқлаш муддатидаги давомийлик, кутилмаган ҳолларда суғуртачи жавобгарлигининг кўлами ёки характери ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин.

Суғуртачиларнинг кейинги йиллар давомида кўрган зарарлари кўламининг кескин ортганлиги, рисклар трансферининг айрим тур(класс)лари, хусусан, жавобгарлик суғуртаси бўйича мажбуриятлар характери ва ҳажмини баҳолаш муаммоси тариф сиёсатида *«қатъий бозор»* шартлари амал қилишига сабаб бўлди. Бу жараёнга халқаро инвестиция бозорларидаги нобарқарорлик анъанаси ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Бир томондан, суғуртачи – рискни ўз зиммасига олувчи

сифатида, *бошқа томондан,* инвестор ўзаро ҳамкорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш орқали операцияларнинг молиявий барқарорлигини, хусусан, жойлаштирилган капитал учун кутилган даражада фойда олинишини таъминлашлари муҳим саналади. Бу ҳолат суғуртачининг рақобатбардош даражадаги тариф сиёсатини юритишини ҳам талаб этади.

Бу вазифани андеррайтингни ва иш юритиш ҳаражатларини камайтириш, уларни оптималлаштириш орқали самарали амалга ошириш мумкин. Бу саъй-ҳаракатлар асосан узоқ муддатли суғурталаш дастурлари амалга оширилаётган ҳолатларда самарали саналади.

Қатор суғурта компаниялари эгилувчан тариф сиёсатини юритиш ва рақобат муҳитида қўшимча имкониятларга эга бўлиш мақсадида, инвестиция бозорларида юзага келган қулай шарт-шароитдан фойдаланишга қаратилган бирмунча енгил бўлган йўлни танлашди. Шу тариқа Европа, АҚШ ва Япония суғурта ташкилотлари жойлаштирган инвестицияларнинг умумий суммаси бир неча триллион долларни ташкил этган бўлса, хусусан, ЕИ доирасида бу кўрсаткич 350 млрд. евро даражасидан ошиб кетганлигини таъкидлаш лозим.

Инвестиция фаолиятидан кутилаётган даромад ҳисобига тарифларнинг паст белгиланиши оқибатида суғурта фаолиятида самарали натижага эришиш мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолат етакчи суғурта бозорларида XX асрнинг 80 йилларидан то XXI асрнинг дастлабки йиллари давомида кузатилди. Масалан, акциялар индексидаги ижобий ўзгаришлар динамикаси суғуртачилар портфелида ушбу қимматли қоғозларнинг улуши ортишига омил бўлганлигини қайд этиш мумкин. Бу жараёнда қисқа

муддат ичида юқори даромад олиш имконияти шундай танлов учун асос саналсада, айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, унда фонд воситалари, хусусан, акциялар баҳосининг тушиб кетиши билан боғлиқ рисклар ҳисобга олинмаганлиги кўзга ташланади.

Ҳалқаро иқтисодиётдаги пасайиш, корпоратив мажоралар, улар ичида энг шов-шувлиси «Enron» компанияси билан боғлиқ норозиликлар, терроризм хавфининг ортиши халқаро фонд бозорлари динамикасини тубдан ўзгартириб юборди, хусусан, инвесторларнинг уларга бўлган ишончларига путур етказди, айниқса, акцияларга маблағ жойлаштиришни самарасиз қилиб қўйди.

Қимматли қоғозлар курси қадрининг тушиб кетиши суғуртачи ва қайта суғурталовчилар учун *бир томондан*, зарарли техник натижани инвестициядан олинган даромад ҳисобига қоплаш имкониятларини чеклаган бўлса, *иккинчи томондан*, акциялар курсининг тушиб кетиши ҳам суғурта компанияларининг маблағ йўқотишларига олиб келиши натижасида уларда балансни мувофиқлаштириш заруратини юзага келтирди.

XXI асрнинг бошида суғуртачиларнинг ўз маблағлари 700,0 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳоланган бўлса, 2001-2002 йиллар давомида бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 200,0 млрд. долларга камайганлиги кузатилди. Бу маблағларнинг 30 фоизи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида содир этилган террор оқибатида кўрилган зарарни қоплашга сарфланган бўлса, сезиларли даражадаги йўқотишлар айнан акциялар курсининг тушиб кетиши ҳисобига юз берди. Таъкидлаш лозимки, етакчи суғурта ва қайта суғурталаш

жамиятларининг қўшимча равишда маблағларни жалб этишлари ҳисобига, 2005 йилнинг бошига келиб, суғурта соҳасидаги капитализация 2000 йил даражасига яқинлашиши таъминланди.

Суғуртачилар учун анъанавий бўлган облигацияларга маблағ жойлаштиришлари ҳам уларнинг халқаро капитал бозоридаги фоиз ставкалари пастлиги сабабли, бу саъй-ҳаракатлар ҳам муаммонинг самарали ечими сифатида намоён бўла олмади. 2005-2007 йиллар давомида давлат облигацияларининг даромадлилиги 3-5 фоиз атрофида бўлиши кутилаётган бўлсада, уни XX асрнинг 80 йилларида кузатилган 13 фоиз даромадлилик даражаси билан солиштириб бўлмаслигини қайд этиш ўринлидир.

Инвестициялар бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар фаолиятига кўпроқ салбий таъсир этди. Мол-мулк суғуртасига ихтисослашган суғуртачилар учун инвестиция фаолияти нисбатан иккиламчи саналса, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар учун эса бирламчи аҳамият касб этади. Бу аҳамият ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғуртачининг ўз мижозлари олдидаги масъулияти юзасидан шартномавий келишувлар даражасидаги даромадлиликни таъминлаш манбаси эканлигида намоён бўлади.

Шунинг учун, ҳаёт суғуртаси шартномаси, одатда, узоқ муддатга мўлжаллаб тузилишидан келиб чиқиб, даромадлилик меъёри юзасидан қўйиладиган талабнинг асосли белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу меъёр айнан инвестиция фаолиятидан мўлжалланган даромад даражасида белгиланиши ҳисобига суғуртачи ўз зиммасига олган

мажбуриятини энг ноқулай ҳолатга кўра ҳам бажаришини таъминлашнинг омили бўлади.

Акциялар бозорида сезиларли даражада даромад олиш имконияти қатор суғуртачиларнинг эҳтиётқорликни эсдан чиқариб қўйишларига олиб келдики, бунинг оқибатида уларнинг инвестициялар портфелида айнан мазкур турдаги қимматли қоғозларнинг улуши ортди. Бу ҳолат асосан Европа мамлакатлари суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятларида кузатилди[1]. Бунинг оқибатида улар бирмунча қийин ҳолатга тушиб қолишган бўлса, Америка компаниялари эса, бу борада эҳтиётқорликни унутмаганликларини таъкидлаш лозим.

Европа суғурта компаниялари *бир томондан*, ўз инвестиция потфелидаги акциялар курси мувофиқлаштирилишидан миллиардлаб доллар миқдорида зарар кўрган бўлса, *бошқа томондан*, даромадлилик меъёрий катталиги юзасидан белгилаб қўйилган талабни бажаришлари учун қўшимча маблағ топишга мажбур бўлишди.

Инвестициялаш муҳитининг ноқулайлиги оқибатида янгидан тузилаётган шартномалар бўйича даромад меъёрининг паст белгиланиши суғурталанувчиларнинг ҳақли равишдаги эътирозларини келтириб чиқарди. Масалан, Германияда даромаднинг максимал даражаси суғурта назорати органи томонидан 3,5-4,0 фоиз даражасида белгилаб қўйилган бўлсада, бу кўрсаткичнинг 2,75 фоизни ташкил этганлиги суғуртачиларнинг инвестицион фаолликларига салбий таъсир этиб, уларнинг суғурта компаниялари

[1]Assekuranz Global 2001 Fmanzmarkt-Turbulenzen und hohe Schaden pragen die Pramienentwicklung Sigma No 6/2002 Zurich Swiss Re, 2002, p 9.

даромадларидаги улушини камайтирди.

Акциялар бозоридаги йўқотишлар суғурта компаниялари молиявий барқарорлигига кўрсаттан таъсири борасида шуни таъкидлаш лозимки, ўз портфелида инвестицияга йўналтирилган ҳаёт суғуртаси кўпроқ салмоққа эга бўлган суғуртачилар бирмунча қулай ҳолатга эга бўлишди. Бу ҳолатнинг ўзига хослиги суғуртачи суғурта мукофотини суғурталанувчининг инвестицияни жойлаштириш ҳоҳишига кўра йўналтиради. Айни вақтда, инвестиция риски кўпроқ суғурталанувчига дахлдор бўлишини ҳам таъкидлаш лозим. Бу ҳолатда инвестицияга йўналтирилган суғурта шартномасига алоқадор бўлган суғуртачи активлари қийматининг ўзгариши, шартномаларга мос равишда мажбуриятнинг ўзгаришига ҳам олиб келади, яъни акция курсининг пасайиши суғуртачининг молиявий натижаси учун нейтрал ҳисобланади.

Буюк Британия ва Италия суғурта компаниялари портфелида инвестицияга йўналтирилган ҳаёт суғуртаси кўпроқ салмоққа эга эканлиги ҳисобига активлар қиймати тушишидан энг кам зарар кўришди. Германия суғуртачилари фаолияти, асосан, анъанавий классик ҳаёт суғуртасини амалга оширишга йўналтирилганлиги оқибатида, сезиларли зарар кўрилганлиги кузатилди. Хусусан, Германияда ҳаёт суғуртаси инқирози кўламини тўлалигича англаб етиш учун мисол тарзда «Manheimer Lebensversicherung»нинг банкротга учраши сабабларини келтириб ўтиш мумкин.

Ҳозирда «эгилувчан бозор»нинг навбатдаги босқичига ўтиш эҳтимоли долзарб масала бўлиб қолмоқда. Аммо,

инвестиция бозорларида кузатилаётган ҳолат ва риск муҳити «эгилувчан бозор» йироқ эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, кейинги йилларда 2001 йил 11 сентябрдаги террор хуружи даражасидаги фавқулотдаги зарарлар кўрилмаган бўлса-да, бу ҳолат айни вақтда истиқболда барқарорликни ўзида акс эттирган прогнозлар қилиш учун асос бўла олмайди. Кейинги 10 йилликларда кечган табиий ва техноген характердаги рисклардан кўрилган зарарлар статистикаси ҳам кўрилган зарарларнинг кўлами барқарор ўсиш тусида бўлганлигини ўзида акс эттирган. Шунингдек, MRS компанияси томонидан локаль масштабдаги фавқулотдаги воқеалар оқибатида кўрилган суғурта зарарларини баҳолаш юзасидан қайд этилган натижалар ҳам бунинг далилидир.

Дунёнинг энг йирик саналадиган Швейцария «Swiss Re» қайта суғурталаш жамияти юз бериши эҳтимол бўлган глобаль фалокатларнинг суғурта ҳамжамияти учун оқибатлари юзасидан ҳисоботларни тақдим этиб келмоқда. Уларда куррамиз иқлимидаги ўзгаришлар оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларга асосий эътибор қаратилган. Swiss Re маълумотларига кўра, бундай ўзгаришлар оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар кўлами кейинги 10 йилликда 150,0 млрд. АҚШ долларига эквивалент миқдорда бўлиши таҳмин қилинган. Хусусан, кўрилиши эъҳтимол бўлган зарарлар кўламининг 30-40 млрд. доллари суғуртачилар зиммасига тушиши ҳисоблаб чиқилган бўлиб, бу эса, айнан, ҳар йили ўртача Нью-Йоркда юз берган террор оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш миқдорига тенг бўлган қоплама суммаларини талаб

этишини англатади.

Чарли, Френсис и Иван (2004 йил сентябрь) каби бўронлар оқибатида фақат АҚШ худудида жойлашган объектларига келтирилган зарар 19,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлганлиги суғурта бозорида, хусусан, аниқ бир суғурта тур(класс)и бўйича «эгилувчан бозор» амал қилиши юзасидан хулоса, аниқ фикр-мулоҳазаларни чиқариш эрта эканлигини кўрсатмоқда[1].

Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги техник ва технологик янгиланишлар тиббиётдаги кашфиётлар, ижтимоий қарашлардаги ўзгаришлар ва шу каби бошқа омиллар таъсирида, амалдаги суғурта портфелидаги мажбуриятлар кўламини қайта кўриб чиқиш эътибор талаб этадиган жабҳа бўлиб қолмоқда.

Мазкур параграфда рисклар трансферида тарифларни аниқлашнинг халқаро амалиёти тадқиқ этилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

- рисклар трансферида тарифларни белгилаш зарарлилик кўрсаткичларига асосланиб амалга оширилади;

- суғуртачиларнинг инвестиция фаолиятидан олган даромадлари миқдори уларнинг тариф сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади;

- халқаро суғурта бозорларида тарифларнинг ортиб бориши анъанаси намоён бўлмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, рисклар трансферининг янги талабларга мос равишда ривожланишини талаб этмоқда;

- халқаро амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, рисклар трансфери шартномаларини расмийлаштиришда

[1]Hurricane Season Puts Insurance Stocks Under Scrutiny. San Gabriel Valley Tribune, September. 17, 2004

даромадлилик меъёри юзасидан талаб асосли белгиланиши мақсадга мувофиқдир;

- баҳолашда йўл қўйилган хатолар ҳамда пухта ишлаб чиқилмаган инвестиция сиёсати суғуртачиларнинг молиявий имкониятларини ошириш жараёнга акс таъсир этмоқда;

- глобализация оқибатида компанияларнинг «бир-бирини ютиб юбориши», жойлаштирилган инвестициялардан олинадиган даромадлар даражаси ва шу кабилар суғурта ҳамда инвестиция портфели устидан назорат йўқотилишига олиб келишини амалий тажриба кўрсатмоқда;

- рисклар трансферида тарифларни оптимал даражада аниқланишини таъминлаш халқаро амалиётда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

III БОБ.
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

3.2. СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ШКИЛОТЛАРИ ДАРОМАД ВА НИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Суғурта ташкилоти ҳаётни суғурта қилиш борасида тузилган ҳар бир шартномада турли даражадаги суғурта тарифини қўллаши ёки даромадлилик меъёрини ҳар бир шартнома бўйича мустақил равишда ҳисоблаб чиқиши ва белгилаши мумкин. Ҳаётни суғурта қилиш класслари бўйича даромадлилик меъёрлари қатъий белгиланган бўлиши, унинг тариф ставкаларига ўзгаришлар киритиш эса, давлатнинг ваколатли органи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Суғурта ташкилотларида асосий даромад ва харажатлар ҳисоби ўзига хослиги билан фарқ қилади. Суғуртани амалга ошириш, қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларининг жами унинг даромади ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти даромадларини гуруҳлашнинг турли вариантлари мавжуд. Улар ичида манбаларга кўра, олинган даромадларни уч гуруҳга бўлишга асосланган вариант кенг қўлланилади (9-чизма):

а) *суғурта фаолиятидан олинган даромадлар*. Суғурта операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар суғуртачи даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу даромадларнинг асосий қисми суғурта шартномалари бўйича ундирилган мукофотлар ҳисобига шакллантирилади. Суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари ҳажмига

суғурта мажбуриятлари портфелининг таркиби ва тузилиши, тариф сиёсати, маркетинг стратегияси ҳамда бошқа қатор омиллар ўзаро боғлиқликда таъсир этади. Масалан, ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясини унга мос бўлган тариф сиёсатисиз амалга ошириб бўлмайди, ўз навбатида, муваффақиятли амалга оширилган маркетинг стратегияси суғурта портфели баланслашувини таъминлайди ва аксинча.



9-чизма. Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби[1]

Суғурта ташкилотининг мукофот тушумларига бозор конъюнктураси, инфляция суръати, меъёрий қонунчилик базаси, амалдаги солиққа тортиш тизими, суғурта бозорининг монополлашганлик даражаси, кредит фоизи динамикаси, мамлакатдаги ижтимоий ҳимоянинг ҳолати ва бошқа қатор омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

[1]Суғурта ташкилотлари даромадларининг келтирилган манбалари ва таркиби «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирининг қандайлигидан қатъий назар амалиётда суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари оқими ортиши ёки камайиши ҳодисаси кузатилади.

Ўзаро келишув шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта рискининг маълум улуши бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу жараёнда у суғурта операцияларини биргаликда суғурталаш механизми орқали суғурта мукофотининг мос бўлган қисми ўз ҳисобига ўтказилишидан ҳам даромад олиши мумкин.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи қайта суғурта тизимида қатнашиш орқали мукофотлар улушини ундиришдир. Бу улушнинг қандай катталикда бўлиши қайта суғурталашнинг ривожланганлик даражаси, унга бўлган талаб, қайта суғурталовчиларнинг касбий етуклиги каби омиллар ҳамда бирламчи суғурта бозори кўлами, суғурта рискларининг ҳажми кабиларнинг таъсирига боғлиқликда кечади.

Суғурта ташкилоти қайта суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганда шартнома шартларига биноан қайта суғурталашга ўтказилган рисклар бўйича зарар қопламасидаги улушини ҳам ундириб олади.

Суғурта ташкилоти воситачилик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш жараёнида суғуртачи воситачилик ҳақини ундириб олади. Суғурта ташкилоти айрим ҳолатларга кўра, рискни бошқа суғуртачига сийлов этиши орқали воситачилик ва брокерлик рағбатлантиришларини олишдан ҳам даромад

кўриши мумкин.

Тенг улушдаги қайта суғурталаш шартномасида қайта суғуртачига тантьем тўловлари ҳам назарда тутилиши суғуртачининг қайта суғурталовчининг фойдасида ўз улушига эга бўлиши шаклидир.

б) инвестиция жойлаштирилувидан олинган даромадлар. Суғурта ташкилотининг ушбу фаолияти тўғридан-тўғри суғурта фаолияти билан боғлиқ эмас. Суғуртачининг инвестиция жойлаштириш имконияти суғурта мукофотлари ҳисобидан юзага келади. Одатда, суғурта мукофотлари маълум вақт оралиғида суғуртачи ихтиёрида бўлиши даврида амалдаги меъёрий қоидаларга асосланиб, даромад активларига жойлаштирилиши унга инвестиция даромадларини келтиради. Инвестиция имкониятлари бўйича узоқ муддатга ҳаётни суғурталаш захиралари кўпроқ манфаатлидир.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан оладиган даромадлари таркиби:

- банк жамғармалари фоизлари;
- акциялардан дивиденд фоизлари;
- қимматли қоғозлардан даромадлар;
- кўчмас мулкдан олинган даромадлар кабилардан иборат бўлади.

Бу фаолиятнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, суғуртачи ўз мижозларига бонус тўловларини айнан инвестиция жойлаштирилувидан оладиган манбалари ҳисобидан тўлайди.

Инвестиция бозорлари ривожланган мамлакатларда ушбу фаолиятдан суғуртачининг олган даромадлари айрим суғурталаш турлари бўйича суғурта операцияларини амалга

оширишда юзага келган зарарларни қоплаш имкониятини бермоқда.

Шу нуқтаи назардан суғурта ташкилоти инвестиция фаолиятини самарали олиб бориши унинг даромад манбалари таркибида муҳим аҳамият касб этади.

в) *суғурта ташкилотининг бошқа даромадлари.* Суғуртачи суғурта операцияларини амалга ошириши ва инвестиция жойлаштирилувидан ташқари бошқа фаолиятдан ҳам даромад олиши мумкин.

Бундай даромаднинг манбалари:

- депо мукофотлар ҳисобига ўтказилган фоиз суммалари;
- регресс тартибида олинган суммалар;
- асосий фондлар, моддий бойликлар ва бошқа активларни сотишдан олинган фойда;
- ижарачилик фаолиятидан олинган даромадлар;
- суғурта захираларининг қайтим суммалари;
- ўқитиш, маслаҳат ишларини олиб бориш бўйича ундирилган тўловлар ҳисобланади.

Суғуртачининг суғурта хизматларини сотувидан ташқари олган даромадлари асосан ўз филиалларига иш қоғозларини (ҳисобот бланклари ва шу кабиларни) тайёрлаб бериш, уларнинг янги «маҳсулот»ини реклама қилиш кабилар ҳисобига олинади. Айрим ҳолларда улар ижара муносабатлари орқали ҳам шакллантирилади. Суғуртачининг сотувдан ташқари даромадларини ҳажми суғурта ташкилотининг катталигига боғликдир.

Сотувдан ташқари даромадларни олиш учун амалга оширилган харажатларни суғурта фаолиятига ёки суғуртадан

бошқа фаолиятга тааллуқли эканлигини аниқлаш мураккаб кечади. Шунингдек, суғурта ташкилоти маълум бир суғурта тури бўйича суғурталашни амалга оширмаётган бўлса-да, уни йўлга қўйиш юзасидан харажатларни сотувдан ташқари даромадлари ҳисобига бажаради.

Маълумки, суғуртада рисклар трансформацияси жараёнида ҳамда бош ташкилот ва филиаллар (якуний молиявий натижа баланси ёки ҳисоб рақамига эгалигига кўра) ўртасида масъулият тақсимотининг механизми турличадир.

Суғурта фаолияти - суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчининг зарарини қоплаш билан боғлиқ бўлган ўзига хос иқтисодий фаолият туридир. Суғурта ҳодисаси юз бериши ёки бермаслигига кўра қоплама тўлашнинг илмий асосланганлик (ўрганилган, ҳисобланган, аниқланган) меъёрини белгилаш ва кўрилган зарарни суғурта ташкилотининг захира фондидан тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта ҳодисасининг йиллар бўйича юз бериши эҳтимоллиги турличадир. Айрим аниқ бир йилда бу ҳодисаларнинг сони кўп бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу йил бўйича суғурта ташкилотининг фаолияти зарар билан тугаши мумкин. Захира фондининг маблағи етишмаслиги ҳолатида суғурта ташкилотида қолган даромад ҳисобидан унинг ҳар йилги захира фондига ажратма меъёрини қайта кўриб чиқиш зарур. Статистик маълумотларга асосланиб, қайд этиш керакки, суғуртанинг кўп турлари бўйича амалга оширилган суғурта қопламаси ундирилган мукофотлари суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади. Шунга асосланиб, тарифларни ошириш эмас, балки унинг таркибини

ўзгартириш мантиқан тўғри бўлади.

Қайта суғурталаш шартномасини тузишда қайта суғурталовчи (халқаро терминда «цедент») қайта суғурталаш мукофотининг маълум қисмини ёки ҳаммасини депонентга ўтказиши назарда тутилиши мумкин. У шартнома даври тугаши ҳамда суғурта ҳодисаси юз бермаган тақдирда мазкур мукофотлар ҳисобидан олинган депо фоизлари билан биргаликда қайта суғурталовчи ҳисобига ўтказилади. Унинг ҳажми (фоизда) шартномада қайд этилган бўлади.

Шундай кафолат берилиши қайта суғурталаш мукофотларини молиявий захира сифатида ишлатиш имкониятини оширади.

Фуқаролик қонунчилигига биноан суғурта ташкилоти ўз мижози манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида суғурта ҳодисасига сабабчи бўлган айбдор шахсга регресс даъво қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Одатда регресс тартибидаги сумма суғуртачи ўз кафиллигини бажариб бўлганидан кейин ундирилади. Бундай фаолият натижасида ундирилган сумма суғурта ташкилотининг суғурта таъминоти тўловлари бўйича харажатларини қоплаш учун манба ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз фаолиятида фойдаланилаётган асосий фондларини сотиш ҳуқуқига эгадир. Шунда фаолият бўйича суғуртачининг фойдаси асосий фондни сотишдан олган тушум суммаси билан мулкнинг баланс (қолдиқ) баҳосида ҳисобдан чиқариш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Суғурта ташкилотининг мулки ижарага берилиши мумкин. Масалан, кўчмас мулк объектлари ҳамда асосий фондлардан

айрим ҳолларда ижара объекти сифатида фойдаланилади. Бу фаолият натижасида ундирилган ижара тўлови ҳам суғуртачининг даромади ҳисобланади.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи ўқитиш, маслаҳат ишлари учун ундирилган тўловлар суммаси, шунингдек, риск-менежмент бўйича хизматлар кўрсатиши, дастур «маҳсулот»ларини ўрнатиб бериши кабилар ҳисобланади. Бу даромадлар суғуртага тўғридан-тўғри дахлдор бўлмаса-да, аммо у билан узвий боғлиқликда шаклланади.

Суғурта ташкилоти даромадининг шаклланиш механизми, таркиби ва тузилишини ўрганиш унинг ўзига хос фаолият тури эканлигини намоён этади.

Суғуртачининг жами маблағлар сарфи суғурта «маҳсулот»и таннархини ташкил этади. У амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ҳамда суғуртачи харажатларнинг таркибини белгилаши учун асос ҳисобланади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда суғуртачининг жами харажатлари ва уларнинг таркибини аниқлаштириш ҳам талаб этилади.

Суғурта ташкилоти харажатларининг таркиби ҳам хилма-хилдир (10-чизма). Суғурта ташкилотининг харажатлари саккиз турдан иборат бўлиб, ҳар бир тур ўз навбатида, асосий ва мақсадли фаолият ҳамда харажатларнинг амалга оширилиши вақтига қараб гуруҳланади. Суғурта ташкилоти харажатларининг турларига тўхталадиган бўлсак, улар ўз аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) *суғуртани амалга ошириш харажатлари.* Бу

харажатлар суғуртачи фаолиятини молиялаштириш учун амалга оширилади. Суғурта ташкилоти фаолиятини таҳлил этишда мазкур харажатлар таркибини маълум белгиларига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

т/р	Харажат турлари	Харажатларнинг таснифи		
		Асосий фаолият бўйича	Мақсадли фаолият бўйича	Амалга оширилиш вақтига кўра
1	Маъмурий-хўжалик юритиш харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани амалга ошириш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
2	Воситачилик тақдирлашларини ундириш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
3	Реклама ва маркетинг хизмати харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани тузишга қадар
4	Махсус иш қоғозларини тайёрлаш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани тузишга қадар
5	Суғурта захираларига ажратмалар	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
6	Қайта суғурталаш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
7	Инвестиция жойлаштирилуви харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
8	Суғурта қопламаси харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Суғурта ҳодисаси юз берганда

10-чизма. Суғурта ташкилоти харажатларининг турлари ва уларнинг таснифланиши

Суғуртачининг фаолияти жараёнида маблағлар сарф этилиши юзасидан белгиланган вазифаларга кўра, суғурта ташкилоти даромади ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботига мос равишда суғурта ишини юритиш харажатлари таркибини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- шартномаларни тузиш ва бажариш харажатлари;
- инвестиция фаолияти бўйича харажатлар;

– бошқарув харажатлари.

б) *суғурта ишини юритиш харажатлари* сарфланишига кўра қуйидагича бўлиш мумкин:

– иш ҳақи тўловлари;

– давлат фондларига ажратмалар, ходимларни тайёрлаш харажатлари, реклама ҳамда маркетинг харажатлари, хўжалик харажатлари ва бошқалар;

Суғурта ишини юритиш харажатларининг юзага келиши даврига кўра, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– суғурта шартномасини тузиш учун олдиндан қилинган (иш қоғозларини тайёрлаш, статистик маълумотларни йиғиш, тариф ҳисоб-китоблари ва шу каби) харажатлар;

– суғурта шартномаси тузиш даврида қилинган (халқаро терминда «acquisition») харажатлар;

– суғурта шартномаси амал қилиш даврида қилинган (масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш бўйича) харажатлар;

– суғурта ҳодисаси юз берганда (сабабларини ўрганиш ва унинг оқибатларини тугатиш учун) қилинадиган харажатлар.

Суғурта ишини юритиш харажатларини, шунингдек, айрим суғурта тури ёки шартномасига дахлдор бўлган ўзгарувчан ва барча тузилган суғурта шартномалари портфелига алоқадор бўлган доимий каби гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин[1].

Халқаро амалиётда суғурта ташкилотининг харажатлари аквизиция (оммавий-ташкилий комплекс

[1]Қаранг: Дубровина Т.А., Сухов В.А., Шеремет А.Д. Аудиторская деятельность в страховании. Учебное пособие под ред. проф. Шеремета А.Д.-М.: ИНФРА-М, 1997. с. 160.

тадбирлар), *инкассация* (суғуртанинг айрим турлари бўйича мукофотларнинг нақд пулларда қабул қилиниши), *ликвидация* (суғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан суғурталанувчи аризасида баён қилинган талабларнинг қондирилиши) ва *бошқарувга оид каби турлардан иборатдир*[1].

Суғурта ташкилоти даромад ва харажатларини суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ўрни ва ролига қараб таснифлаш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагичадир:

- *суғурта ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ бўлган (суғурта операциялари ҳамда инвестиция жойлаштирилуви бўйича) даромад ва харажатлар;*

- *суғурта ҳимояси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқа даромад ва харажатлар.*

Суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари таркиби ҳамда уларни ҳисоблаш кўп жиҳатдан миллий суғурта қонунчилиги меъёрларига ҳам боғлиқдир. Шунингдек, суғурта ташкилотининг даромад ва харажатларига амалдаги солиқ қонунчилигига биноан тўланадиган даромад(фойда) солиғининг солиқ базасини аниқлаш услубияти ҳамда ставкалари даражаси ҳам таъсир этади.

Суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари таркиби бўйича юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, уни аниқлаш бўйича қуйидаги услубиятни таклиф этамиз:

$$СМ = СМс + СМқс + ЎМЗў \ (1),$$

[1]Қаранг: Страховое дело. Учебник. Под ред. Рейтмана Л.И.-М.: Банковский и биржевой научно-консультационный центр, 1992. с. 333.

Бу ерда: СМ- ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси;
СМс - бевосита суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;
СМқс - қайта суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари суммаси;
ЎМЗў - ўзлаштирилмаган мукофотлар захирасининг ўзгариши.

$$УНз = Нз + Нвт \ (2),$$

Бу ерда: УНз - кўрилган зарарнинг умумий нетто қисми;
Нз - кўрилган зарарнинг нетто қисми;
Нвт - қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми.

$$Нз = СМ - СҚс - (СҚқс - СҚқсқ) \ (2.1),$$

Бу ерда: СҚс - тўланган суғурта қопламалари;
СҚқс - қайта суғурталаш бўйича тўланган суғурта қопламалари;
ТСҚқсқ - қайта суғурталаш шартномаларига кўра, қайта суғурталовчилар томонидан тўланган суғурта қопламалари.

$$Нвт = ВТқс + ВСқс \ (2.2),$$

Бу ерда: ВТқс - қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари;
ВСқс - қайта суғурталаш бўйича воситачилик сийловлари.

$$Тсх = УНз - (Юк + СМқсрр + СҚс + ВТқс + Зм + СҚқс) \ (3)$$

Бу ерда: Тсх - суғурта хизматларининг таннархи.
Юк - суғурта ишини юритиш харажатлари;
СМқсрр - қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари;
ВТқс- воситачилик тўловлари ва брокерлик сийловлари, қайта суғурталаш тантьемлари ва йиғимлари;
Зм - захира фондига ўтказилган маблағлар.

$$ЯД(З) = Д(З)аф \pm Д(З)бф \ (4),$$

Бу ерда: ЯД(З) - ялпи даромад ёки зарар (солиқ тўлангунга қадар бўлган даромад ёки зарар);
Д(З)аф- асосий фаолиятдан олинган даромад ёки зарар;
Д(З)бф - бошқа фаолиятдан даромад ёки зарар.

$$Д(З)аф = Нс \pm Нз \pm Нвт \pm Юк - ДХ \ (4.1),$$

Бу ерда: Нс - суғурта мукофотларининг нетто қисми;
ДХ - давр харажатлари.

$$Д(З)бф = Дбф - Хбф \ (4.2),$$

Бу ерда: Дбф - бошқа фаолиятдан даромадлар;
Хбф - бошқа фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатлар.

Суғурта ташкилоти даромади(фойдаси)ни аниқлашнинг келтирилган услубиятини жорий этиш масаласига (7-жадвал) тўхталадиган бўлсак, бу борада суғурта ишини амалга ошириш харажатларига киритилган суғурта хизматларни

ташкил этиш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади.

7-жадвал.

Суғурта ташкилотлари даромад ва харажатларини ҳисоблаш:

	(сўм ҳисобида)
(+) Бевосита суғурталаш бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари	910786.8
(+) Қайта суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	6741.1
(+) Ўзлаштирилмаган мукофотлари захирасини ўзгартириш	314695.1
(=) Ишлаб топилган мукофотлар	1232223
(-) Тўланган суғуртавий қопламалар	1188750.1
(-) Қайта суғурталаш шартномаларига биноан қилинган қоплама тўловлари бўйича зарарлар	506.3
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра, қайта суғурталовчилар томонидан қилинган қопламалар бўйича зарарлар	-
(=) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра ҳисобланган қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари	-
(+) Қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари	840.8
(=) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари	-
(-) Бевосита суғурталаш бўйича суғуртавий тўловлари (суғурта қопламалари)	-
(-) Ҳисобланган воситачилик ва брокерлар сийловлари. Қайта суғурталаш тантъемлари ва йиғимлари	321.4
(-) Зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар	1153961.8
(-) Қайта суғурталашга қабул қилинган рисклар бўйича қилинган қоплама тўловларнинг улуши	-

Бунда суғурта хизматини кўрсатиш(сотиш)дан тушган ялпи фойда қуйидагича ҳисобланади:

(=) Ишлаб топилган мукофотларининг нетто қисми	1232223
(+) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Давр харажатлари	226235.7
(-) Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари	-
(=) Асосий фаолиятдан олинган фойда	189246.4
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолиятдан олинган даромад	214343.3
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолият учун қилинган харажат	-
(=) Солиқ тўлангунга қадар бўлган даромад(фойда) ёки зарар	25096.9

Манба: «Ўзагросуғурта» ДАСнинг 2002 йил кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Таклиф этилаётган услубиятга кўра, келтирилган маълумотларда ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси 1232223,0 бўлган бўлса, шундан 910786,8 бевосита суғурталаш мукофотлари, 6741,1 қайта суғурталаш бўйича мукофотлари ва ниҳоят, 314695,1 сўмини ўзлаштирилмаган

фотлар суммаси ташкил этган.

Тўланган суғурта қопламалари 1188750,1 қайта суғурталаш шартномаларига биноан қоплама тўловлари бўйича зарарлар 506,3; кўрилган зарарларнинг нетто қисми 1189256,4; қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари 840,8; қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми 840,8; суғурта ишини юритиш харажатлари 5136,5; ҳисобланган воситачилик ҳамда брокерлар сийловлари, қайта суғурталаш тантьемлари ва йиғимлари 321,4; зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар 1153961,8 минг сўмни ташкил қилган.

Келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда суғурта хизматини кўрсатишдан тушган ялпи фойдани аниқлаш учун ишлаб топилган мукофотларнинг нетто қисми (1232223), кўрилган зарарларнинг нетто қисми (1189256,4), қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми (840,8) йиғиндисидан суғурта ишини юритиш харажатлари (5136,5), давр харажатлари (226235,7), хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари жамисини айириш орқали асосий фаолиятдан олинган фойда (189246,4 минг сўм) ҳисоблаб топилади. Шундан сўнг, инвестицион-молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар йиғиндисини қўшиш орқали балансдаги (25096,9 минг сўм) фойда суммаси аниқланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта ташкилотларининг асосий даромад ва харажатларини аниқлаш механизмини такомиллаштириш, унинг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш, хусусан:

- суғурта ташкилотининг асосий даромад ва

харажатлари ҳисоби ўзига хослиги билан фарқланиши нуқтаи назаридан даромадлилик меъёрлари ўзгаришини ўрганиб бориш;

- суғурта ташкилотининг жами даромад ва харажатлари таркибини аниқлаш, уларни ўрнига қараб таснифлаш комплекс ёндашувни талаб этади.

Хусусан, турли иқтисодий омиллардан самарали фойдаланиш, ўз ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳисобидан хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, захира маблағларининг оптимал даражада бўлишини таъминлаш суғурта ташкилотлари олдига қўйилган муҳим вазифадир.

3.2. СУҒУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА РИСКЛАР ТРАНСФЕРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу жараёнда суғурта фаолияти ҳам ривожланиб, равнақ топмоқда.

Суғурта институти бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида унинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, суғурта фаолиятида рисклар трансфери ҳам ўз навбатида, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Шу ўринда, «*инфратузилма*» тушунчаси иқтисодий илмий луғатларда турлича: масалан, «*асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар йиғиндиси*» ёки «*маълум тармоққа хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуаси*»[1] каби маъноларда қўлланилишини қайд этиш мумкин. Хусусан, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда, иқтисодиёт субъектининг самарали фаолият юритиши учун кафолатли шарт-шароит яратувчи фаолият турлари мажмуаси назарда тутилади. Маълумки, суғурта маҳсулоти сотилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва бу жараён:

- суғурта риски ҳақида ахборот тўплаш ва уни аниқлаштириш;

[1]Под. ред. Турбиной К. Е. «Теория и практика страхования», Учебное пособие, М.: «Анкил», 2003., с. 173.

- суғурта шартномасини имзолаш ва унинг амал қилишини таъминлаш каби босқичларни ўз ичига олади.

Суғурта фаолиятида рисклар трансферининг мазкур босқичлари ўзига хос билимни талаб этади. Айни вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра, маълум қисқа давр оралиғида талаб этилаётган мутахассис компаниянинг штатлар бирлигига киритилиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиши ҳам мумкин. Шунинг учун компания ўз фаолиятида, одатда бошқа соҳа мутахассислари хизматидан фойдаланади. Демак, таъкидлаш мумкинки, суғурта бозори инфратузилмаси унинг профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатида суғурта фаолиятида рисклар трансферининг самарадорлигини таъминловчи омил саналади.

Суғурта бозори инфратузилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, унинг таркибига суғурта воситачилари, суғуртачилар уюшмаси, авария комиссари, сюрвейер, актуарий, суғурта аудитори, махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳамда баҳоловчи фирмалар каби субъектлар киради (11-чизма). Шу ўринда, Лондон суғурта бозори инфратузилмаси таркибига суғурта андеррайтерлари ҳам киритилганлигини қайд этиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири суғурта бозорида ўзига хос ўринга эгадир. Масалан, *актуарий* суғурта хизматлари нархини аниқлашда қатнашувчи субъект саналади. Бунда, у катта сонлар ва эҳтимоллик қонунлари, шунингдек, статистик маълумотлардан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта ташкилотлари актуарий фаолиятисиз суғурта хизматларига иқтисодий асосланган нархларнинг

белгиланишини таъминлай олмайди. Актуарий суғурта фаолиятини стратегик режалаштириш, суғурта соҳалари, класс(тур)лари, шунингдек, компания бўйича суғурта портфели таркиби ва сифатининг таҳлили каби жараёнларда иштирок этади. Айрим давлатларда суғурта ташкилотининг ҳисоботи унинг ваколатли шахсларидан ташқари актуарий томонидан ҳам тасдиқланиши талаб этилади.



11-чизма. Суғурта бозори инфратузилмасининг субъектлари

Суғурта бозори инфратузилмасининг яна бир асосий субъекти бу *авария комиссаридир*. У суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда иштирок этади. Таъкидлаш мумкинки, авария комиссари суғурта ташкилоти билан тузган

шартномаси асосида фаолият юритади. У суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрган мулкни кўрикдан ўтказади, унинг кўлами ва сабабларини аниқлайди ҳамда авария сертификатини тузади. Баъзи мамлакатларда суғурта ташкилоти томонидан авария комиссарига маълум лимит доирасида йўқолган мулкни қидириш харажатларини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилиши мумкин.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда суғурта ташкилотининг ўзи ёки ҳодисанинг турига қараб тегишли ташкилот(йўл патрул хизмати, баҳоловчи ташкилот ва бошқа)лар томонидан авария комиссарининг вазифаси бажарилмоқда. Бу ҳолат, албатта суғурта хизматининг сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мазкур жараёнда авария комиссари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши турли субъектларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортишига омил бўлади.

Суғурта бозори инфратузилмасида авария комиссари билан «ёнма-ён» сюрвейер ва диспашерлар каби субъектлар ҳам фаолият кўрсатади. *Сюрвейер* - бу махсус эксперт бўлиб, у суғурта объектларини суғурта ташкилоти сўровига асосан кўрикдан ўтказувчи субъект саналади. У суғурталанувчи томонидан объектни кўрикдан ўтказиш учун жалб этилиши ҳам мумкин. Таъкидлаш лозимки, унинг авария комиссари билан ўзаро ўхшаш ҳамда ўзига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари сюрвейернинг ихтисослашганлик даражаси одатда авария комиссарига нисбатан юқори

саналади. Шунинг учун авария комиссари ҳам баъзан сюрвейер хизматидан фойдаланади.

Суғурта бозорида авария комиссари ва сюрвейер билан биргаликда *диспашер* ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур фаолият денгиз суғуртаси билан боғлиқлиги сабабли асосан денгиз бўйи давлатларида ривожланган. Мол-мулк ёки бошқа объектлар денгиз орқали манзилга етказилиш жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган, турли рисклардан суғурталанади. Маълумки, денгиз транспортида бир неча субъектларнинг мол-мулки юкланган ҳамда улар суғурталанган бўлиши мумкин. Денгизда суғурта ходисаси юз бериши оқибатида мулкларнинг зарарланиши *умумий авария* деб номланади.

Умумий авария ҳолатида ҳар бир мулк эгаси қанча зарар кўрганлигини аниқлаш лозим бўлади. Айнан шундай фаолиятни диспашер амалга оширади, ҳамда у кўрилган зарарни ҳисоблаш ва уни холисона тақсимлаш билан шуғулланувчи мутахассис ҳисобланади. Зарарнинг ҳисоби бўйича тузилган хужжат *диспаша* деб номланади.

Суғурта бозори инфратузилмасида *суғурта воситачилари* профессионал иштирокчилар сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Улар суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш борасида муҳим субъектлар ҳисобланади. Суғурта воситачиларининг таркибига суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари каби субъектлар киради. Хусусан, *суғурта агенти* бу суғурта ташкилотининг номидан ёки унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва унинг ижро этилишини ташкил этувчи юридик ёки жисмоний

шахсдир. *Суғурта брокери* эса суғурталанувчининг номидан ёки унинг топшириғига асосан шартномани тузиш ва унинг амал қилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади. Суғурта воситачилари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича махсус тизимга эга бўлиб, суғурта бозорининг ўзига хос инфраструктурасини ташкил этади.

Суғуртачилар уюшмаси унга аъзо бўлган субъектларнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида (масалан, 1985 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган Британия суғуртачилар ассоциацияси сингари) ташкил этилиши мумкин бўлган суғурта бозори инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми саналади. Мазкур уюшма(ассоциация)нинг вазифаси кенг кўламли бўлиб, у суғурта соҳасига оид билимларни оммалаштириш, махсус буклетлар, статистик маълумотларни нашр этиш каби йўналишларда фаолият кўрсатади.

Суғурта бозори инфратузилмасида *аудиторлик ташкилотлари* ҳам ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари ҳам аудиторлик текширувидан ўтишлари мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Аудиторлик текшируви суғурта ташкилотининг сўровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига кўра, аудитор суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи юзасидан ўз хулосасини беради. Мазкур хулосада суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати акс эттирилади. Суғурта ташкилоти аудитор тақдим эттан хулосадан келиб чиқиб, ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади.

Суғурта фаолияти ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, махсус (масалан, тижорат банклари бухгалтерияси каби) бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, суғурта фаолиятини текширувчи аудитор бу соҳа юзасидан махсус билимга эга бўлмаса, томонлар ўртасида келишмовчилик юзага келиши мумкин. Шу сабабдан, суғурта фаолиятини ривожлантиришда унинг ўзига хос бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари *махсус ихтисослашган маслаҳатчилар* ҳам суғурта бозори инфратузилмасининг субъекти сифатида фаолият юритишлари мумкин. Мазкур субъектлар жумласига ихтисослашган ва кенг қамровли маслаҳат бюролари, адвокатлик ҳамда баҳоловчи фирмаларни киритиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда маслаҳатчилик хизматининг ривожланганлик даражаси ҳозирда юқори эмас ва мазкур мутахассислар суғурта фаолиятида деярли иштирок этишмаяпти.

Ўзбекистонда 2004 йилнинг якунига кўра, суғурта мукофотлари 32,9 млрд. сўмга яқин суммани ташкил этди. 2005 йил бу кўрсаткичнинг янада ортиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон суғурта бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганидан далолат беради. Мамлакатимизда суғурта бозорини янада ривожлантириш унинг хизматлари кўламини кенгайтиришни ҳамда уларнинг сифатини оширишни тақозо этади.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор

инфратузилмаси суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёндир. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача тарзда кечмоқда.

Суғурта бозори инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатиши лозим бўлган суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчи(эксперт)лар ҳамда бошқа субъектлар, хорижий амалиётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган. Гарчи, суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиши суст кечаётган бўлсада, суғурта ташкилотларининг ўз инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг етакчи бўлаётганини, унинг қошида «Суғурта олами» номли суғурта бизнесини ўқитиш ва «Инновация ва суғурта хизматларини ривожлантириш» марказлари, «Ўзбекинвест Эксиминформ» маркетинг ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентликлари «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестицион компания шунингдек, бошқа шўъба корхоналар самарали фаолият кўрсатаётганлигини қайд этиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузиласини шакллантириш ва унинг субъектлари фаолиятининг меъёрий-хуқуқий базасини такомиллаштириш Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимизда суғуртачилар уюшмасини ташкил этиш, актуарий, сюрвейер каби субъектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараён суғурта бозори инфратузилмаси

субъектларининг алоҳида ихтисослашувини ҳамда уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рисклар трансферини ривожлантириш суғурта хизматларига бўлган талабни ўрганиш орқали амалга оширилади. Шунга кўра, мамлакатимизда аҳолининг суғуртага бўлган талабини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, суғурта ташкилотлари томонидан умумий суғуртанинг мол-мулкка дахлдор қуйидаги (15-илова):

- ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш (3 класс);

- йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш (7 класс);

- мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш (8 класс);

- мол-мулкни зарардан суғурта қилиш (9 класс);

- автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (10 класс) каби класс(тур)ларини таклиф этиш самарали ҳисобланади.

Шунингдек, кафиллик(кафолат)ни суғурта қилиш, бошқа молиявий рискларни суғурта қилиш ва умумий суғуртанинг бошқа турларини яхлитликда суғурлашни йўлга қўйиш, халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келаётган, аммо Ўзбекистон учун янги бўлган суғурта «маҳсулот»ларини миллий ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда мижозларга таклиф қилиш томонлар учун ўзаро фойдалидир.

Суғурта фаолиятининг мазкур йўналишларда ривожлантирилиши турли мулкчилик шаклларидаги субъектлар манфаатларининг рисклардан ҳимояси юқори даражада таъминланишига қаратилганлиги эътиборга

моликдир.

Тадқиқот натижалари ҳаётни суғурта қилиш тармоғининг келгусида жами суғурта мукофотлари суммасидаги улуши ортиб боришини кўрсатмоқда. Уни ривожлантириш учун мамлакатимизда талаб даражасидаги махсус инвестиция имкониятлари юзага келтирилиши лозим. Масалан, давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини сотиб олиш борасида айнан суғуртачиларга мўлжалланган улушларни ажратиш, айрим ҳолларда уларнинг сотиб олиш имкониятларини юзага келтириш талаб этилади. Ўзбекистонда суғурта субъектлари фаолияти асосини бир томондан, юқори даражадаги диверсификация(иқтисодий фаолият кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига кириб бориш хусусияти)га эга бўлган суғурта дастурларини шакллантириш, иккинчи томондан, риск даражасига таъсир этувчи омиллар бўйича масъулиятнинг энг юқори ва энг қуйи чегараларини аниқлаб олиш асосида суғурта буюртмасининг мувозанатли бўлишига эришиш ташкил этади.

Бу жараёнда суғурта фаолиятида халқаро стандартларга мос рисклар трансферини жорий қилиш амалиётида:

-суғурта маркетинги;

-андеррайтинг;

-ҳисоботларни юритиш ва берилган полисларга мувофиқ суғурталанувчиларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, қопламалар бўйича билдирилган норозиликларни ҳал этиш кабиларни ўзида мужассам этган методологияни ишлаб чиқиш ҳамда самарали қўлланилишини таъминлаш талаб этилмоқда. Айни пайтда, суғурта фаолияти класслари

бўйича суғурта ташкилоти ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялашни самарали амалга ошириш ҳам муҳим бўлиб қолмоқда.

Шундай талабдан келиб чиқиб, бу борада орттирилган халқаро тажрибани, хусусан, ҳар бир мижозга ташкиллашган ҳамда ўзаро манфаатли бўлган кенг қамровли хизмат кўрсатиш, суғурта шартномасини тузиш ва уни расмийлаштириш жараёнининг қуйидаги жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- *ҳаётни суғурталаш бўйича* аввало, аризанинг стандарт бланкасида акс эттирилган барча саволларга мижознинг жавоб берганлиги текшириб чиқилади.

Бу жараёнда мижозда илгари суғурта полиси бўлганлиги ёки у бўйича мурожаат қилганлиги, шунингдек, полисни расмийлаштиришнинг айрим махсус шартлари ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги ёки бошқа суғуртачининг полис беришдан бош тортганлиги каби ҳолатлар аниқлаштирилади.

Андеррайтер[1] тўлдирилган ариза бланкасидаги, шунингдек, бошқа мавжуд маълумотлар билан танишиб чиқади, сўнгра қарор қабул қилади. Шунга кўра, у:

- суғурта ташкилотининг тарифида келтирилган умумий шартлар асосида суғурталашни;

- таклиф хатида батафсил баён этилган шартлар асосида суғурталашни;

- бир умрлик полисни расмийлаштирувчи мижозининг даволовчи врачидан унинг соғлиғи ҳолати ҳақидаги тиббий ҳисоботга асосланиб (қарорни қабул қила олмаган ҳолларда,

[1]Андеррайтер (ингл.»Underwriter»)-суғурталаш мақсадида рискни баҳоловчи, юқори малакали мутахассис, сюрвейер вазифасини бажарувчи./Қаранг. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996. 1-Х, с. 528

суғурталанувчининг бошқа врач текширувидан ўтишини таклиф этиши орқали) суғурталашни;

- суғурта ташкилотининг бош тиббий эксперти хулосасига кўра, мижозни суғуртага қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ёхуд бошқа шартлардаги шартнома тузишни таклиф этиши мумкин.

Суғуртанинг мазкур тармоғида тузилган шартномаларга аризаларнинг стандарт бланкларида акс эттирилган қайд этиш рақами берилади.

- *умумий суғурталаш бўйича* ҳам стандарт бланкларда тўлдирилган аризалар[1] андеррайтингга келиб тушади. Суғуртачи ёки унинг агентлари сюрвей натижаларига асосланиб, айрим ҳолларда шартли изоҳлар билан қопламани таъминлашни ўз зиммаларига олади.

Андеррайтер риск даражасини ўрганади ва ўзида мавжуд бўлган танлов имкониятидан келиб чиқиб, тегишли қарорни қабул қилади. Бунда у:

-ушбу класс риски бўйича оддий суғурта мукофоти асосида суғурталаш;

-маълум шартлар (улар ёзувда қайд этилади) асосида суғурталаш каби хизматларни таклиф этиши мумкин.

Шунингдек, у риск даражасига кўра, суғуртага қабул қилмаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиши, айрим ҳолларда учинчи шахслардан керакли қўшимча маълумотларни сўраб олиши, мавжуд ҳужжатлар асосида объектни ўрганиб чиқиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда сюрвейер[2] хизматига эҳтиёж қолмайди. Аммо сюрвей кейинги

---

[1]Катта ишлаб чиқариш объектларини суғурталаш бундан мустасно - *изоҳ муаллифники.*

[2]Сюрвейер (инглз. Surveyer)- риск-менежери функциясини бажарувчи инспектор ёки суғурта агенти./Қаранг. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих-ПЭЛ, 1996. I-Х, с. 452

босқичларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Одатда сюрвей-рапортдан сўнг риск акценти юзасидан тегишли қарорни қабул қилади. Суғурта мукофотларини ундириш тизимини йўлга қўйиш босқичида бухгалтериянинг фаолияти бошланади.

Суғурта полиси расмийлаштирилгандан сўнг, эгасига жўнатилади, унинг нусхаси суғурта ташкилотида сақланади. Суғурта полисининг амал қилиш муддати узайтирилганда яна қайта андеррайтинг ўтказилиши мумкин. Суғуртачи томонидан суғурта полисининг шартларига ўзгартириш киритиш зарурати ёки полис муддати узайтирилмаслиги ҳолларида суғурталанувчига олдиндан эслатиб қўйиши мақсадга мувофиқдир. Аммо шартномани янгилаш зарурлиги тўғрисидаги хабарни суғурталанувчига етказиш суғуртачининг мажбуриятига кирмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилоти ҳар бир мижозига самарали ташкиллашган, иқтисодий жиҳатдан манфаатли хизмат кўрсатишга қаратилган кенг қамровли фаолиятни йўлга қўйиши муҳим ҳисобланади ва бу ташкилотнинг истиқболини белгилаб берувчи омил саналади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари ўзларининг стратегик ривожланиш ҳамда маркетинг тадқиқотларини мунтазам олиб боришлари, ҳар бир таклиф этилаётган суғурта хизматининг турлари, суғурта ҳимояси кўламининг орта боришига эришишлари учун ўзларининг аниқ мезон, услубларини ишлаб чиқишлари, шунингдек, амалиётга жорий этилаётган суғурта маркетинги ва мониторинги (*инг.л.* «monitor»-хавфдан огоҳ этмоқ) дастурларининг мукаммал бўлишларига эришишлари улар

фаолиятлари учун кенг истиқболни очиб беради.

Мазкур стратегик дастур асосини, агарда янги суғурта тури таклиф этилаётган бўлса, талаб даражасидаги маркетинг хизмати фаолиятини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракат, яъни маркетинг ахбороти тизилмаси орқали мижоз талабини ўрганиш ва шунга кўра, суғурта полисларини ишлаб чиқиш таъминланса, ишонч билан айтиш мумкинки, суғурта фаолиятида рисклар трансферининг самарадорлиги ортади.

Янги суғурта турини таклиф этишда, аввало *«бозор-ҳаракат-тузилма»* учлик мажмуаси пухта ўрганилган ва ишлаб чиқилган бўлиши, бундай иш потенциал мижознинг талабларини ўрганишдан бошланиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсад йўлида:

- *суғурта бозоридаги ҳолат;*
- *рақобатчилар фаолияти йўналишлари;*
- *истеъмолчилар (потенциал мижозлар);*
- *суғурта воситачилари (суғурта брокерлари ва агентлари)*[1], *яъни сотиш каналларининг сифати каби бозор сегментлари чуқур ўрганиб чиқилади.*

Бу борада амалга оширилган таҳлил асосида суғурта ташкилоти ўзининг янги суғурта «маҳсулот»ини мижозларига таклиф этиши мумкин бўлади. Янги суғурта полисини яратишда мижозлар томонидан аниқ бир хизмат турига бўлган талабнинг юқори эканлиги аҳамиятлидир.

Шундай талабнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни суғурта ташкилоти қуйидаги, яъни:

---

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 5,7-9-модда.

- мижозлар ўртасида сўровлар ўтказиш;

- жамоатчилик фикрини ўрганишни учинчи бир мустақил ташкилот орқали амалга ошириб, маълумотларга эга бўлиш;

- телемаркет ва бошқа ахборот каналлари орқали аниқлаб олади.

Шу ўринда, суғурта ташкилоти ҳам ўзига хос тадқиқот услубиятига эга бўлиши, мижозига нисбатан муносабатларда ташаббускорлиги, айниқса, буларнинг ҳаммасини суғурта қонунчилиги асосида амалга оширилишини таъминлаши муҳимдир. Масалан, риск трансферида бирон бир янги суғурта полисини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича намунавий бир режани ўрганиб чиқадиган бўлсак, унинг асосини:

- муаммонинг қўйилиши;

- бозорнинг таҳлили;

- «маҳсулот»нинг кучли ва кучсиз (салбий) томонлари ҳамда унинг кучли, ижобий томонини яхшиланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

- «маҳсулот»нинг дастлабки намунадаги турини таклиф этиши;

- риск-трансфери бўйича таклиф этилган суғурта турининг мижозлар талабига қанчалик мос тушишини башорат қилиши;

- амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижаларини олиши ва уларни таҳлил қилиши;

- эришилган натижани кутилган фойдалилик даражаси билан солиштириши;

- риск-трансфери бўйича янги суғурта турини жорий

этишда стандарт ҳолатларга интилиши;

- фаолиятни яна янгидан бошлаши кабилар ташкил этади.

Сўнгра, таклиф этилаётган суғурта полисига нисбатан талабни аниқлаш мақсадида синаб кўриш учун суғурта воситачилари гуруҳига топширилади.

Маълум муддатдан сўнг, дастлабки натижалар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, агарда мазкур суғурта полиси белгиланган муддатда (масалан, бир ҳафтада) ўртача 5-10 фоизлари атрофида «сотилишига» эришилган бўлса, бу ҳолат янги суғурта полисининг фойдали эканлигини англатади. Умуман, янги суғурта турининг маркетинги асосларини ўрганиш бир ой муддат ичида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда суғурта фаолиятида риск трансферини ривожланишининг стратегик мақсадидан келиб чиқиб, суғурта маркетинги ва мониторинги дастурлари асосини қуйидаги йўналишлар ташкил этиши, яъни:

- суғурта бозорида ўз ўрни ва ролини кенгайтира бориши;

- ўзининг молиявий барқарор ва ишончли ҳамкор эканлигини намоён этиши;

- соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда фаолият кўникмаларини орттиришни йўлга қўйиши, ўз ходимларининг хизмат савиясини юқори даражада бўлиши орқали хизмат кўлами ва сифатини янада оширишга эришиши;

- ўз таркибий қисмлари, яъни филиаллар тармоғини янада кенгайтириш ва ривожлантириш орқали ўзининг

молиявий салоҳиятини ошириши, суғурта хизматлари қамровини кенгайтира бориши натижасида моддий-техник асоси мустаҳкам бўлишига эришиши кабилар суғурта фаолиятининг истиқболини белгилаб беради.

